


**СУД ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР
ТЎҚНАШУВИ ВА КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШ**

ДАРСЛИК



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ
КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ**

**Исоқов Ҳожи-Мурод Исроилович
Арипов Дилшод Ўринбоевич**

**СУД ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР
ТЎҚНАШУВИ ВА КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШ**

Дарслик

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар
вазирлиги томонидан “Юриспруденция” йўналиши бўйича таълим
оладиган талабаларга, шунингдек судьялар ва судьяликка
номзодларга дарслик сифатида тавсия этилган

Тошкент – 2024

УДК: 341.2(075)

КБК: 67.407

И 40

Исоқов Ҳ.-М.И., Арипов Д.Ў.

Суд тизимида манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши курашиш.
Дарслик. Ҳ.-М.И. Исоқов, Д.Ў. Арипов. – Т.: “Lesson Press” нашриёти, 2024
й. – 194 б.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар
вазирлигининг 2024 йил 29 майдаги 194-сонли буйруғига асосан дарслик
сифатида нашр этиш учун рухсат берилган.

Судьялар олий мактаби Кенгашининг 2024 йил 4 мартдаги 3-сонли
қарорига асосан маъқулланган.

Тақризчилар:

Ф.Х. Отахонов

– Судьялар олий мактаби профессори, юридик фанлар
доктори;

М.П. Каландарова

– Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
аъзоси, юридик фанлар номзоди.

Мазкур дарсликда суд тизимида манфаатлар тўқнашуви ва коррупция
категорияларининг ҳуқуқий тавсифи, коррупциявий омилларни аниқлаш ва
уларга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари мазмуни атрофлича
ёритилиб, халқаро стандартлар асосида суд тизимида коррупцияга қарши
курашишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан
таклиф ва тавсиялар баён қилинган.

Дарслик судьялар ва суд ходимлари, судьяликка номзодлар, юридик олий
таълим муассасалари талабалари, шунингдек мавзуга қизиққан барча
ҳуқуқшунослар учун мўлжалланган.

ISBN 978-9910-664-87-8

© Ҳ.-М.И.Исоқов, Д.Ў.Арипов, 2024.

© Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий
кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, 2024.

© “Dimal” нашриёти, 2024

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
-------------	---

1-БОБ. СУДЬЯЛИК ОДОБИ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИШ АСОСЛАРИ

1-§. Суд тизимида манфаатлар тўқнашуви ва унинг ўзига хос жиҳатлари	7
2-§. Судьялик одоби тушунчаси ва унга риоя қилиш зарурати	9
3-§. Судьялик одоби қоидаларига оид халқаро ва миллий ҳуқуқий асослар тавсифи	12

2-БОБ. СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

1-§. Коррупция тушунчаси ва унинг ҳуқуқий тавсифи	31
2-§. Суд тизимида коррупция ва унинг ўзига хос жиҳатлари	34

3-БОБ. СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ ВА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1-§. Суд тизимида коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонунларнинг мазмуни	42
2-§. Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга оид қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг мазмун-моҳияти	46

4-БОБ. СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Коррупцияга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар тушунчаси ва уларнинг турлари	55
2-§. Суд тизимида коррупцияга қарши халқаро стандартларнинг мазмуни	58

5-БОБ. СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

1-§. Суд тизимида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар турлари	65
2-§. Халқаро ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш	73

6-БОБ. СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ

1-§. Судьялар ҳамжамияти органлари тушунчаси ва уларнинг ҳуқуқий мақоми	81
2-§. Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида коррупциявий омилларни олдини олиш чоралари	83

7-БОБ. СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ОЧИҚ ВА ШАФФОФ ТАРЗДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ ВА АҲАМИЯТИ

1-§. Судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги тушунчаси ва мазмуни.....	92
2-§. Судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш шакллари.....	95
3-§. Судлар фаолиятининг очиклигини таъминлаш усуллари	99

8-БОБ. СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ЎРНИ ВА МАЗМУНИ

1-§. Судлар фаолиятини рақамлаштириш тушунчаси ва мазмуни	119
2-§. Судлар фаолиятини рақамлаштириш орқали суд тизимида коррупцияга қарши курашиш.....	122

9-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

1-§. Судларда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари тавсифи.....	130
2-§. Судларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари	132

10-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

1-§. Судларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш - суд тизимида коррупциянинг олдини олиш гарови сифатида.....	138
2-§. Судьяларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – коррупцияга қарши курашнинг муҳим омили.....	146

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	152
ГЛОССАРИЙ.....	168
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	174
КАЗУСЛАР.....	185

КИРИШ

Коррупция мураккаб ижтимоий-иқтисодий-сиёсий ҳодиса бўлиб, жамият тараққиётининг муҳим омиллари бўлмиш тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларни йўқ қилади, миллий хавфсизликка таҳдид солади, мамлакат ривожига тўсиқ бўлади.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш тўғри таъкидлаганидек, коррупция жиноят, ахлоқсизлик ва ижтимоий ишончга нисбатан қилинган энг разил хиёнатдир¹. Дунёда коррупция туфайли солиқ тўловчилар чўнтақларидан триллионлаб долларлар мактаб ва касалхоналарга етиб бормасдан мансабдор шахслар ҳисоб рақамларига тушаётганлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда коррупцияга қарши курашиш нақадар муҳимлигидан далолат беради².

Барча соҳалар қатори суд соҳасида ҳам коррупция иллатларини йўқ қилиш ва унинг ривожланишига йўл қўймаслик мақсадида коррупциявий ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини, шунингдек, унга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш муҳим вазифалардан биридир. Айнигиқса, коррупцияга қарши курашишда уни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш, яъни унинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар вақт ва натижадорлик нуқтаи назаридан анча самарали ҳисобланади. Шу боис, соҳада коррупцияга қарши қаратилган ташкилий ва ҳуқуқий асосларни яратиш, мавжудларини замон талаблари асосида такомиллаштириш ва унга қатъий риоя қилиш, зарур маънавий-маърифий тадбирларни, шу жумладан фуқароларнинг ушбу соҳадаги билимини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш кутилган натижаларга эришишга имкон яратади.

Шу нуқтаи назардан суд фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва кўламининг кенглигидан келиб чиқиб, суд тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф қилиш ва қарши курашиш фаолиятини илмий ва ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш давр талабидир.

¹ БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг мурожаати. <https://www.un.org/ru/coronavirus/statement-corruption-context-covid-19>.

² <https://news.un.org/ru/story/2021/12/1415532>

Суд тизимида манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этишга қаратилган мазкур дарсликда суд тизимида манфаатлар тўқнашувининг ўзига хос жиҳатлари, коррупциявий омилларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш орқали соҳада коррупцияга қарши курашишнинг ўзига хос хусусиятлари батафсил ёритиб берилган. Дарсликнинг афзаллиги шундаки, унда асосий эътибор суд соҳасидаги коррупцияга қарши курашишнинг халқаро, хорижий ва миллий ҳуқуқий асосларини чуқур таҳлил қилиш, таққослаш ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилганлигидир.

Дарслик ўқувчининг суд тизимида манфаатлар тўқнашуви, коррупциявий омиллар ва уларга қарши курашишда қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳақида билим ва амалий кўникмаларини оширишга, мазкур соҳадаги муаммоларнинг ечимини топиш ва коррупцияга қарши курашишда самарали усулларни қўллаш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, дарслик аҳолининг мазкур соҳадаги ҳуқуқий билимларини юксалтиришда, уларнинг мазкур иллатга қарши фаол курашишда иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур дарслик судьялар ва суд ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳуқуқшунослик таълим муассасалари талабалари, илмий тадқиқотчилар, шунингдек аҳолининг барча қатламлари учун мўлжалланган.

1-БОБ. СУДЬЯЛИК ОДОБИ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИШ АСОСЛАРИ

1-§. Суд тизимида манфаатлар тўқнашуви ва унинг ўзига хос жиҳатлари

Судьялар касб одоби ва судьялик фаолиятида коррупциянинг олдини олиш мезонлари “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида “коррупция”, “коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик”, “манфаатлар тўқнашуви” тушунчаларининг ҳуқуқий тавсифи ва соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг вазифа ҳамда ваколатлари белгилаб берилган. Хусусан, мазкур Қонуннинг 3-моддасида **“Манфаатлар тўқнашуви - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият”** дея таърифланган.

Манфаатлар тўқнашуви тушунчасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда берилганлигининг сабаби шу билан асосланадики, аксарият ҳолатларда коррупция манфаатлар тўқнашувининг ҳосиласи сифатида юзага келади. Яъни, манфаатлар тўқнашгандан кейин унинг иштирокчилари манфаатлар мувозанатига эришиш, ўзаро келишиш учун коррупциявий муносабатга киришишлари мумкин. Бу бир тарафлама ёки икки тарафлама ёхуд кўп тарафлама манфаатдорликда намоён бўлиши мумкин.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 62-моддасида судьянинг мажбуриятларига доир қоидалар мавжуд бўлиб, унга кўра судья манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши ва суд процесси иштирокчиларини хабардор қилиши шартлиги белгиланган.

Манфаатлар тўқнашуви тушунчасининг юқорида, яъни “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда келтирилган таърифига мувофиқ қилиб айтиладиган бўлса, **судьянинг таъсир**

доирасидаги, яъни унинг иштирокидаги манфаатлари тўқнашуви дейилганда - судьянинг, унинг яқин қариндошларининг ва унга алоқадор шахсларнинг шахсий манфаатлари билан фуқароларнинг, ташкилотнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келган ва келаётган ёхуд юзага келиши мумкин бўлган вазият англашилади.

Ушбу нуқтаи назардан қаралганда, одил судлов тартиб-таомилларини белгиловчи процессуал қонунчиликда ҳам манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга йўналтирилган билвосита қоидалар мавжудлиги кўринади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 7-бобида судьянинг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар ва уни рад қилиш асослари ҳамда тартибига оид нормалар белгиланган бўлиб, улар ўз моҳиятига кўра судья томонидан манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслигининг билвосита ҳуқуқий воситалари бўлиб саналади. Шунга ўхшаш қоидалар бошқа процессуал кодексларда ҳам мавжуддир.

Ўз навбатида эътироф этиш керакки, қонун ҳужжатларида манфаатлар тўқнашуви шахсий манфаатлар билан боғлиқ вазият сифатида назарда тутилган. Бироқ, манфаатлар тўқнашувини аниқлашдаги қийинчилик шундан иборатки, манфаатлар тўқнашувининг вужудга келишига олиб келадиган объектив ва субъектив омилларнинг барчаси қатъий белгиланадиган тўлиқ рўйхатини тузиб чиқишнинг иложи йўқ. Ҳар бир бундай ҳолат ўзига хос ва алоҳида баҳоланишини талаб қиладди.

Шунинг билан биргаликда, ушбу вазиятларнинг хилма-хиллигига қарамасдан, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарадиган ҳолатларни баҳолашнинг умумий ёндашувларини аниқлаш мумкин. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу ёндашувлар судьялар одоби қоидалари доирасида мужассамланган. Судьялар ўз фаолиятлари давомида ва хизматдан ташқари жараёнларда ҳам ўзлари иштирок этадиган ижтимоий муносабатларда судьялик одоби қоидаларига қатъий амал қилишлари лозим бўлади. Аини шу йўл билан судья ўз фаолиятига боғлиқ ҳолда ёки хизматдан ташқари вазиятларда юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга муваффақ бўлади.

Бунда судья ўта виждонли бўлиши, ўзининг беғараз иш тутишига кўзи етмаганда ҳар қандай суд ишини ҳал этишдан воз кечиши, яъни ўзини ўзи рад қилиши шартлигига эътибор қаратиш лозим. Бу билан у манфаатлар тўқнашувининг олдини олган бўлади. Грек файласуфи Эпиктетнинг “Судьялик курсисини эгаллашга лойиқлигинингга дилингдан иқрор бўлмагунигча бошқаларни судлай кўрма” деган сўзлари ҳам судья аваламбор қалбдан бу лавозимга лойиқ эканлигини ҳис қилмаса судьяликка даъвогар бўлмаслигини англатади. Бинобарин, адолатпеша киши ўзига раво кўрганини ўзгага ҳам раво кўради ва, аксинча, ўзига раво кўрмаганини ўзгага ҳам раво кўрмайди. Бу ҳикмат айниқса судья учун ишда ҳам, яшашда ҳам доимо ҳаракатланишнинг бош мезони бўлиши шарт.

Фуқароларни асоссиз овора қилиш, суд ишларини ҳал этишда сансалорликни келтириб чиқариш кабиларда намоён бўлувчи масъулиятсизликлар натижасида нафақат ўз обрўйига путур етишини, балки фуқароларда судга нисбатан ишончсизлик кайфияти шаклланиши мумкинлигини судья доимо ҳис этиши керак.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, одил судловни амалга ошириш жараёнида манфаатлар тўқнашувининг ва бунинг пировардида коррупциянинг олдини олишда судьялик одобининг ўрни ва аҳамиятини очиб бериш учун дастлаб судьялик одобининг мазмун-моҳияти, унинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асосларига тўхталиш мақсадга мувофиқ саналади.

2-§. Судьялик одобини тушунчаси ва унга риоя қилиш зарурати

Судьялик одобини (этикаси) юридик одоб (этика)нинг бир қисми бўлиб, у судьянинг хизмат жараёнида ва хизматдан ташқари вақтлардаги касбий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муносабатларига доир масалаларни ўрганиш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига кўра суднинг асосий вазифаси фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Суднинг бу вазифалари амалга оширувчи асосий субъект саналган судья бунинг учун, аввало, мустақил, холис, ҳалол ва пок, этик нормаларга қатъий риоя этувчи, лаёқатли ҳамда интилувчан бўлиши, яъни юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўлиши лозим бўлади. Бу ҳар бир судьянинг конституциявий нормаларга ва қонунларга, судьялик одоби қоидаларига қатъий риоя қилишини, ўз фаолиятини қонун устуворлиги, адолат, холислик ва беғаразлилик каби принципларга асосланиб амалга оширишини тақозо этади.

Бир сўз билан айтганда, судья ўз фаолиятини судьялар одоби талабларини бажармасдан самарали амалга ошира олмайди. Чунки, ушбу фаолият асосини жамиятда тарихан шаклланган маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий талаблар ташкил этади. Шунингдек, судьялик одобининг ўзига хос томони шундаки, унга ихтисослашувидан ва даражасидан қатъи назар барча судьялар, яъни туман ва шаҳар, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, ҳарбий судлар, Олий суд ва Конституциявий суд судьялари ҳамда уларнинг раҳбарлари бирдек риоя қилишлари шарт ва мажбурдир.

Кишилиқ жамиятида азал-азалдан одоби зиёда, яъни тарбияси юксак бўлган шахслар ҳар томонлама қўллаб-қувватланган. Шу боис, бугунги кунда гўзал хулқли судьялар корпусини шакллантириш, уларда чин инсоний фазилатларни ҳосил қилиш ва рағбатлантириш одил судловни таъминлашнинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидек, **“Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик ҳукмрон бўлиши керак.”**

Одоб масалалари барча замонларда ҳам шарқ файласуфларининг, буюк мутафаккирларининг диққат марказида бўлган. Хусусан: тегишинча Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Тусий, Давоний, Кошифий, Кайковус, Саъдий, Жомий, Алишер Навоийнинг қаламига мансуб бўлган “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт саодатга эришув ҳақида”, “Ахлоқ ҳақида рисола”, “Ишқ рисоласи”, “Қутадғу билиг”, “Ахлоқи Насрий”, “Ахлоқи Жамолий”, “Ахлоқи Муҳсиний”, “Ҳибатулҳақойиқ”, “Қобуснома”, “Тулистон”, “Бўстон”, “Маҳбубул-қулуб” каби асарларда комил инсоннинг энг асосий сифати бу унинг юксак даражадаги хулқ-одобли бўлиши ғояси илгари сурилган.

Эътироф этиш лозимки, судьянинг касбий маҳорати, яъни профессионаллиги ва унинг одобини бир-биридан айри ҳолда қараш асло мумкин эмас. Улар бир бутунликнинг икки ажралмас қисмидир ва бири иккинчисисиз ҳеч нарсага ярамайди. Биламизки, шахснинг маънавий олами, яъни унинг иқтидорини намоён этувчи ижобий сифатлар – бу унинг ақл-заковати, одоби, илми, ҳунари, донишмандлиги, ҳозиржавоблиги, тўғрисиўзлиги, нафсини жиловлай олишлиги, диёнатли ва қарамли эканлиги, вафодорлиги, саҳоватпешалиги, ҳиммати юқорилиги ва ҳоказо зийнатлардан иборатдир. **Иқтидор – қалб софлигида акс этса, одоб-ахлоқ – маънавиятнинг амалда намоён бўлишидир.** Уларнинг бири иккинчисини тақозо этаверади. Билим олиш йўли билан орттириладиган иқтидорга, яъни маънавий мукамалликка одоб орқали эришамиз.

Мухтасар қилиб айтганда, фақат касбий маҳорат, тажриба ва билим юқорилигининг ўзи судьянинг одил, адолатли бўлишига кифоя қилмайди. Бинобарин, агарда инсон илмли бўлса-ю, лекин унинг одоби яхши бўлмаса, у ўз билимидан эзгу йўлда эмас, балки ёвузлик ва жиноят йўлида фойдаланиши ҳам мумкин. Шунинг учун шахснинг комил инсон сифатида тан олинishiда юридик нуқтаи назардан ҳуқуқий онг эмас, балки ҳуқуқий маданият устуворлик касб этади. Чунончи, ҳуқуқий онги бўлган, яъни қонун-қоидадан хабардор шахснинг уларга риоя этмаслиги унинг ҳуқуқий маданияти пастлигидан далолат беради. Бунинг исботини эса биз кундалик ҳаётда ҳар қадамда учратишимиз мумкин. Мисол учун, жамиятда каттаю-кичикнинг барчаси йўл ҳаракати қоидаларига кўра транспорт бошқараётганда тезликни белгиланган меъёрдан оширмаслик ёхуд светофорнинг қизил чироғида тўхтаб туриш лозимлигини жуда яхши билади-ку, лекин ҳамма ҳам шунга риоя этаяпти дея оламиз-ми?

Ушбу фикрлардан англанадики, судълик одоби хусусий иш эмас, балки ижтимоий, миллий масаладир. Зеро, ҳар қандай жамиятда қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш судьялар одобининг юксаклигига бевосита боғлиқ.

3-§. Судьялик одоби қоидаларига оид халқаро ва миллий ҳуқуқий асослар тавсифи

Судьялик одобига оид муҳим халқаро ҳужжатлар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин бўлади:

1. “Судлов органлари мустақиллигининг асосий принциплари” БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича 1985 йилдаги 7-Конгресси, БМТ Бош Ассамблеясининг 40/32 ва 40/146-сонли резолюциялари билан маъқулланган. (Олий Мажлиснинг 1997 йил 30 августдаги 507-I-сонли қарори билан маъқулланган).

2. “Жиноят қурбонлари учун ва ҳокимиятни суистеъмол қилишга қарши одил судловнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Декларация, БМТнинг 29 ноябрь 1985 йилдаги 40/34- резолюцияси билан тасдиқланган.

3. “Судьялар одоб-ахлоқига оид Бангалор тамойиллари”, 26 ноябрь 2002 йилда Гаагада қабул қилинган.

4. “Осиё минтақасида суд ҳокимияти мустақиллигининг тамойиллари”, 19 август 1995 йилда Пекинда қабул қилинган.

5. “Судьялик этикаси тўғрисида”ги Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг 23 июнь 2008 йилдаги Резолюцияси.

6. “Судьялар мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисида”ги Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг 13 октябрь 1994 йилдаги Тавсиялари.

7. “Судьялар мақоми тўғрисида”ги 10 июль 1998 йилдаги Европа хартияси.

Ўзбекистонда судьялик одобининг ҳуқуқий асосларини “Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги 490-сонли қарори билан қабул қилинган ҳамда Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 19 ноябрдаги 1642-сон қарори билан ўзгартириш киритилган ҳолда қайта номланган “Судьялар одоби кодекси” (бундан буён матнда Кодекс деб юритилади) ташкил этади. Ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, “Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги

Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек судьялар одоб-ахлоқини тартибга солувчи юқорида қайд этилган халқаро ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Мазкур Кодекс ҳар бир судья учун одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ касбий фаолиятида ва хизматдан ташқари вақтда мажбурий бўлган юксак одоб-ахлоқ талабларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, одил судлов ва судьялар одоб-ахлоқи соҳасидаги халқаро стандартларга асосланган қоидаларни белгилайди. Гарчанд, мазкур Кодекс қонун ҳужжат бўлиб саналмасада, судьялар учун унинг қоидаларига қатъий риоя этиш мажбурияти Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунларидаги ҳаволаки нормалардан келиб чиқади. Жумладан, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 62-моддасига кўра судья ўз ваколатларини амалга оширишда, шунингдек хизматдан ташқари муносабатларда Судьялик одоби кодекси талабларига риоя этиши шарт. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига асосан бенуқсон обрў-эътибор, ҳалоллик, лаёқатлилиқ, етарли ҳаётий тажрибага эғалиқ, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликларнинг ёки жисмоний нуқсонларнинг мавжуд эмаслиги биринчи марта тайинланадиган судьяларни танлашнинг асосий мезонларидир.

Умуман олганда, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 62-моддасида белгиланган судьянинг мажбуриятларининг барчаси ўз мазмун-моҳиятига кўра бевосита ва билвосита тарзда судьялик одобига тааллуқли қоидалар ҳисобланади. Бу фикрнинг асослилиги мазкур моддада назарда тутилган судьянинг мажбуриятларига доир нормаларни судьялик одоби нуқтаи назаридан талқин этилганда янада равшанроқ намоён бўлади.

Хусусан, судьянинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига оғишмай риоя этиши шартлигига доир мажбуриятини одоб нуқтаи назаридан қонунларга итоаткорлик одоби сифатида англаш зарур. Чунончи, судьянинг қонунларга сўзсиз риоя қилиши унинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳамда умуман суднинг нуфузини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ёхуд, ушбу Қонундаги судьянинг ўз ваколатларини амалга оширишда, шунингдек хизматдан ташқари муносабатларда Судьялик одоби кодекси талабларига риоя этиши, суд ҳокимияти обрўсини, судьянинг шаъни ва қадр-қимматини тушириши ёки унинг беғаразлиги, холислиги ва адолатлилигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан ўзини тийиши шартлиги хусусидаги мажбурияти бу унинг бевосита этик нормаларга риоя этиш одоби, яъни ҳуқуқий маданияти бўлиб ҳисобланади. Судьянинг бу мажбурияти «Судьялар одоби кодекси» нинг 2-моддасида янада муфассалроқ тарзда ифодаланган. Яъни:

“Судья одоб ва ахлоқнинг юқори стандартларига амал қилиши, ушбу Кодекс нормаларига сўзсиз риоя этиши, ҳар қандай вазиятда ҳаққоний бўлиши, суд ҳокимиятининг нуфузини туширадиган ва судьянинг обрў-эътиборига путур етказадиган ёки унинг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

Ушбу Кодексга риоя этиш судьянинг қалб амри, ҳаётининг қондаси бўлиши, жамиятнинг суд тизимига, одил судлов малакали, мустақил, холис ва адолатли тарзда амалга оширилаётганлигига бўлган ишончини мустаҳкамлашга кўмаклашиши керак.

Судья ўз қасамёдига содиқ қолиши, шунингдек фаҳм-фаросатлилиқ, хушмуомалалиқ, ҳалоллиқ, матонатлилиқ, илмга чанқоқлиқ хислатларига эга бўлиб, жамиятда юксак судьялик мақомига муносиб бўлиши шарт.

Судья юксак маънавий-ахлоқий савияга ва малакага эга бўлмасдан судьялик ваколатларини амалга оширишга ҳақли эмаслигини доимо ёдда тутиши шарт.

Судья фикр эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишда одил судловнинг обрўсига путур етказмаслиги керак.

Судья жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишида адолатлилиқ ва холисликни кўрсатиб, сансоларликка йўл қўймаслиги лозим.

Судья Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилиниши лозимлигини, шунингдек суднинг фаолияти қонун устуворлигини,

ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилганлигини доимо ёдда тутиши керак.”

Судьянинг манфаатлар тўқнашувидан ҳамда унинг ҳосиласи бўлган коррупциядан халос бўлиши учун дастуруламал ҳужжат сифатида “Судьялар одоб-ахлоқига оид” Бангалор тамойилларини эътироф этиш мумкин. Чунончи, у жаҳон одил судлов соҳасида ХХІ асрда қабул қилинган энг асосий, судьянинг судья сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини, умумэътироф этилган касб-этикаси қоидаларини, профессионал фаолиятини амалга ошириш жараёнида ва хизматдан ташқари вақтда нималарга амал қилишига оид минимал стандарт қоидаларини белгилаб берган муҳим халқаро ҳужжатдир.

Бангалор принципларида судьялар фаолияти ва одоб-ахлоқига оид қуйидаги 6 та муҳим тамойил (принцип) белгиланган. Булар мустақиллик, объективлик, ҳалоллик, касб-этикаси қоидаларига риоя этиш, суд мажлисининг барча иштирокчиларига нисбатан тенг муомалада бўлиш, компетентлик ва интилувчанликдир.

Мустақиллик принципи

Судьялик лавозими муайян чекловларга асосланган фаолият туридир. Чунончи, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 62-моддасига биноан судья: сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутати бўлишга; сиёсий партия аъзоси бўлишга, уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, сиёсий партияларнинг тадбирларида иштирок этишга, бошқа сиёсий фаолият билан шуғулланишга; ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга, бундан судьянинг вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилмайдиган педагогик, илмий ва бошқа ижодий фаолият мустасно; шахсан ёки ишончли шахслар орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда, унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, иштирок этишга ҳақли эмас.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, судьялик лавозимига нисбатан мазкур моддада белгиланган чекловлар доираси тугал бўлмай, судьянинг зиммасида қонунга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, судьялар ўзлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларида белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар, яъни қонунчилик судьянинг

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини чекламайди.

Судьянинг ўз лавозимига нисбатан қонунчиликда белгиланган барча чекловларни инобатга олган ҳолда фаолият кўрсатиши, авваламбор, унинг судьялик одобига қай даражада риоя этишига боғлиқдир. Қонунчиликдаги чекловлар ва одоб қоидалари судьяни манфаатлар тўқнашувидан халос этишга йўналтирилган.

Судьялик одобидаги мустақиллик принципи қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омили ва судда ишларни адолатли ҳал қилишнинг асосий кафолати ҳисобланади. Бинобарин судья судлов органларининг мустақиллиги принципини ҳимоя қилиши ҳамда уни индивидуал ва институционал жиҳатдан ҳаётга татбиқ эта бориши керак. Шундагина жамиятда судьянинг ҳақиқатан мустақил равишда, бирор бир ташқи ва ички таъсир, босим ёки аралашувсиз ҳолисона суд қарори қабул қилганлиги хусусида ижтимоий фикр шаклланади.

Судья одил судловни амалга ошираётганда суд процесси барча иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда, ҳар қандай бевосита ёки билвосита ташқи таъсирлар, ниятлар, босим ёки аралашушлардан қатъи назар мустақил ҳаракат қилиши, фақат фактларни баҳолашдан келиб чиқиши ва ички ишончига асосланиб, қонунга ва ҳуқуқий онгига амал қилиши шарт.

Судья фаолиятининг оммавий муҳокама қилиниши, унинг номига билдирилаётган танқидий фикрлар у чиқарадиган қарорнинг қонунийлиги ва асослилигига таъсир этмаслиги керак.

Судьянинг сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутати бўлишга ҳақли эмаслиги бўйича қонунда белгиланган чеклов, аввало ҳокимиятлар бўлиниши принципига асосланади ва суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг муҳум ҳуқуқий кафолатларидан бири бўлиб ҳисобланади. Айни ҳуқуқий тақиқнинг замирида эса ҳокимиятлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсади туради. Бу таъқиқ икки ёқлама таъсирга эга, яъни нафақат судьяга нисбатан, балки сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатининг ҳам бир вақтнинг ўзида судья бўлишига монелик қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу қоида суд ҳокимиятининг институционал мустақиллигини ва судьянинг индивидуал мустақиллигини таъминловчи муҳим касбий одоб талабидир.

Мустақиллик принципи бу суд ҳокимияти ва судьяларнинг нафақат институционал ва индивидуал суверенлигини, балки ғоявий эркинлигини ҳам тақозо қилади. Бинобарин, одил судловни таъминлаш жараёни сиёсий қиёфа касб этмайди, яъни судья жамиятда қарор топган бирор бир мафкурани ёқлаб қарор қабул қилиши мумкин эмас, унинг фаолияти фақат қонунларга асосланади. Судья одобига хос мустақиллик принципи унинг сиёсатдан холилигини, бирор бир сиёсий позициянинг тарафдори, сиёсий платформада бўлмаслигини ҳам назарда тутди. Шу боис қонун судьянинг сиёсий партия аъзоси бўлишига, уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашига, сиёсий партияларнинг тадбирларида иштирок этишига, бошқа сиёсий фаолият билан шуғулланишига таъқиқ қўяди. Чунки, сиёсат бу ўз мазмун-моҳиятига кўра ихтилофлар жараёнидир, судьянинг бирор бир сиёсий партияга мансублиги эса судлов ишларини юритишда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқаради.

Холислик принципи

Судьянинг холислиги унинг ўз бурчлари ва мажбуриятларини лозим даражада бажаришининг мажбурий шarti ҳисобланади. Бундай холислик чиқариладиган қарорнинг мазмунидагина эмас, балки уни қабул қилиш билан биргаликда кечадиган барча процессуал ҳаракатларда намоён бўлади.

“Судьянинг холислиги ва беғаразлиги одил судловни тегишли тарзда амалга оширишнинг мажбурий шартларидир. Судьянинг суд муҳокамасидаги ҳамда хизматдан ташқари вақтдаги хулқ-атвори жамият ва процесс иштирокчиларининг судьянинг ва суд ҳокимияти органларининг холислиги ва беғаразлигига бўлган ишончини мустаҳкамлашга имкон яратиши зарур.

Судья ишни холис кўриш мақсадида ўзининг касбий мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай афзалликлар, асоссиз ишонч ва тахминлардан холи бўлиши, ўзининг холислигига ҳар қандай шубҳаларни бартараф этишга ҳаракат қилиши лозим.

Судьянинг қонунда назарда тутилган асосларда ўзини ўзи рад этиши унинг холислиги ва беғаразлигини таъминловчи муҳим омилдир.”

Ҳуқуқий ҳужжатларда бевосита ёки билвосита тарзда ифодаланган судьялик одобига тааллуқли асосий жиҳатлардан бири бу судьянинг суд жараёни барча иштирокчиларининг сўзларини лозим даражада эшита билиши, яъни тинглай билиш маданиятидир.

Судья ўзини гўёки эшитаётганга (тинглаётганга) ўхшатиб кўрсатмасдан, балки суд жараёнида иштирок этувчиларнинг барча кўрсатма, важлари ҳамда эътирозларини ҳақиқатан ҳам чуқур эътибор билан тинглай билиши керак. Судьянинг эътиборчанлиги унинг холислиги ва беғаразлигининг ифодаси сифатида яққол намоён бўлиб туриши лозим. Судья ишга тааллуқли бўлган бирорта ҳам ҳолатнинг эътиборсиз қолмаслигига эришиши керак. Суд жараёнидаги ҳар бир шахс расмийлик учун эмас, балки қабул қилинадиган қарорга ҳал этувчи таъсири бор ҳолатни баён қилувчи сифатида эшитилиши лозим. Таъкидлаш жоизки, батафсил эшитиш учун судья олдиндан чиқарилиши мумкин бўлган ҳар қандай хулосадан холи бўлиши лозим. Амалиётда, баъзан бўлсада, учраб тургани каби ҳали алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кирмасдан туриб шахснинг айбдорлиги ёки содир этилган қилмишнинг ҳуқуқий малакаси юзасидан судьяда муайян қатъий фикр шаклланмаслиги керак. Судьялик одобига дахлдор бу жиҳатларнинг барчаси суд жараёнида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга хизмат қилади.

Судьялик маданиятининг муҳим жиҳатларидан яна бири бу судьянинг ҳар қандай салбий ҳислатлардан холи бўлиш мақсадида ўзини ўзи назорат қилиб боришидир. Судья бунга албатта эришган бўлиши керак. Касбий интизом этикаси ҳам ана шундадир. Судья ўзига четдан, яъни “ўзгалар нигоҳи билан” қарай билиши, ўзининг ҳаракатларини таҳлил қилиб бориши, сўз ва ҳатти-ҳаракатларда чегараланишни билиши зарур. Судья ўзини “ҳамма нарсани биламан, қарашларим яхши ва фикрларим тўғри” деб баҳолаши асло мумкин эмас. Бундай фикрлар судьялик этикасига хос эмаслигидан ташқари, суд жараёнининг тарбиявий аҳамиятига, ва энг ёмони, қабул қилинадиган суд қарорига салбий таъсир кўрсатиши тайин.

Судья суд жараёнида энг ваколатли процессуал шахс ҳисобланади. Шундай бўлсада, у суд жараёнида барча иштирокчиларга қонун доирасида муносабат билдириши, ўзини тутиши, эшитиши, диққат-эътиборли эканлиги билан уларнинг ҳурматига сазовор бўлиши керак. Судья суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар ва бошқа иштирокчиларнинг нафсониятига тегадиган бирорта ножўя ҳатти-ҳаракат содир этилишига асло йўл қўймаслиги лозим.

Ана шундай ножўя, суд жараёнига номуносиб саналадиган ҳолатлардан бир мисол келтирмоқчимиз.

Судья жабрланувчидан сўраяпти:

«Айтингчи, ўшанда Сизга судланувчининг тегажоғлик қилгани ёқмаганини унга қандай тарзда намоён қилдингиз?»

Ҳимоячи (ўтирган жойидан): «Ҳурматли судья, Сиз менинг ҳимоямдаги шахснинг хатти-ҳаракатини “тегажоғлик” сифатида баҳолаб, барвақт хулосага келаяпсиз?!».

Судья ҳимоячига қарата: «Ўйлайманки, агар у Сизнинг хотинингизга нисбатан тегажоғлик қилганида бундай демаган бўлар эдингиз».

(Изоҳ: Судьянинг бу сўзлари агрессив субъективликни очик тан олиш, ўта кўполлик ҳамда инсоннинг шаъ ва кадр-қимматига тегиш бўлиб ҳисобланади.)

Ҳимоячи: «Бунга менинг хотинимнинг нима даҳли бор?» (залда кулги кўтарилди). Гап шундаки, Сиз, судья жаноблари, жабрланувчига ўз таъсирингизни ўтказаяпсиз, ишга ҳолисона ёндошиш керак».

Судья: «Жаноб адвокат, биринчидан, ўрнингиздан туринг, Сизнинг эътирозингиз судга беҳурматлик сифатида ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатлари билан бирга баҳоланиши мумкинлигини унутманг. Иккинчидан, мен ҳеч кимга ҳеч нарсани боғлаётганим йўқ, фақат сўраяпман».

(Изоҳ: бу дағаллик ва ўчакишлик ҳисобланади.)

Ҳимоячи: «Кечирасиз, судья жаноблари, мен айна ҳолатда Сиз мен ҳимоя қилаётган шахснинг хатти-ҳаракати тўғрисида очик субъектив баҳо берганлигингизни назарда тутаяпман ва шошилманг деяпман».

Судья: «Адвокат, номаъқул хулқингиз учун Сизга огоҳлантириш эълон қиламан».

(Бу ерда изоҳга ўрин йўқ.)

Албатта, бундай ҳолатлар одил судлов амалиётида мутлақо учрамаслиги керак. Судья ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини жуда босиқ, ҳолисона тутиши керак. Судьянинг процесс иштирокчиларига бундай тарздаги муносабати, судланувчининг хатти-ҳаракатига берадиган баҳоси, унинг иш ҳолатлари юзасидан фикри ҳали у, яъни судья (суд) алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кирмасданок билиниб қолади. Оқибатда, суд жараёни иштирокчиларида судга нисбатан салбий фикр туғилади. «Иш ҳолисона текширилмади, судья у ёки бу тарафга мойиллик қилмоқда. Энди адолат бўлиши гумон» - каби ишончсизлик кайфиятидаги гаплар тарқала бошлайди. Буларнинг

барчаси охир-оқибатда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқаради.

Ўз касбининг эгаси саналувчи маданиятли, холис ва одиллигини намоён қила оладиган судьянигина ҳақиқий судья дейиш мумкин. Бундай судьянинг фикрини ҳукм ўқилгунча билиш амри маҳол бўлади. Суд жараёни иштирокчиларининг барчаси билан бўладиган муносабатларда холисона, босиқлик билан, қонунга асосланган ҳолда иш тутиш юксак судьялик одобининг ифодасидир ва бу судьянинг холислик принципига қатъий риоя этганлигини англатади.

Шунингдек, судья томонидан айтилган бир суд жараёни иштирокчисининг илтимосномаларини асоссиз равишда рад этилавериши ёки олиб ташлайвериши ҳолати нафақат процессуал қонунчилик нормаларига, балки судьялик одобини қондаларига ҳам тўғри келмайди, пировардида эса бу суд қарорларининг холисона тузилганлигига нисбатан ишончсизлик ҳосил бўлишига олиб келади.

Судьянинг шахсиятпарастликка бориши, иш баҳонасида кимдандир ўч (қасд) олиши, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайничилик асосида иш тутиши асло мумкин эмас. Шундай фикрлар пайдо бўлган ишларни кўришдан судья дарҳол воз кечиши зарур. Судьянинг бурчи бу кимгадир яхшилик қилиш, раҳмлироқ бўлиш эмас, балки адолатни қарор топтиришдир, яъни у холис ва беғараз бўлиши орқали яхшилик қилади.

Суд жараёнида баъзан ҳар хил тортишув ва келишмовчилик ҳолатлари ҳам учраб туради. Шундай ҳолатларни процессуал қонунчиликка қатъий риоя этган ҳолда бартараф этиш судьянинг касбий маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу судьядан юксак иқтидор, катта тажриба талаб этади. Айнан шундай пайтда судья ўзини йўқотмаслиги, босиқлик қилиши, процессуал тартиб-таомилларга мос равишда иш тутиши, ҳеч қандай ҳиссиётларга берилмаслиги, судьялик одобининг юқори даражасини намоён эта билиши лозим бўлади. Зарурат бўлганда бироз жим туриши, жаҳл билан берилган савол ёки жавобнинг нафи йўқлигини идрок қилиши, юзага келган вазиятни тўғри англаб олиш учун муайян фурсат кутиб туриши судьянинг ишга холисона муносабатда бўлаётганини намоён қилувчи воситалар ҳисобланади. Айтиш шунки йўллар билан судья манфаатлар тўқнашининг олдини олишга эришади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий

мактабини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги ПҚ-4096-сонли қарорида судьяларда касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини, музокаралар олиб бориш тактикасини ривожлантириш судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьяларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Шу боис Судьялар олий мактабида олиб бориладиган таълим жараёнларида айтиш масалаларга, айтиш судьянинг судда ихтилофларни бартараф этиш, яъни манфаатлар тўқнашувини олдини олиш маҳоратини ривожлантиришга катта эътибор қаратилади.

Ҳалоллик ва поклик (порага учмаслик) принципи

Суд тизимида манфаатлар тўқнашуви ва коррупциянинг олдини олишда судьянинг ҳалоллиги ва поклиги (порага учмаслиги), яъни моддий ва номоддий манфаатдорликка мойил бўлмаслиги, ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, ҳалоллик судья ўз вазифаларини тегишли тарзда бажаришининг энг зарур шартидир. Кимки нафс балосига гирифтор бўлса, унга бошқа душмanning кераги ҳам йўқ, чунки бу бало уни ўз домига тортиб, ҳалок этиши муқаррар. Муборак ҳадисда **“Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши диндан чиқишдир”** дейилган. Судья бунга шак келтиришдан худди жаҳаннам азобидан кўрққандек кўрқиши зарур.

Судьянинг ҳалоллиги ўз вазифаларини виждонан бажаришида, ростгўйлигида, номақбул ҳаракатлардан ўзини тийишида ва бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлишида намоён бўлади. Нафақат хизмат вазифаларига боғлиқ муносабатларда, балки ҳар қандай шароитда ҳам ҳалолликка асосланиб яшайдиган судья журъатли ва қатъиятли бўла олади. Буюк француз файласуфи Вольтернинг **“Ҳалол одамни таъқиб қилиш мумкин, аммо уни бадном қилиб бўлмайди”** деган сўзларини фикримизнинг исботи сифатида қараш мумкин.

Судья ўз оиласи аъзоларини фақат қонуний ва ҳалол даромадлар эвазига яшашга ўргатиш мажбуриятига эгадир. У, айтиш, фарзандларни ҳаром лўқма ҳисобига боқиш, уларга, таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, заҳар бериш билан баробарлигини ва бу муқаррар равишда кулфат келтиришини идрок қилиши зарур. Зеро, Абдулқосим Замахшарий айтганидек: **“Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат у ёмонлик қиладиган**

киши эса ҳалокатга гирифтордир”. Бундан ташқари, у оилавий даромадга қўшган ҳиссасидан қатъи назар ундан инсофли улуш олиб фойдаланишга одатланиши керак.

Судья ўзининг қариндош- уруғлари ва, умуман, ким томонидан бўлсада, қилинган илтимос ёки талабни, агарда унинг қонунсиз ва адолатсиз эканлиги аён ёки шундай деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, бажармасдан маломатга қолишдан асло чўчимаслиги, уларга тўғри ва ҳақ гапни айтиши шарт. Чунки, судьялик кимнингдир илтимосини бажариш, ишончини оқлаш учун эмас, балки қонунийлик ва адолатни қарор топтириш учун берилган ваколатдир. Судья ҳар қандай қийин ва машаққатли ҳолатда ҳам ҳақ йўлни тутиши ва ҳақиқатни қарор топтириши шарт. Бу талабдан четга чиқиш эса судьялик қасамёдига нисбатан хиёнат деб қаралмоғи лозим.

Туғилган кун, хотирлаш, муваффақиятлар билан қутлаш каби тадбирларни фақат оила доирасидагина, тўй ва бошқа маъракаларни яқин қариндош-уруғлар даврасида камтарона, исрофгарчиликларсиз, дабдабасиз, ихчам ва одобли ўтказиш мажбуриятига эга эканлигини судья асло унутмаслиги керак. Судья, шунингдек, мартаба ва ютуқларни “ювиш” деган иллатдан батамом фориғ бўлиши шарт.

Ҳалоллик ва порага учмаслик принципи судья коррупциянинг ҳар қандай шаклидан, шу жумладан элитар коррупциядан ҳам холи бўлишини назарда тутди. **Элитар коррупция бу — коррупцияга қарши курашиши керак бўлган инсонлар томонидан ёки у ё бу соҳада тизимли тарзда коррупцияга йўл қўйиш, фуқароларнинг давлат идораларига бўлган ишончи пасайиши, давлат нуфузига жиддий зарар етказувчи ҳолатлардир.** Судьянинг пора олмаса ҳам кўнглига келганини қилиши ҳам элитар коррупциядир.

Этик нормаларга риоя қилиш принципи

Этик нормаларга риоя қилиш, одоб нормаларига чинакам риоя қилаётганлигини намоён этиш судьялар фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Судьялик этикасига нафақат хизматда, балки ҳамма муносабатларда қатъий риоя этиш, ишда ҳам, кўча-кўйда ҳам, оилада ҳам судьялик салоҳиятини бир хилда сақлаш талаб этилади. Айниқса, суд жараёнларида судья ўзининг ўта иқгидорли, зукко, хушфеъл шахс, юксак маданият соҳиби эканлигини намоён қила билиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, суд жараёни касбий маҳорат

билан биргаликда инсоний фазилатлар ҳам акс этувчи кўзгу мисоли бўлиб, бу кўзгуга ҳамisha халқнинг зийрак нигоҳи қадалгандир.

Суд мажлиси залидами, хизмат хонасидами, жамоат жойидами, иш юзасидан жалб қилинган шахслар ёки ҳамкасблари билан бўладиган мулоқотдами, судья ҳамма вақт ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзининг юксак маданияти, гўзал одоби билан ажралиб туриши лозим. Судья ўзини шундай тутиши зарурки, унинг сўзи, ҳаракатлари ташқаридан эътибор қилувчиларда салбий фикр уйғотмаслиги керак. Фуқаролар ўзларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари айна шу судья томонидан кўриладиган иш натижасида ҳимоя қилинажигига тўла ишонч ҳосил қилишлари лозим.

Судьянинг илмий-педагогик фаолиятдан ташқари яна бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиши мумкин эмаслиги қонун талабидир. Шу боис, у ҳар қандай молиявий ва тижорат ишларига аралашидан ўзини тийишга мажбур.

Судья суд ҳокимиятининг обрўсига, ўзининг шаъни ва кадр-қимматига салбий таъсир қиладиган ҳолатларга йўл қўйганда, истеъфога чиқишини шарт билиши лозим. Ҳар қандай ножўя хатти-ҳаракатлар ёки шундай бўлиб кўриниши мумкин бўлган муносабатлардан ўзини тия билладиган судья ҳеч қачон бундай ҳолатга тушмайди, албатта.

Судьялик масъулияти маиший жиҳатдан ниҳоятда камтарликни, жумладан кийинишда, турар жойда, юриш-туришда ўзгалар эътиборини тортадиган ясан-тусандан мутлақо холи бўлишни талаб этади.

Судья судда ҳал этилаётган масалаларнигина эмас, балки кундалик ҳаётда, турмушда учрайдиган ҳар қандай дунёвий жумбоқни ҳам, аввало мантиқий мушоҳадалар, чуқур мулоҳазалар асосида баҳолаб, индуктив-дедуктив тарзда талқин қилиб, фақат шундан кейингина, ўшанда ҳам қонуний ва адолатли эканлигига минг карра қатъий ишонч ҳосил қилгандан сўнггина, хулоса чиқариш ҳамда тўхтамга келиш лозимлигини ўзининг яшаш меъёри деб билиши зарур.

Муайян шахснинг ҳуқуқлари ўзга шахснинг ҳуқуқлари бошланадиган чегарада тугайди. Судья ана шу тамойилга доимо амал қилган ҳолда фақат ўз ҳуқуқлари доирасидагина ҳаракатланиши, ўз ваколатига кирувчи вазифанигина бажариши, бошқа судьяларнинг ишига аралашмаслиги шарт. Унинг бошқа судьялар иш юритувидаги суд ишларига қизиқмагани ҳам маъқул.

Шунингдек, у қонун талаб қилмаганда фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилишдан ҳам сақланиши керак.

Тенглик принципи

Судьянинг суд жараёнида тенглик принципига риоя этиш одоби, унинг таъсирчанлиги алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, тенглик принципи одил судловда манфаатлар тўқнашувини бартараф этишга йўналтирилган асосий қоидалардандир. Бинобарин, ошкора ва холисона олиб бориладиган суд жараёни шахснинг ахлоқий тарбияси қайта шаклланишини таъминлашга қаратилган самарали ҳуқуқий воситалардан бири ҳисобланади.

Шунинг учун қандай суд иши бўлишидан қатъи назар, судья бу ишни суд мажлисига чиқаргунга қадар тўлиқ, ҳар томонлама ва пухта ўрганиб чиққан бўлиши шарт. Унинг ишга бўлган муносабати, касбий лаёқати ва судьялик салоҳияти ана шу иш материаллари билан қанчалик чуқур танишганидан билинади. Чунки, судьянинг маънавияти ва масъулияти қандай эканлиги суд мажлисида аён бўлиб боради.

“Адолатли суд муҳокамаси ва барча шахсларга нисбатан тенг муносабатда бўлиш одил судловни холис ва беғараз амалга оширишнинг асосий шартидир.

Судья ўз мажбуриятларини холисликни намоён этиб, суд процессининг барча иштирокчиларига жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил муносабатда бўлган ҳолда бажариши шарт.

Судья ўз мажбуриятларини бажариш чоғида тенглик принципига амал қилиши, тарафларнинг ҳар бирига тенг имкониятлар яратган ҳолда холислик ва беғаразликни намоён этиб, улар ўртасида мувозанатни сақлаб туриши, суд ишларини юритишда қатнашаётган барча иштирокчиларга бир хил эътибор қаратиши лозим.

Одил судловни амалга оширишда судья фуқаролар билан муносабатда хушмуомалаликни намоён этиши, халқларнинг маънавий урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, турли хил этник ва ижтимоий гуруҳлар ҳамда динларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини инобатга олиши, миллатлараро ва динлараро тотувликка имкон яратиши, ўзининг шаъни ёки суд ҳокимиятининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган низоли вазиятларга йўл қўймаслиги керак.

Судья тарафларга ўз процессуал мажбуриятларини бажариши ва ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши учун зарур шарт-шароитларни яратиб, ишнинг оқилона муддатда кўриб чиқилишини таъминлаб, ўз касбий мажбуриятларини бажаришда бирон-бир тарафни афзал деб қарамаслиги, уларни камситмаслиги, тарафларни эшитмасдан олдиндан фикрга эга бўлишга ёки сиртдан шундай фикрда туришга йўл қўймаслиги шарт.”³

Суд мажлиси бошланмасидан олдин судья суд мажлиси залига котиб билан бирга кириб зал шароитини, унинг суд мажлисига ҳар томонлама тайёрлигини кўриб чиқса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ҳам масъулиятни ҳис этиш маданиятининг бир кўринишидир. Ўз навбатида, судья суд мажлисига киришдан олдин ўз кийим бошига эътибор қилиши, бинобарин у залга кирганида суд мажлисининг барча иштирокчилари ва суд мажлисида қатнашаётган фуқаролар унинг кийим-бошига синчиковлик билан қарабини унутмаслиги лозим. Шунингдек, судья кириб келаётганда суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси уни ўз ўринларидан турган ҳолда кутиб олишлари процессуал қонун талаби эканлигидан келиб чиқиб суд залига кириб келаётган судья ҳам шу қонун билан белгиланган ҳурматга сазовор эканлигини ва ўз маънавиятининг юксаклигини кўрсата билиши зарур.

Қонунда суд мажлисининг барча иштирокчилари судга тик турган ҳолда мурожаат қилишлари ва кўрсатув беришлари лозимлиги белгиланган. Бунда судья ўз жойида жуда камтарона, баёнотларни холис эшитувчи, ўта маданиятли, судья деган шарафли номга хос тарзда ўзини тутиши зарурдир. Судья томонидан суд мажлиси жараёнида, гарчанд арзимас бўлсада, қилинган ножўя ҳаракат ёки ноўрин айтилган гап, яъни оддий қўполлик одил судловга нисбатан ҳурматсизлик кайфиятини келтириб чиқариши мумкин.

Судья, суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи ва бошқа иштирокчиларга ўта эҳтиёткорлик, очик чехра, босиқлик ва мулойимлик билан муносабат қилиши лозим. Буюк аллома Жалолиддин Румий айтганидек: **“Инсон табассуми билан тарбиясини, нимага кулгани билан савиясини намоён қилади.”** Шу боис судья суд мажлисида унинг барча иштирокчиларига нисбатан тенг муносабатда бўлмаётганлиги ҳақида салбий тасаввур

³ Ўзбекистон Республикаси Судьялар одоби кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. – Т.: “Адолат”, 2022. 7-модда.

уйғотувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатдан, мисол учун: жилмайиш, истехзо қилиш, бош чайқаш, қўл силташ ёки бошқача ишоралар қилишдан мутлақо тийилиши шарт.

Суд мажлисида судья процессуал қонун билан берилган ваколатидан жуда устамонлик билан фойдаланиши, ўз муносабати билан бирон-бир кишини ранжитиб қўйиши эҳтимолдан холи эмаслигини ўйлаб иш тутиши лозим бўлади. Унинг жабрланувчи, судланувчи, даъвогар ва жавобгарларга нисбатан муносабати холисона ва бирон-бир кишининг шахсига тегмайдиган бўлиши керак. Судьянинг ҳаракатлари суд жараёнининг у ёки бу иштирокчисига қараб ижобий ёхуд салбий кўринишда бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, судланувчининг айбдорлигини исботлаш давлат айбловчиси - прокурорнинг вазифаси эканлигини судья доимо инобатга олмоғи лозим.

Лаёқатлилик ва интилувчанлик принципи

Судья қонунларни мукамал билиши, тўғри талқин этиши ва асосли қўллай билиши, уларга доимо, ҳар бир ишда қатъий риоя этиши шарт.

Ҳар қандай фаолият тури муайян билим, лаёқат ва касбий кўникмани тақозо этади. Судьялик эса серқирра иқтидорни, юксак маънавият ва қобилиятни талаб қилади. Судьялик энг юксак, ва шунинг билан бирга, ўта масъулиятли мартабадир. Уни уддалай билиш ниҳоятда қийин ва машаққатли, аммо шарафлидир. У инсон тақдирини ҳал қилишда ақл кўзи билан кўриладиган адолат тарозисини беғараз ва холисона кўтаришни бенуксон амалга ошириши керак. Ким ҳақ? Ҳақиқат қаерда? Уни қандай излаш керак ва топиш мумкин? Буларнинг барчаси судьянинг касбий саволларидир. Судда ким ҳақ-у, ким ноҳақ эканлиги ҳақиқий далилларга беғараз баҳо бериш орқали аниқланади. Суд жараёнида эшитилганини таҳлил қилиш, ўқиб эшиттирилганини текшириш, фактлар, ашёвий далиллар, ҳужжатларнинг ишга алоқадорлигини ўрганиш, мутахассис фикри ва эксперт хулосаларининг холислиги, аҳамияти ва етарлигига ишонч ҳосил қилиш ва, умуман, иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўла текшириш, буларнинг барчаси — ҳуқуқий ҳақиқатни қидириш усуллариidir. Кўриниб турибдики, ҳақиқатни аниқлаш судьядан юксак касбий маҳорат, ҳуқуқий ва ҳаётий тажриба, масъулият ва интилувчанликни тақозо этади.

Судья ўз мажбуриятларини виждонан, юқори профессионал даражада бажариши, бунинг учун эса ўз малакаси ва касбий

билимларини мунтазам равишда ошириши, амалий кўникмаларини ва шахсий фазилатларини такомиллаштириб бориши шарт. Бунинг учун судьянинг доимо ўз устида ишлаши, мустақил таълим олиш имкониятларидан фойдаланиши, шунингдек белгиланган тартибда Судьялар олий мактабининг малака ошириш курсларида таҳсил олиши талаб этилади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги ПҚ-4096-сонли қарорида судьяларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантириш, шунингдек уларни қонунчиликдаги долзарб янгиликлар, мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва тенденциялари билан таништириш судьялар малакасини ошириш тизимининг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Бугунги кунда ижтимоий фаолиятнинг бирор-бир тури йўқки, унда фан-техника тараққиёти ютуқларидан у ёки бу даражада фойдаланилмаётган бўлса. Илгари ўнлаб кишилар бир неча кунда қилган ишни ҳозирда электрон-техника воситалари бир зумда, беҳато ва жуда сифатли қилиб бажармоқда. Бунинг оқибатида нафақат муайян соҳадаги меҳнат унумдорлиги ортган, балки унга алоқадор соҳаларнинг ҳам самарали фаолият юритишига замин тайёрланган ва, энг муҳими, фуқароларга жуда кўплаб қулайлик ва имтиёзлар яратилишига эришилган. Бу эса ўз навбатида, давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларда инсон омилининг даражаси пасайиши эвазига ҳар қандай тўрачилик ва суистеъмолчиликнинг олди олинишига хизмат қилмоқда. Ушбу масалалар одил судлов соҳасига ҳам бевосита тааллуқлидир. Бинобарин, замонавий техника воситаларининг судлар фаолиятига кириб келиши билан суд ишларини тез ва сифатли кўриб чиқиш имкониятлари кенгайди, яъни одил судлов самарадорлиги ортди. Масалан, илгарилари иши судда кўрилган фуқаролар суд қарорларидан нусха олиш мақсадида судларга қатор кунлар давомида бир неча бор келиб-кетишга мажбур бўлган бўлсалар (чунки, суд қарорлари ёзув машинкасида санокли миқдордагина нусхаланар ва бунга кўп меҳнат сарфланар эди), ҳозирда компьютер

ёки нусха кўпайтириш аппаратининг имкониятлари туфайли улар бир зумда аслига айнан тўғри келувчи суд ҳужжатининг нусхасини қўлларига олмақдалар. Бунинг билан қонун талабини бажариш таъминланмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 475-моддасига мувофиқ ҳукм эълон қилинганидан кейин уч суткадан кечиктирилмай, ҳажми катта бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирилмай, унинг нусхаси маҳкумга ва оқланган шахсга берилиши лозим, бошқа тарафларга ҳукм нусхаси ёки унинг кўчирмаси шу муддатда, уларнинг илтимосларига асосан берилади. Суд соҳасининг рақамлаштирилганлиги, суд ишларини юритишда замонавий компьютер технологияларининг кенг қўлланилиши бу каби қонун талабларини ўз вақтида ва лозим даражада бажариш имкониятини таъминламоқда. Бунинг билан фуқароларнинг суддан норози бўлиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг, шунингдек муайян суистеъмолликлар ҳамда коррупциянинг олди олинади.

Юқорида келтирилган биргина мисолнинг ўзидан ҳам равшанки, судьяларда замонавий фан-техника ютуқларидан фойдалана олиш, ахборот технологиялари имкониятларини ўз фаолиятида қўллаш лаёқати бўлиши тақозо этилади.

Шунингдек, бугунги кунда судьяларнинг чет тилларни ўзлаштириши масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Судьялар олий мактабини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги ПҚ-4096-сонли қарорида Олий мактабга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда тингловчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини билиш кўникмалари мавжудлиги зарурий талаб эканлигини назарда тутиш белгиланган.

Судья иш фаолиятининг маълум бир қисми хизмат юзасидан муайян тоифадаги шахслар билан бўладиган муносабатлардан иборат. Жумладан, судья судланувчи, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ҳимоячи, прокурор, ички ишлар ходимлари, экспертлар, гувоҳлар, турли жамоатчилик вакиллари ва бошқалар билан ўз хизмат ваколатлари доирасида муносабатда бўлиб туради. Шунинг учун ҳам судья доимо ихтисоси, касби ва айниқса маънавий дунёси турлича бўлган шахслар билан муносабатга киришишини ҳисобга олиб юриши, улар билан мулоқотда ўзининг лаёқатли ва интилувчан

судьялигини, лозим даражадаги касбий тажрибага эга ва иқтидорли ҳуқуқшунос эканлигини намоён қила билиши керак.

Судья суд жараёнини бошқаришда процессуал қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилларга қатъий риоя этиши, шу билан биргаликда фаол бўлиши керак. Шунинг учун, судья давлат айбловчиси ёки ҳимоячи “нима дер экан, улар қандай иш тутишни айтишар экан” деган фикрлардан умуман узоқ бўлиши, ҳақиқий ҳолатга мустақил баҳо бера олиш лаёқатига эга бўлиши зарур. Давлат айбловчиси ёки ҳимоячининг нуқтаи назаридан қатъи назар, суд мустақил равишда ҳақиқатни юзага чиқаришга ҳар томонлама, синчиковлик билан ёндошиши шарт. Лекин, бу дегани суд давлат айбловчиси, ҳимоячи ва суд жараёни бошқа иштирокчиларининг фикрини эътиборсиз қолдириши мумкин дегани эмаслигини ва бу тарзда иш тутиш қонунга риоя қилмаслик эканлигини судья яхши англаб етиши зарур.

Суд жараёнида этика қоидаларига риоя этилиши «юридик тозалик»нинг гаровидир. «Юридик тозалик»ни таъминлаш нуқтаи назаридан судья процесс иштирокчиларининг ўз ваколатларидан қай даражада фойдаланаётганликларини назорат қила олиш лаёқатига эга бўлиши, ҳар қандай ортиқча ва ўринсиз талабга чек қўйиши лозим. Масалан, процесснинг бирор бир иштирокчиси томонидан судланувчига қарата «Ўзингизнинг айбсизлигингизни нима билан исботлайсиз» каби саволнинг берилиши мутлақо қонунсизлигини, қонунга кўра судланувчи бундай мажбуриятга эга эмаслигини тушунтирган ҳолда раислик этувчи бу саволни олиб ташлаши керак бўлади.

Судья ўз вақтини тежашни, ундан самарали фойдаланишни билиши ҳам зарур. Бунинг билан у ўзи ишлаб турган идорада интизомнинг кучайишига ва суд ишларининг ижобий таъсирчанлигини ошишига хизмат қилган бўлади. Буни удалаш учун судья кўп ўқиши, изланиши ва ахборот воситаларидан кенг қамровда фойдаланиб бориши зарур.

Судьянинг ўз ҳаёти, касби, лавозими тарихини ифодаловчи шахсий-хотиравий девон ва кутубхонага эга бўлишлиги ҳамда уларни доимо бойитиб бориши ҳар жиҳатдан мақбулдир.

Судья ўзи билан бирга ишлайдиган судьялар ва суд ходимларига нисбатан ҳам талабчан бўлиши керак. Чунки, улар хусусида айтиладиган гаплар, билдириладиган мулоҳазалар судьяга ҳам тааллуқли бўлиб, салбий фикр ва шубҳалар суд ҳокимияти обрўсига

путур етказди. Ўз ҳамкасблари, жамоадошларининг шубҳали, қонунсиздек бўлиб кўринган ҳар қандай хатти-ҳаракатига бефарқ, лоқайд эмаслиги билан судья суд тизимида манфаатлар тўқнашувининг ва коррупциянинг олдини олган бўлади.

Назорат саволлари:

1. Манфаатлар тўқнашуви деганда нимани тушунасиш?
2. Судьянинг шахсий манфаатдорлигини амалий мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.
3. Суд ишини юритишда манфаатлар тўқнашувини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини тушунтиринг.
4. Судьяларнинг одоб-ахлоқига оид қандай халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилик ҳужжатларини биласиз?
5. Бангалор принципларида судьялар фаолияти ва одоб-ахлоқига оид 6 та асосий тамойилларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

Казус.

Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқи масалалари миллий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган тақдирда, улар жамиятдаги одоб ва хулқ-атворнинг умумий тамойиллари, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг давлат хизматчилари одоб-ахлоқини тартибга солувчи умум эътироф этилган тамойилларига амал қиладилар.

Казус юзасидан саволлар:

1. Давлат хизматчилари одоб-ахлоқини тартибга солувчи умум эътироф этилган тамойиллар қайси ҳужжатларда белгиланган?
2. Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқи масалаларини белгиловчи миллий ҳужжатлар ҳамда уларнинг одоб-ахлоқини тартибга солувчи умум эътироф этилган тамойиллар ўртасида тафовут пайдо бўлса қайси ҳужжатларга устуворлик берилади?

2-БОБ. СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

1-§. Коррупция тушунчаси ва унинг ҳуқуқий тавсифи

Суд тизимида коррупциявий омилларнинг мавжудлиги, уларни аниқлаш, олдини олиш ва уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича етарли ташкилий ва ҳуқуқий асосларнинг яратилмаганлиги, мавжуд нормаларга қатъий риоя қилишни таъминловчи механизмларнинг жорий этилмаганлиги суд органлари ва судьялар мустақиллигига салбий таъсир кўрсатади, одил судловни амалга оширишда ички ва ташқи аралашувларга замин яратади, суд органларида нопок ва муносиб бўлмаган судьялар корпусини шаклланишига сабаб бўлади. Бу нафақат демократик давлатнинг энг муҳим принципларидан бири – қонун устуворлигининг бузилишига ва фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқининг поймол бўлишига олиб келади, балки бутун суд тизимининг қонуний фаолиятининг емирилишига сабаб бўлади.

Судьяларнинг ҳалоллиги ва поклиги – бу суд тизимининг самарадорлиги ва беғаразлигининг биринчи зарур шартидир. Судьяларнинг ҳалоллиги ва поклиги суд органлари мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир: суд органлари судьяларнинг ҳалоллиги ва поклигини таъминлайди, ҳалоллик ва поклик эса мустақилликни мустаҳкамлайди⁴.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ҳам мазкур иллатга қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлигига алоҳида урғу бериб, 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида *“Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак⁵”*, – дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, коррупция мураккаб ижтимоий-иқтисодий-сиёсий ҳодиса бўлиб, жамият тараққиётининг муҳим омиллари бўлмиш тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-

⁴ Консультативный Совет Европейских судей. Заключение № 21(2018) «О предупреждении коррупции среди судей». г. Загреб, 9 ноября 2018 г. CCJE (2018)3.

⁵ <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

хуқуқий қадриятларни йўқ қилади, миллий хавфсизликка таҳдид солади, мамлакат ривожига тўсқинлик қилади. Шунинг учун Давлат раҳбари назарда тутган “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш – бу муайян соҳада коррупцияга қарши қаратилган ташкилий ва ҳуқуқий асосларни яратиш, мавжудларини замон талаблари асосида такомиллаштириш ва унга қатъий риоя қилиш механизмларини жорий қилиш орқали унга қарши комплекс тарзда курашишни англатади.

Коррупция атамаси лотинча **“corruptio”** сўзидан олинган бўлиб, **“оғдириб олиш”, “сотқинлик”, “емирилиш”, “бузилиш”** деган маъноларни англатиб, одатда мансабдор шахснинг ўзининг ваколатларидан, унга ишониб топширилган ҳуқуқларидан, шунингдек расмий мақоми билан боғлиқ нуфузи, имкониятлари ва алоқаларидан шахсий манфаати йўлида қонунчилик ва ахлоқий талабларга зид равишда фойдаланишидир⁶.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ **коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишидир**⁷.

Коррупция ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, мансабдор шахснинг эгаллаб турган лавозимидан фойдаланиб, учинчи шахс (жамият ёки давлат)нинг манфаатларига зарар етказган ҳолда шахсий фойда олиш мақсадида жамиятнинг алоҳида аъзоси билан муносабатларини акс эттиради.

Энциклопедик манбаларда ҳам коррупцияга турли-туман таърифлар берилган. Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, “коррупция – мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият”⁸.

“Юридик атамалар қомусий луғати”да коррупция тушунчасига “давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга

⁶ <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%BE%D1%80%D1%80%D1%83%D0%BF%D1%86%D0%B8%D1%8F>

⁷ <https://lex.uz/docs/3088008>

⁸ Юридик энциклопедия . – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 258.

тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон бериши”⁹, деб таъриф берилган.

Яна бошқа энциклопедик манбаларда эътироф этилишича, коррупция атамаси “сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият бўлиб, мансабдор шахслар ўзларига берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойиш мақсадида фойдаланишидан иборат”¹⁰, деб тавсифланган.

“Криминологик ҳамда жиноий хулқ-атворнинг ижтимоий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан коррупция – бу уюшган жиноятчиликнинг бир туридир. Мазкур жиноятни содир этилиши мақсадлари остида нафақат моддий бойлик орттириш, балки ҳокимиятга интилиш манфаатлари ҳам ётади. Коррупция давлат ва бошқа хизматчиларнинг расмий хизмат ваколатларини, улар билан боғлиқ бўлган нуфуз ва имкониятларини шахсий ёки муайян гуруҳ, корпоратив манфаатлар йўлида, ғаразли мақсадларда фойдаланиши билан тавсифланувчи ижтимоий ҳодиса”¹¹.

Маълумки, коррупциянинг негизида ҳокимиятга интилиш ҳам ётади. Коррупция уюшган жиноятчиликнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Мансабдор шахслар томонидан порахўрлик, ғараз мақсадларда хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, ўзгалар мулкани талон-торож қилиниши ва ўзлаштирилиши коррупциянинг кўринишларидан биридир. Бундан коррупция порахўрлик доирасидан кенгроқ, у порахўрликдан ташқари ўзи ва бошқалар учун қонунга хилоф равишда имтиёзларни қўлга киритиш мақсадида мансабидан фойдаланиб, содир этиладиган бошқа турдаги жиноятларни ҳам ўз ичига олади, деган хулосага келиш мумкин.

“Коррупция – давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкий йўсинда ғайриқонуний шахсий наф қўриш мақсадида ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоий ҳодисадир. Бунда фақат давлат хизматчилари коррупция фаолиятининг субъектлари ҳисобланади. Чунки коррупция муносабатлари юзага келишига сабаб бўладиган қарорлар қабул қилиш ёки ҳаракатлар

⁹ Юридик атамалар қомусий луғати. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 201.

¹⁰ Юридическая энциклопедия. 2-ое изд. перераб. – М.: Зерцало, 2003. – С. 45.

¹¹ Криминология. Учебник. Отв.редактор: М.Х.Рустамбаев. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – С. 219, 221-222.

содир этиш учун ҳокимият ваколатига фақат улар эга бўлади. Давлат хизматчилари бундай ҳаракатларни содир этишига қонунчиликнинг номукамаллиги, назорат органларининг фаолиятсизлиги, жамоада коррупцияга нисбатан хизматдошларнинг бепарволиги, раҳбарларнинг принципсизлиги туртки бўлиши мумкин. Аммо коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, давлат бошқаруви механизмининг фаолиятини бузиш фақат давлат хизматчилари томонидан содир этилиши мумкин.

Демак, коррупция ўзида бир неча жиноятларни мужассамлаштиради. Коррупция мансабдор шахслар томонидан давлат ҳокимияти ёки бошқаруви ваколатларидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларни ёки бошқа шахслар манфаатини кўзлаб содир этиладиган жиноятлар йиғиндисидир. Коррупция деганда мансабдор шахслар томонидан ҳокимият ёки мансаб ваколатларидан қонунга зид равишда фойдаланиб, моддий ёки номоддий манфаатдорликка эришиш тушунилади.

2-§. Суд тизимида коррупция ва унинг ўзига хос жиҳатлари

Судьялар ҳам мансабдор шахс сифатида давлат ҳокимиятининг муҳим вазифаларидан бири бўлган – одил судловни амалга оширишга ваколатли шахслар бўлиб, улар томонидан хизмат вазифаларини суиистеъмол қилган ҳолда содир этиладиган хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) коррупция сифатида баҳоланади. Европа судьяларининг Маслаҳат кенгашига кўра **судьялар коррупцияси деганда шахсий ёки учинчи шахслар учун наф олиш мақсадида судьянинг ноҳалол, алдамчи ёки ахлоқсиз ҳаракатлари тушунилади**¹².

Социологик тадқиқот натижалари кўрсатишича, суд тизимидаги коррупциявий омиллар сифатида судлар томонидан суд раиси ва судьяларга нисбатан туман, шаҳар ва вилоят ҳокимлари томонидан тазйиқ ва босим ўтказилиши, ишларга аралашиш, шунингдек одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тадбирларга жалб қилиш ҳолатларига йўл қўйилаётгани, судьяларнинг дахлсизлиги ва холислиги принципи бузилаётгани, суд органлари ва судьяларнинг молиявий ва ижтимоий ҳимояси талабга жавоб бермаслиги, судлардаги штатлар сони етарли эмаслиги ва одилona

¹² Консультативный Совет Европейских судей. Заключение № 21(2018) «О предупреждении коррупции среди судей». г. Загреб, 9 ноября 2018 г. ССЈЕ (2018)3.

тақсимланмаганлиги, судьяларни навбатдаги муддатга тайинлашдаги ортиқча бюрократик тартибларнинг ҳали ҳамон мавжудлиги, суд қарорларининг вақтида ва тўлиқ ижро этилмаслиги, судья ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ва таъмагирликка мойил шахсларни аниқлашнинг самарали механизмининг мавжуд эмаслиги каби салбий ҳолатлар билдирилган¹³.

Суд тизимидаги коррупциянинг ўзига хос жиҳати шундаки, судья қонунни бузмаган ёки учинчи шахсларга зарар етказмаган ҳолда ҳам шахсий ёки моддий манфаатдорликка эришиши мумкин. Жумладан, у қонун доирасидан четга чиқмаган ҳолда манфаатдор тарафнинг илтимосига кўра ишни чўзиши, тўхтатиши, ариза ёки шикоятни қайтариши ёки қабул қилишни рад қилиши, даъвони таъминлаш чорасини кўриши ёки кўришни рад қилиши мумкин ва ҳ.к. Бундан ташқари, судья томонидан коррупциявий ҳаракатлар ўзганинг манфаатида содир этилиши мумкиндек кўринса ҳам, аслида судьяда доимо бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлик мавжуд бўлади. Бу унинг келгусида манфаатдор шахс ёки воситачи шахс (раҳбари, қариндоши, таниши ва ҳ.к.)дан бирор моддий ёки маънавий (яхши кўриниш, ишончга кириш, мансаб бўйича ўсиш, мақтаниш) манфаатдорлик кўришда ифодаланади. Ташқаридан қараганда ушбу ҳаракатлар процессуал қонунчиликка мувофиқлиги боис уларни ғараз мақсадда амалга оширилганлигини исботлаш мушкул. Шунингдек, бундай ҳаракатлар устидан барча ҳолларда ҳам процессуал тартибда шикоят қилиш қонунчиликда назарда тутилмаган. Асосийси, ушбу шикоятлардаги важларни исботлаш аксарият ҳолларда имконсизлиги боис судья тегишли жавобгарликка тортилмайди. Шунингдек, ноқонуний қарор қабул қилинганлигининг ўзи судья томонидан коррупциявий ҳаракат содир этилганлигини англатмайди, бу эса ваколатли органларни судьяга нисбатан бирор-бир таъсир чорасини қўллаш имкониятидан маҳрум этади. Юқори инстанция суди томонидан эса ишни қайта кўриш жараёнида асосан шикоят қилинган суд қарорига ҳуқуқий баҳо берилади, бошқа ҳолатлар эса деярли текширилмайди ва судьяга нисбатан чора кўриш масаласи ҳал этилмайди. Судьянинг хатти-ҳаракати устидан

¹³ Судьялар олий кенгаши томонидан 2020 йилда суд органларининг мустақиллиги, судьяларнинг холислиги ва дахлсизлиги, уларга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш мақсадида ўтказилган сўровномада 700 нафардан ортиқ судьялар иштирок этган.

берилган шикоятлар аксарият ҳолларда қабул қилинган суд қарори билан боғлиқ бўлиши сабабли, судьялар ҳамжамияти органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мурожаатчига процессуал тартибда юқори инстанцияга шикоят қилиниши лозимлигини тушунтиришдан бошқа чора тополмайди. Бу эса суд тизимида коррупцияга мойил судьяларни аниқлаш ва улар фаолиятига чек қўйишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради, ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалда таъминламайди.

Демак, судьялар томонидан содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарлик деганда судьяларнинг шахсий манфаатдорликни кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида ўз ваколатларини суиистеъмол қилиши тушунилади.

Суд тизимида коррупция иллатларини йўқ қилиш ва унинг ривожланишига йўл қўймаслик мақсадида коррупциявий ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини, шунингдек, унга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш комплекс тарзда амалга оширилади.

Судьяларнинг ғайриахлоқий ва ғайриқонуний ҳаракатларини қонунийлаштириш, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, давлат бюджети ҳисобидан ўз эҳтиёжларини қондириш ва ҳ.к.лар коррупциянинг яширин шакли ҳисобланади.

Қуйидаги ҳолатлар суд тизимидаги коррупция кўринишлари ҳисобланади:

- қонунчиликдаги бўшлиқлар ва ноаниқликларни бартараф этиш чораларининг кўрилмаслиги;
- суд раисларининг судьялар ва суд ходимларига нисбатан таъсир этиши мумкин бўлган ваколатларга эга бўлиши;
- судьяликка танлаш ва тайинлаш, судьялик ваколат муддатини узайтириш, уларни вазифасидан муддатидан аввал озод этишда аниқ ва шаффоф механизмларнинг мавжуд эмаслиги;
- судьянинг хизмат вазифасини бажарганлиги ёки бажармаганлиги, хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги муносабати билан моддий ёки маънавий манфаатдор бўлиши;
- хизмат мавқеидан фойдаланиб ўзи ёки учинчи шахслар учун имтиёз ёки фойдага эга бўлиши ва ҳ.к.

Коррупциянинг пора олиш ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш каби одатдаги шаклларида ташқари, коррупция амалда намоён бўлишининг қуйидаги шакллари фарқлаш мумкин:

- судьяларнинг тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита ёки билвосита иштирок этиши;
- давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида ишда иштирок этувчи шахслар фойдасига ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;
- мавқеидан фойдаланган ҳолда давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар олишга эришиш;
- наф кўриш мақсадида суд ҳужжатларини бермаслик, бериш муддатларини чўзиш, суд ишларини белгиланган муддатда кўрмаслик ва ҳ.к.

Коррупциявий хатти-ҳаракатлар асосан манфаатлар тўқнашуви оқибатида содир этилади. Манфаатлар тўқнашувининг мажбурий белгиларига судьянинг муайян вазиятда ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиши, бунинг учун моддий ёки номоддий манфаат олганлиги ёки олиши мумкинлиги ҳамда улар ўртасидаги сабабий боғланиш киради. Шунга кўра, манфаатлар тўқнашувида судьяда ноҳолис қарор чиқариш ва қонуний ҳаракат қилиш ўртасида танлаш имконияти бўлади. Ушбу имкониятнинг қай бирини танлаш эса судьянинг ахлоқий фазилатларига бевосита боғлиқ бўлади, зеро ахлоқи ва ҳуқуқий маданияти юқори бўлган судьяларнинг қонуний ва беғараз қарор қабул қилиш имконияти юқори бўлади.

Табиийки, шахсий манфаатдорликнинг ўзи ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди, судья уни амалда қўллаши билан ишни кўришда холислик йўқолади ва тегишли жавобгарликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш коррупцион ҳаракатларнинг содир этилишини олдини олувчи ишончли восита ҳисобланади, зеро маънан етук бўлмаган ёки ахлоқи бузук судьяларда манфаатлар тўқнашуви жараёнида шахсий манфаатни судьялик қасамёдидан устун қўйиш, ваколатларини суиистеъмол қилиш учун етарли имконият мавжуд бўлади.

Манфаатлар тўқнашуви ва коррупция бир хил тушунчалар эмас. Айрим ҳолларда коррупцияга йўл қўйилмаган ҳолда ҳам манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиши мумкин ва бунинг акси. Масалан, қарор қабул қилиш жараёнида шахсий манфаатдорлиги бўлган давлат хизматчиси адолатли ва қонун доирасида ҳаракат қилиши мумкин. Ва бунда коррупция аломатлари мавжуд эмас. Бошқа давлат хизматчиси эса манфаатлар тўқнашуви мавжуд

бўлмаган, ҳар қандай ҳолатда шундай қарор қабул қилишга мажбур бўлган ҳолларда ҳам пора олиши мумкин¹⁴.

Демак, коррупциявий ҳаракатлар ҳар доим ҳам учинчи шахсга зарар етказмайди, судьянинг ноқонуний ёки адолатсиз қарор қабул қилишини келтириб чиқармайди, ҳар икки тараф учун қонуний ва мақбул бўлган ечимни ҳам назарда тутиши мумкин. Бироқ, судьянинг қонуний ва адолатли қарор чиқариши учун ҳам ноқонуний наф кўриши манфаатдор тарафнинг судья ҳақида “порахўр” деган хулосага келишининг ўзи қонунийлик тамойилининг бузилишига, жамиятда судларга бўлган ишончсизликнинг кучайишига сабаб бўлади.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 7-моддасида ҳар бир иштирокчи давлат манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқишини олдини олиш бўйича чоралар кўришга интилиши назарда тутилган.¹⁵

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида “манфаатлар тўқнашуви” тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият тушунилади.¹⁶

Шахсий манфаатдорлик – давлат ёки маҳаллий хизматчи томонидан мансаб ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзи ёки учинчи шахслар учун пул, қимматликлар, бошқа мол-мулк ёки мулкый кўринишдаги хизматлар ёхуд бошқа мулкый ҳуқуқлар олиш имкониятидир.¹⁷

Шахсий манфаатдорлик бевосита ва билвосита турларга бўлинади. Бунда муайян вазиятни манфаатлар тўқнашуви деб ҳисоблашнинг мезонларини белгилаш ҳолислик асосида ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини таъминлашга хизмат қилади.

¹⁴ Казакова Е.В. Противодействие коррупции в судебной системе в условиях процессуального реформирования. Ж.: «Администратор суда», -№2, - 2020. С.48-52.

¹⁵ <https://lex.uz/docs/1461327>

¹⁶ <https://lex.uz/docs/3088008>

¹⁷ Федеральный закон Российской Федерации «О противодействии коррупции». Ст.10. <https://digital.gov.ru/ru/documents/3419/>

Демак, манфаатлар тўқнашуви доимо мансабдор шахснинг бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлиги асосида вужудга келади ҳамда мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда муайян вазиятда ҳар қандай кўринишдаги фойда олиш мақсадини кўзлайди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасида давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги кераклиги, манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши кераклиги, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шартлиги, давлат органларининг махсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширишлари белгиланган¹⁸. Судьялар одоби кодексида ҳам судья ишни холис кўриш мақсадида ўзининг касбий мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай афзалликлар, асоссиз ишонч ва тахминлардан ҳоли бўлиши, ўзининг холислигига ҳар қандай шубҳаларни бартараф этишга ҳаракат қилиши лозимлиги, судьянинг қонунда назарда тутилган асосларда ўзини ўзи рад этиши унинг холислиги ва беғаразлигини таъминловчи муҳим омил эканлиги қайд этилган¹⁹.

Суд фаолиятининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, судья мазкур талабдан фарқли равишда бундай вазиятларда мустақил ҳаракат қилиши, манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини аниқлаши ҳамда ўзини рад қилиши ёки бу ҳақда суд раисини хабардор қилиши лозим. Процессуал қонунчиликда судья ўзининг ташаббусига ёки тарафларнинг аризасига кўра рад қилиниши мумкин бўлиб, рад қилиш масаласи бир таркибли судларда судьянинг ўзи томонидан ҳал қилиниши субъективлик хусусиятига эга бўлиб, холисликни тўлиқ таъминламайди. Зеро, ишнинг натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган судья тарафнинг рад қилиш тўғрисидаги аризасини ҳар қачон рад қилиш ва ишни мазмунан кўриб чиқиш имкониятига эга бўлади.

¹⁸ <https://lex.uz/docs/3088008>

¹⁹ Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси. 6-модда. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. – Т.: “Адолат”, 2018. – 112 б.

Бу борада Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди “алоҳида олинган судьяда алоҳида олинган ишга нисбатан шахсий ишончни белгилашдан иборат субъектив ёндашув ва судья томонидан бу борада ҳар қандай асосланган гумонларни истисно қилиш учун етарли бўлишидан ташкил топган объектив ёндашув”ни ажратиб кўрсатади. Уларга кўра **“Ишни кўриб чиқиш нафақат судья ноҳолис бўлган тақдирда, балки у шундай қабул қилинганда ҳам адолатсиз бўлади”**²⁰. Шу нуқтаи назардан, судьяни рад қилиш тўғрисидаги масала суд раиси ёки юқори босқич суди томонидан кўрилиши одил судловга бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Суд органларининг ҳалоллигини мустаҳкамлаш бўйича судьялик гуруҳи томонидан қабул қилинган ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияси томонидан тасдиқланган Судьялар хулқ-атворида оид Бангалор тамойиллари холисликни суд функциясига оид фундаментал қадриятлардан бири сифатида белгилайди. Тамойилларнинг 2.5-бандига кўра судья шу жумладан қуйидаги ҳолларда ўзи учун иш юзасидан холис қарор қабул қилиш имконияти бўлмаган ёки ташқи кузатувчида судьянинг холислигига шубҳа туғилган ҳолда ишдан ўзини ўзи четлатишни эълон қилади:

а) судьяда томонлардан бирига нисбатан ноҳолис муносабат ёки ғаразли ёндашув юзага келганда ёки судьяга ўз шахсий манбаларидан кўриб чиқиладиган ишга тегишли бўлган бирон-бир далилий фактлар маълум бўлганда;

б) аввал айтилган предметга эга низони кўриб чиқишда адвокат ёки муҳим гувоҳ сифатида иштирок этганда;

в) судья ва унинг оила аъзолари кўриб чиқиладиган ишнинг натижасидан моддий манфаатдор бўлганда.²¹

Судьянинг шахсий манфаатдорлиги унинг яқин қариндошлари ва оила аъзоларини ҳам назарда тутати. Бинобарин, судья айрим ҳолларда айнан яқин қариндошлари манфаатини кўзлаган ҳолда коррупциявий ҳуқуқбузарликни содир этади. Жумладан, Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида судьялар мақоми тўғрисида”ги Федерал Қонунининг 3-моддасига кўра судьянинг шахсий манфаатдорлиги деганда судьянинг шахсан ўзи, оила

²⁰ Халқаро юристлар комиссияси. Судьялар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллиги, жавобгарлигига доир халқаро тамойиллар. 1-сонли амалий қўлланма. [www.icj.org / wp-content / uploads / 2017 / 01 / Uzbekistan-PGN%1-Publications-Practitioners-Guide-Series-2017-UZB.pdf](http://www.icj.org/wp-content/uploads/2017/01/Uzbekistan-PGN%1-Publications-Practitioners-Guide-Series-2017-UZB.pdf)

²¹ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/bangalore_principles.shtml

аъзолари ёки унинг молиявий ёки бошқа мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган ўзга шахслар учун хизмат вазифаларини амалга ошириш даврида моддий кўринишдаги даромад ёки бошқа ноқонуний манфаатдорлик олиш имконияти тушунилиши, Қонуннинг 5-моддасида судьянинг яқин қариндошлари таркибига турмуш ўртоғи, ота-онаси, фарзандлари, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари, бува ва бувилари, набиралари, шунингдек турмуш ўртоғининг ота-онаси, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари киритилган бўлса, Судьялар одоби кодексининг 3-моддасига мувофиқ оила аъзолари таркибига судья билан бирга истиқомат қилувчи турмуш ўртоғи, ота-онаси, фарзандлари, ҳар қандай яқин қариндошлари (фарзандликка олган ва олинган шахслар, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари, бува ва бувиси, набираси) киритилган²².

Назорат саволлари:

1. Коррупция тушунчаси, уни белгиловчи омиллар ва келиб чиқиш сабабларини кўрсатинг.

2. Суд тизимида коррупциянинг ўзига хос жиҳатларини қиёсий таққослаш орқали тушунтириб беринг.

3. Суд тизимидаги коррупция кўринишларининг шакллари ва уларнинг мазмунини амалий мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.

4. Коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллардан бири сифатида манфаатлар тўқнашувининг мазмун-моҳиятини ёритинг. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишга оид моддий ва процессуал қонун нормаларини таҳлил қилинг.

²² <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102017065>

3-БОБ. СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ ВА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1-§. Суд тизимида коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонунларнинг мазмуни

Коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг асоси ва муҳим йўналишларини белгиловчи усуллардан бири – бу ушбу соҳада ҳуқуқий базани шакллантириш ҳисобланади. Бунда нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқ нормалари ҳам ушбу йўналишда самарали кураш олиб боришни таъминловчи ҳуқуқий асос вазифасини бажаради. Шу боис, халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормаларини қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, коррупцияга қарши самарали курашишнинг зарурий элементи ҳисобланади.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи манбаларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, улар нафақат қонунчилик ҳужжатларида, балки судлар ва судьялар ҳамжамияти органларининг локал ҳужжатларида ҳам акс этган. Жумладан, Судьялар одоби кодекси, “Суд ходимларининг юриш-туриш қоидалари” ва б.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашишга оид манбаларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) тартибга солиш предметида кўра умумий ва махсус манбалар;
- 2) юридик кучига кўра қонунлар ва қонуности ҳужжатлар;
- 3) тартибга солиш хусусиятига кўра моддий ва процессуал манбалар.

Умумий манбалар нафақат суд тизимидаги, балки бошқа барча соҳалардаги коррупциявий ҳолатларга қарши курашишни тартибга солишга қаратилган бўлади. Хусусан:

“Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқалар.

Бундан ташқари, суд тизимида коррупцияга қарши курашишни тартибга солишда махсус қонунлар ҳам мавжуд. Жумладан:

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги Низом ва б.

Мазкур соҳани тартибга солувчи махсус қонун – бу Ўзбекистон Республикасининг **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни** бўлиб, унга мувофиқ коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Қонунда **коррупцияга қарши курашишнинг қуйидаги асосий принциплари** кўрсатилган:

қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

очиқлик ва шаффофлик;

тизимлилик;

давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;

коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;

жавобгарликнинг муқаррарлиги.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади. Қонуннинг 6-моддасига кўра Кенгашнинг асосий вазифаларидан бири сифатида айнан судьялар орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва уларни барвақт аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш, шунингдек суд тизимида аниқланган ҳар бир коррупция ҳолатини кўриб чиқиш ва принципиал баҳолаш белгиланган.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида Кенгаш:

судьяларга нисбатан хизмат текширувини ўтказиш тартибини белгилайди;

судьяларга ва ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи Кенгаш аъзоларига нисбатан хизмат текширувлари ўтказди;

судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади ва материалларни судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига юборади;

судьяларни жиноий жавобгарликка тортиш масалалари юзасидан хулоса беради;

судьяларнинг фаолиятини уларнинг касбига муносиблиги нуқтаи назаридан ўрганади;

судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларнинг, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларнинг шахсий ва касбий сифатлари даражасини ўрганиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади.

Бундан ташқари, Кенгаш раиси суд ҳокимияти мустақиллигини, судьялар дахлсизлигини таъминлашга ва одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ҳақида, шунингдек суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якунлари бўйича ахборот тақдим этади

Шунингдек, мазкур Қонунга кўра Кенгаш раиси судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга оширишга аралашганлик ҳолатлари юзасидан прокуратура органларига тақдимнома киритиши мумкин. бунда прокуратура органларига киритилган тақдимнома бир ой муддатда кўриб чиқилади ва Кенгаш

жиноят иши қўзғатилганлиги тўғрисида ёки уни қўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабардор қилинади²³.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашишда **“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни**да ҳам махсус нормалар назарда тутилган. Хусусан, Қонуннинг 9-моддасида судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши, шунингдек судьяларга одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди қуйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш, ҳарбий судларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг, туманлараро, туман, шаҳар судларининг ташкилий фаолиятини ўрганиш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш орқали суд тизимида коррупцияни олдини олиш чораларини кўради.

Ушбу Қонуннинг 62-моддасида судьяларнинг коррупциявий ҳолатларни олдини олишга қаратилган бир қатор мажбуриятлари белгиланган. Жумладан, судьялар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига оғишмай риоя этиши;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ҳамда мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши;

ўз ваколатларини амалга оширишда, шунингдек хизматдан ташқари муносабатларда Судьялик одоби кодекси талабларига риоя этиши, суд ҳокимияти обрўсини, судьянинг шаъни ва кадр-қимматини тушириши ёки унинг беғаразлиги, холислиги ва адолатлилигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан ўзини тийиши;

²³ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 6-7, 9-моддалар.

коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига ва одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятига ғайриқонуний аралашишга уринишларга қаршилик кўрсатиши ҳамда бундай ҳолатлар аниқланган тақдирда бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига хабар қилиши;

манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши ва суд процесси иштирокчиларини хабардор қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-368-сонли Қонуни билан тасдиқланган “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Судьяларнинг олий малака ҳайъати ва судьяларнинг малака ҳайъатлари шу жумладан судьялик қасамёди ва судьялар одоб-ахлоқи қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилиш учун тузилади.

Низомнинг 10-моддасига биноан Судьяларнинг олий малака ҳайъати:

Судьялар олий кенгашига янги ваколат муддатига ёхуд бошқа судьялик лавозимларига кўрсатилаётган номзодлар (судьялар) бўйича тегишли хулосалар тақдим этади;

Олий суднинг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисига нисбатан шикоятлар ва тақдимномаларни кўриб чиқади, хизмат текширувлари ўтказди;

судьяларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни ва судьяларни маъмурий жавобгарликка тортишга розилик бериш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади;

тегишли судлар судьяларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳақида хулосалар беради;

тегишли судлар судьяларининг судьялик қасамёди ва судьялар одоб-ахлоқи қоидаларига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади.

2-§. Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга оид қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг мазмун-моҳияти

Суд тизимида коррупцияга қарши курашишга оид қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бинобарин, улар муайян муаммони тезлик билан ҳал қилиш имконини беради. Суд тизимида коррупцияга қарши

курашишни тартибга солишга қаратилган қуйидаги қонуности ҳужжатларини кўрсатиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майда **“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони** қабул қилинган. Мазкур Фармон билан “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш” давлат дастури тасдиқланиб, қуйидаги 4 та йўналишда вазифалар белгилаб берилган:

1) аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

2) давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

3) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш;

4) коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик.

Шунингдек, Фармонда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўрта муддатли истиқболдаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланган. Ушбу йўналишда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси этиб идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олиншини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш ҳисобланиши қайд этилган²⁴.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони. <https://www.lex.uz/docs/4355387>

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янги босқичга кўтариш мақсадида махсус ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги **“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони** қабул қилиниб, унда коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратиш зарурлиги, ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторининг бошқа вакиллари ҳам кенг жалб этиш зарурати мавжудлиги қайд этилди²⁵. Мазкур Фармон билан “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиб, унинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вазифалари белгилаб берилди. Фармон билан:

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий идоралараро комиссиялари Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши деб аталиб, унинг ҳудудий кенгашлари ҳам қайта ташкил этилди;

Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, 2020-2021 йилларда барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат»)ни босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилди.

Коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнга жамоатчиликни кенг жалб этиш ва коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги **“Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони** қабул қилинди.

²⁵ <https://lex.uz/docs/4875784>

Фармонда давлат бошқарувини коррупциядан холи соҳага айлантириш мақсадида:

а) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан “Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри” (кейинги ўринларда — Реестр) юритилиши жорий қилинди;

Реестрга киритилган шахсларга қуйидагилар тақиқланди:

давлат хизматига кириш ва давлат мукофотлари билан тақдирланиши;

сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзодларининг кўрсатилиши;

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда идоралараро коллегиял органларнинг аъзоси бўлиш;

улар томонидан таъсис этилган ва (ёки) улар иштирокчиси ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари давлат харидларида ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда иштирокчи (ижрочи) сифатида қатнашиш, шунингдек, давлат активларини хусусийлаштириш билан боғлиқ тендер ва танлов савдоларида иштирок этиш;

давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар ҳамда давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиш.

б) Фармон билан 2022 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкни мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилди.

Шундай тартиб ўрнатилдики, унга мувофиқ:

давлат хизматчиси томонидан декларацияни тақдим этишдан бош тортиш ва қасддан нотўғри маълумотларни киритиш уни давлат хизматидан четлаштиришга ва қонунда белгиланган жавобгарликка тортишга асос бўлади;

2022 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш ва эгалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланади (хорижда ишлаётган давлат хизматчилари ва давлат хизматига киришдан олдин олинган мол-мулк бундан мустасно).

в) қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган лавозимни эгаллаб турган шахснинг бевосита ёки билвосита шахсий манфаати мансаб (хизмат) мажбуриятларини объектив ва ҳолис бажаришига таъсир кўрсатувчи ёки шундай таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятлар манфаатлар тўқнашуви ҳисобланиши ҳамда бундай вазиятларни ошкор қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ўз вақтида чора кўрмаганлик ўрнатилган тартибда жавобгарликни келтириб чиқариши белгиланди.

Бунда Коррупцияга қарши курашиш агентлигига манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатлар аниқланганда, шартнома, буйруқ ва бошқа ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида тақдимнома ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича судга даъво киритиш ваколати берилди.

Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳолаш механизмлари мавжуд эмаслиги соҳада амалга оширилаётган тадбирларга ягона мезон асосида ҳолисона баҳо бериш ва уларнинг натижадорлигини янада оширишга тўсқинлик қилаётгани боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 2022 йил 12 январдаги **“Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорига** мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, баҳолаш ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этилди.

Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш қуйидаги бешта йўналиш бўйича белгиланган индикаторлар асосида амалга оширилиши назарда тутилди:

давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги;

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 5-моддасида ҳар бир давлат коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали амалиётни ўрнатишга ва уни рағбатлантиришга ҳаракат қилиши, бу соҳада коррупцияни олдини олиш бўйича махсус орган ёки муайян ҳолларда бир неча органларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаши белгиланган²⁶. Шу боис, суд тизимида коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тизимини самарали йўлга қўйиш мақсадида Судьялар олий кенгашининг Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси негизида Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси тузилди²⁷.

Суд ҳокимияти тизимида коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тизимини самарали йўлга қўйиш, суд тизимини малакали ва ҳалол пок кадрлар билан тўлдириш, суд органларининг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги **“Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сон Фармони** қабул қилинди. Фармонга мувофиқ судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимида коррупциянинг олдини

²⁶ БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 5-моддаси. <https://lex.uz/docs/1461327>

²⁷ Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5146554>

олиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича касбий фаолиятини ҳар қандай кўринишдаги ташқи таъсирлардан самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратиш;

- судьяликка кадрларни танлаш, тайёрлаш, лавозимга тайинлаш, шунингдек, судьялар фаолиятини баҳолашда холислик ва шаффофликни таъминлаш, ушбу жараёнларга замонавий ахборот технологияларини изчил жорий қилиш;

- судьялар ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш ҳамда суд тизимида аниқланган ҳар қандай коррупциявий ҳаракатни муросасиз ҳолат деб баҳолаш;

- судьяларнинг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали юксак профессионал судьялар корпусини шакллантириш²⁸.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигига дахл қилиш, унинг фаолиятига аралашиш ҳолатлари амалиётда учраб туради. Айниқса, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан судьяларга турли кўринишдаги тазйиқ ва босимлар ўтказилиши мумкин. Натижада айрим судьялар ўзларининг тажрибасизлиги, қатъиятсизлиги ва бошқа сабабларга кўра мазкур босимларга дош беролмай, давлат органлари манфаатларига мос келадиган ноқонуний ва адолатсиз қарорлар қабул қилишлари мумкин. Бундай ноқонуний таъсирга чек қўйиш, баъзи давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан миллий қонунчилигимизда бўшлиқлар мавжуд бўлиб, таъсирчан чора-тадбирлар назарда тутилмаган эди. Шу нуқтаи назардан, мазкур Фармонда учта ҳокимият тармоғининг алоҳида бир-бирига бўйсунмаган ҳолда баҳамжиҳат фаолият юритишини таъминлаш вазифаси бош қомусимиз – Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Президентига юклатилганини эътиборга олиб, Судьялар олий кенгаши раисининг судьялар мустақиллигини таъминлаш, суд тизимида коррупцияга қарши курашиш аҳволи юзасидан ҳар йили давлат раҳбарига ахборот тақдим этиши,

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5146554>

шунингдек судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Кенгаш раиси томонидан киритилган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, жиноят иши кўзғатилганлиги ёки кўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабар берилиш тартиби белгиланди²⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги **“Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-200-сон Фармонида ҳар чоракда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги давлат органлари ва ташкилотлари кесимида содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилиши ва ушбу жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотларига кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгилаш учун Агентлик ходимлари иштирокида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиб бориши, шунингдек ҳар ярим йилда жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга имкон берган омилларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар Миллий кенгаш йиғилишларида тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиб борилиши белгиланди.

Бундан ташқари, Фармон билан “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган Давлат дастури” тасдиқланиб, унга мувофиқ судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний чиқарилганлиги учун бекор қилинган қарорлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якуни билан расмий веб-сайтда очик эълон қилиб бориш вазифаси белгиланди³⁰.

Ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятига кўра коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи манбалар моддий ва процессуал турларга бўлинади. Моддий-ҳуқуқий манбалар тартиб-қоидалар, талаблар, тамойиллар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, юридик жавобгарлик шартларини белгилайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни коррупцияга

²⁹ Ўзбекистон Президентининг ПФ-6127-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5146554>

³⁰ <https://lex.uz/uz/docs/6676585>

қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Процессуал манбаларга эса моддий нормаларни амалга оширишга қаратилган ижро этиш ҳаракатларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар киради. Масалан, процессуал кодексларда судьяни рад қилиш тартиби, “Судлар тўғрисида”ги Қонунда судьяни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби каби қоидалар белгиланган.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, суд тизимида коррупцияга қарши курашишда самарага эришиш учун мавжуд қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиб, коррупциоген характердаги нормаларни бартараф этиш, тўғридан-тўғри ишловчи қонунларни қабул қилиш, мавжудларини такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Назорат саволлари:

1. Коррупцияга қарши курашишга оид миллий қонунчилик базасини тавсифлаб беринг. Мазкур соҳадаги давлат сиёсати ҳамда ислохотларнинг мазмунини ёритиб беринг.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг мазмуни ва моҳиятини ёритиб беринг.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонунини суд тизимида коррупцияга қарши курашиш нуқтаи назаридан таҳлил қилиб беринг.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд тизимида коррупцияга қарши курашишга оид фармон ва қарорларининг мазмун-моҳиятини ёритиб беринг.

4-БОБ. СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Коррупцияга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар тушунчаси ва уларнинг турлари

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ўз табиатига кўра муайян соҳани тартибга солувчи энг асосий ва зарур бўлган қоидаларни назарда тутати, давлатлар эса миллий қонунчилигида уларда назарда тутилган нормаларни янада аниқлаштиради, ривожлантиради ва уни амалга ошириш механизмларини белгилайди. Умумий қоидага кўра, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар халқаро стандартлар бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва уларни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳуқуқнинг манбалари бўлиб ҳисобланади.

Халқаро стандарт деганда халқаро ташкилотлар ёки давлатлар томонидан қабул қилинадиган асосий тамойиллар ёки қоидалар кўринишида ифодаланган минимал халқаро-ҳуқуқий нормалар тушунилади³¹.

Халқаро стандартлар қуйидаги асосий функцияларни бажаради:
биринчидан, халқаро ҳужжатни маъқуллаган давлатлар учун асосий ва зарур талабларни, шунингдек уларга риоя қилиш ва ҳурмат қилишга оид мажбуриятларни белгилайди;

иккинчидан, муайян қонун ҳужжати (конституция, қонун ва ҳ.к.) билан ўрнатилиши лозим бўлган ҳуқуқий кафолатлар рўйхатини белгилайди ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятини тавсифлайди;

учинчидан, давлат органлари ва бошқа шахсларнинг муайян соҳадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди;

тўртинчидан, муайян соҳани тартибга солувчи механизмларни ва талабларни белгилайди.

Халқаро стандартларни уларни қабул қилган ташкилотлар мақомига, ҳужжатнинг амал қилиш доирасига кўра **универсал** (асосан БМТ томонидан қабул қилинган) **ва минтақавий** турларга ажратиш мумкин.

Хусусан, судлар фаолиятига оид универсал стандартларга Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й.), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (1966 й.), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (1966 й.),

³¹ Сулайманов О.Р. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. Юридик фанлар доктори диссертацияси автореферати. -Т., 2020. -Б.15.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга биринчи факультатив протокол (1966 й.), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга иккинчи факультатив протокол (1989 й.) кабилар киради.

Минтақавий стандартлар эса муайян минтақа ёки давлатлар уюшмалари (ЕИ, МДХ ва ҳ.к.) учун амал қилувчи ҳужжатлардир. Улар қаторига Судьялар мақоми тўғрисидаги Европа хартияси, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенцияси, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси, Африкада ишни судда адолатли кўриб чиқиш ва ҳуқуқий ёрдам масалалари бўйича принциплар ва бошқарув принциплари, Осиё-Тинч океани минтақаси учун Суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципларига оид 1995 йилдаги Пекин декларацияси, Миллатлар Ҳамдўстлигининг Парламент устуворлиги ва судьялар мустақиллигига оид Африка Миллатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг Латимер-Хаус бошқарув принциплари каби ҳужжатлар киради.

Шунингдек, халқаро стандартларни **умумий ва махсус** турларга ҳам ажратиш мумкин.

Умумий стандартлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид умумий халқаро ҳужжатлар бўлиб, уларда шу жумладан судларнинг мустақиллигини таъминлаш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назарда тутилади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатларни айнан умумий стандартлар сифатида эътироф этиш мумкин. Бинобарин, ушбу ҳужжатларда мустақил судларга бўлган эҳтиёж инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан очиб берилади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгаллиги алоҳида белгиланган³². Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан ҳам ушбу фикр қувватланиб, унда мустақил ва беғараз

³² Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 217 А (III) Резолюцияси билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган.

судга эга бўлиш ҳуқуқи инсоннинг “ҳеч бир истиснога йўл қўйилмайдиган мутлақ ҳуқуқи” ҳисобланиши қайд этилган³³.

Судлар фаолиятига оид махсус қоида ва механизмларни ўзида жамлаган нормаларни эса махсус стандартлар сифатида эътироф этиш мумкин. Жумладан, Судьяларнинг умумжаҳон хартияси жаҳоннинг барча минтақалари судьялари томонидан маъқулланган бўлиб, унга мувофиқ судьянинг мустақиллиги қонунга асосан беғараз одил судловни амалга ошириш учун зарур ҳисобланади. У бўлинмасдир. Барча миллий ва халқаро муассасалар ҳамда ҳокимият органлари ушбу мустақилликни ҳурмат қилишлари, сақлашлари ва муҳофаза қилишлари зарур³⁴. Ёки, Судьяларнинг ҳуқ-атворига оид Бангалор принципларида суд ҳокимиятининг мустақиллиги асосан судьяларнинг бу соҳадаги хатти-ҳаракатлари орқали таъминланишини назарда тутди. Унга кўра, суд органларининг мустақиллиги ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш шарти ва судда ишни адолатли ҳал қилишнинг асосий кафолати ҳисобланади. Шунинг учун судья суд ҳокимиятининг индивидуал ва институционал жиҳатдан мустақиллиги принципини қўллаб-қувватлаши ва уни амалда таъминлаши шарт³⁵. Ушбу принцип суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлашда жуда муҳим роль ўйнайди, зеро биринчи навбатда судьяларнинг ўзи суд мустақиллигини таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўришлари шарт. Бунда асосий эътибор судьяларнинг ички ва ташқи таъсирларга чек қўйиш ва унга муросасиз курашиш, ҳар қандай мансабдор шахс, яқин қариндош ёки таниш шахслар томонидан қилинган ҳар қандай илтимосни рад эта олишга журъатли бўлиш, судьянинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳар қандай ҳаракатларга нисбатан ўзининг муносабатини билдириш ва керакли чораларни кўриш даркорлиги талаб этилади.

Бундан ташқари, давлатлар томонидан қабул қилинган (маъқулланган)лигига кўра халқаро стандартларни **мажбурий ва ихтиёрий** турларга ҳам бўлиш мумкин. Ихтиёрий стандартлар рўйхатига Европа Кенгаши Вазирлар Кўмитасининг аъзо давлатларга судларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли

³³ Маълумот № 263 / 1987, Мигель Гонсалес дель Рионинг Перуга қарши иши, 5.2.-банд.
<https://www.ohchr.org/Documents/Publications/SDecisionsVol4ru.pdf>

³⁴ Умумжаҳон судьяларнинг хартиясининг 1-моддаси. Халқаро судьялар ассоциацияси томонидан 17.11.1999 йилда маъқулланган.

³⁵ http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/bangalore_principles.shtml

тўғрисидаги R(94)12-сонли тавсияси, Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги масалалари бўйича Киев конференцияси тавсияларини киритиш мумкин. Хусусан, Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг R(94)12-сонли тавсиясининг муқаддимасида аъзо давлатларнинг ҳукуматларига муайян судлар ва умуман суд корпусининг ролини ошириш учун зарур барча чораларни кўриш ва кучайтириш, шу жумладан, ушбу ҳужжатдаги принципларни амалга ошириш орқали улар мустақиллиги ва самарадорлигини мустаҳкамлаш тавсия этилган³⁶.

2-§. Суд тизимида коррупцияга қарши халқаро стандартларнинг мазмуни

Қуйида суд тизимида коррупцияга қарши халқаро стандартларнинг мазмуни таҳлил этилади:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари³⁷:

1) “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси” (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган);

2) Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодексини самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар (БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши резолюцияси билан 1989 йил 24 майда қабул қилинган);

3) Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқ-атвор кодекси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган);

4) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги Декларацияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 16 декабрда тасдиқланган);

5) Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1999 йил 9 декабрда қабул қилинган);

³⁶ Европа Иттифоқи, Вазирлар Қўмитасининг аъзо давлатларга судьяларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисидаги R (94) 12 сонли тавсияси, 1994 йил 13 октябрь.

³⁷ Мазкур ҳужжатлар билан қуйидаги интернет манзили орқали танишиш мумкин: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conv2000.shtml

6) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган);

7) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Форумининг офшорлар бўйича Коммюникеси (Кайман ороллари, 2000 йил 30-31 март);

8) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг коррупцияга оид маърузаси (Вена, 2001 йил 8-17 май);

9) Коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар тўплами (2001 йил июнь);

10) Коррупцияга қарши кураш чоралари. Пулни тозалашга қарши кураш чоралари. Жиноятчилик ва одил судлов: XXI аср чорловига жавоблар тўғрисидаги Вена декларациясини амалга ошириш ҳаракат Режаси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2002 йил 15 апрелда қабул қилинган)

11) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган).

Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари³⁸:

1) Европа Кенгашининг коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь);

2) Европа Кенгашининг коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 9 сентябрь);

3) Европа Кенгашининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни тозалаш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1990 йил 8 ноябрь);

4) Коррупцияга қарши курашнинг йигирмата принципи (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 1997 йил 6 ноябрь);

5) Давлат хизматчилари учун Модель ҳуққ-атвор кодекси (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2000 йил 11 май);

³⁸ Мазкур ҳужжатлар билан қуйидаги интернет манзили орқали танишиш мумкин: <http://www.coe.int / lportal / web / coe-portal / what-we-do / rule-of-law / corruption?dynLink=true&layoutId=37&dlgroupId=10226&fromArticleId=>

6) Сиёсий партияларни ва сайлов кампаниясини молиялаштиришда коррупцияга қарши ягона қоидалар (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2003 йил 8 апрель);

7) Молиявий тизимдан пулни тозалаш мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги ЕИИ Директиваси (1991 йил 10 июнь);

8) Пулни тозалашга қарши Париж декларацияси (Европа Иттифоқининг пулни тозалашга қарши парламентар конференциясининг Якуний декларацияси 2002 йил 8 февраль).

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида коррупцияга қарши кураш борасида қабул қилинган ҳужжатлар³⁹:

1) Жиноятчиликка қарши курашда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига иштирокчи-давлатларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги Келишуви (Москва, 1998 йил 25 ноябрь);

2) “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги Намунавий қонуни (МДҲ Парламенлараро ассамблеясининг XXII пленар йиғилишида қабул қилинган 2003 йил 15 ноябрь);

3) “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Намунавий қонуни (МДҲ Парламенлараро ассамблеясининг XIII пленар йиғилишида қабул қилинган 1999 йил 3 апрель);

4) “Ғайриқонуний йўлдан олинган даромадларни легаллаштиришга қаршилиқ қилиш тўғрисида”ги Намунавий қонуни (МДҲ Парламенлараро ассамблеясининг XII пленар йиғилишида қабул қилинган 1998 йил 8 декабрь);

5) “Уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги тавсиявий қонунчилик акти (МДҲ Парламенлараро ассамблеясининг қарори билан қабул қилинган 1996 йил 2 ноябрь).

³⁹ Мазкур ҳужжатлар билан қуйидаги интернет манзили орқали танишиш мумкин: <http://www.iacis.ru/html/?id=22&str=list&nid=1>

FATF⁴⁰ ташкилотининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари⁴¹:

- 1) FATFнинг қирқта тавсияси (2003 йил 20 июнь таҳрири);
- 2) FATFнинг қирқта тавсиясига тушунтириш (2003 йил);
- 3) FATFнинг пулни тозалашга қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликка тўсиқ бўлаётган йигирма бешта асосий мезони (2003 йил);
- 4) Терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ операцияларни аниқлаш бўйича молиявий ташкилотлар учун FATF тавсиялари (2002 йил).

Бошқа халқаро ташкилотларнинг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари:

- 1) Иш юзасидан халқаро операцияларни амалга оширишда чет эллик давлат мансабдор шахси томонидан пора беришга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) томонидан қабул қилинган 1997 йил 21 ноябрь);
- 2) Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Америкааро конвенцияси (Каракас, 1996 йил 29 март);
- 3) Адлия ва хавфсизлик органлари ходимларига нисбатан коррупцияга қарши кураш ва уларнинг виждонли ва пок бўлишини таъминлаш чоралари бўйича умумий тавсиялар (Коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича Глобал форум, Вашингтон, 1999 йил 24-26 февраль).

Коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат – бу шубҳасиз, **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси** ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашишни халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси (Нью-Йорк, 31 октябрь 2003 йил) Ўзбекистон томонидан 2008 йил 7 июлда ратификация қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий

⁴⁰ Financial Action Task Force (FATF) молиявий жиноятчиликка қарши курашиш учун сиёсат ва стандартларни ишлаб чиқувчи ва тарғиб қилувчи ҳукуматлараро ташкилотдир. FATF 1989 йилда G7 буйруғи билан ташкил этилган, бош қароргоҳи Парижда жойлашган.

⁴¹ Мазкур ҳужжатлар билан қуйидаги интернет манзили орқали танишиш мумкин: <http://www.eurasiangroup.org/ru/eag/fatf.php>

мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилиниб, 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати томонидан маъқулланган ва 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирган⁴².

Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга бир нечта билдиришлар, баёлотлар ва шартлар билан қўшилган. Хусусан, қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг “Ноқонуний тарзда бойлик орттирилиши”ни жиноят деб баҳолаган 20-моддаси ва “Юридик шахсларнинг жавобгарлиги”ни назарда тутувчи 26-моддасига қўшилмаган.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда (63-64) амалга ошириш механизмлари, 8-бобда (65-71) якуний қоидалар акс этган.

Конвенциянинг 11-моддаси бевосита суд органларига бағишланган. Унга кўра ҳар бир иштирокчи-давлат суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва коррупцияга қарши курашдаги ҳал қилувчи ролини эътиборга олиб, ўзининг ҳуқуқ тизимининг асосий принципларига мувофиқ ва суд органлари мустақиллигига зарар етказмаган ҳолда судьялар ва суд ходимларининг ҳалоллиги ва поклигини мустаҳкамлаш ҳамда улар ўртасида коррупцияни келиб чиқишига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриши қайд этилган⁴³.

БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясида коррупцияга қарши курашишнинг қуйидаги йўналишлари белгиланган: коррупциянинг олдини олиш, криминаллаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, халқаро ҳамкорлик, активларни қайтариш бўйича чоралар, техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, амалга ошириш механизмлари⁴⁴.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2008. – № 7. – Б. 8.

⁴³ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси 11-моддаси.
<https://lex.uz/docs/1461327>

⁴⁴ <https://lex.uz/docs/1461327>

Шунингдек, Ўзбекистон 2010 йил март ойида **Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига** (2003 йил 10 сентябрь) қўшилди. Унга мувофиқ мазкур ташкилот томонидан Ўзбекистондаги коррупциявий ҳолат баҳоланиб борилади ва коррупцияни йўқ қилишга қаратилган тегишли тавсиялар берилади. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул режаси ҳаракатларининг тўртинчи босқичи (раунди)да Ўзбекистонга суд тизимида коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш бўйича судьяларни тўғридан-тўғри муддатсиз даврга тайинлаш, уларни танлаш ва тайинлашнинг шаффоф мезонларини белгилаш, Судьялар олий кенгаши аъзоларини шакллантириш тартибини қайта кўриб чиқиш, судьяларнинг малака ҳайъатларини судьялар ҳамжамияти томонидан сайлаш ҳамда улар фаолиятига суд раисларининг таъсирини истисно қилиш каби тавсиялар берилган⁴⁵.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, коррупциянинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик суд ҳокимияти мустақиллигининг энг муҳим шартларидан бўлгани сабабли, мазкур иллатга қарши курашиш механизмлари ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий тизимида асосан унинг Конституцияси ва махсус қонунларида назарда тутилган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда судлар фаолиятига оид халқаро ҳуқуқ нормаларининг мамлакатимизда қўлланилиши соҳада миллий қонун ҳужжатларида белгиланган кафолатларнинг халқаро андозаларга мувофиқ бўлишини таъминлайди.

Назорат саволлари:

1. Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро ҳуқуқий асосларнинг шаклланиши ҳақида тушунтириш беринг.

2. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси мазмуни, тузилиши, коррупциянинг олдини олиш чоралари, амалга ошириш механизмлари, ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорлик масалалари.

⁴⁵ https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

3. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг суд тизимида коррупцияга қарши курашишдаги аҳамияти нималарда намоён бўлади?

4. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишга қандай таъсир кўрсатади? Мисоллар билан асосланг.

5. Халқаро стандартлар суд тизимида коррупцияга қарши курашишда мамлакатимиз зиммасига қандай мажбуриятлар юклайди? Амалий мисоллар билан тушунтириб беринг.

6. Суд тизимида коррупцияга қарши кураш борасида қандай тажриба Ўзбекистон шароитида қўлланиши мумкин?

Казус.

А давлати 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилади. Қўшилиш пайтида конвенция матни бўйича ҳеч қандай баёнот ва изоҳлар қилмайди. 2017 йилда унга Ш давлати коррупцион жиноят содир этган “Ж” компаниясининг раҳбари А давлати фуқароси В.Н.ни қамоққа олишни сўраб мурожаат қилади. А давлати рад жавобини беради. Асос қилиб Ш давлатининг юрисдикцияси А ҳудудида амал қилмаслиги кўрсатилади.

Казус юзасидан саволлар:

1. Халқаро конвенцияга қўшилиш жараёнидаги баёнот ва изоҳларнинг ҳуқуқий аҳамияти қандай?

2. А давлатининг ҳаракатлари асослими?

5-БОБ. СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

1-§. Суд тизимида коррупциянинг олдини олишга доир чора- тадбирлар турлари

Коррупцияга қарши курашиш — коррупция ҳажмини камайтириш, коррупция кўриниши хусусиятини ўзгартириш, коррупция ва унга сабаб бўладиган бошқа ижтимоий ҳодиса ҳамда жараёнларнинг ўзаро таъсирини чеклаш, коррупция ҳолатларининг келиб чиқиш умумий сабаблари ва шартларини, уни бартараф этиш ва тергов қилиш, коррупция жиноятларини содир этишда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган қонуний ҳуқуқ-манфаатларини қайта тиклаш ҳамда коррупция ҳаракатлари оқибатларини бартараф этиш бўйича ижтимоий-психологик, иқтисодий ва сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув, мафкуравий ва бошқа характердаги чора-тадбирлар тизимидир⁴⁶.

Коррупцияга қарши курашиш жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалда таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш, коррупция билан боғлиқ жиноятларни ОАВда мунтазам ёритиб бориш, масъул лавозимларга номзодларга талабларни кучайтириш, давлат хизматчиларининг моддий таъминотини ва масъулиятини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш қуйидаги комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олади:

- 1) коррупциянинг олдини олиш;
- 2) коррупцияни аниқлаш ва унга чек қўйиш;
- 3) коррупцияни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш;
- 4) коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;
- 5) жамиятда коррупцияга муросасизлик муҳитини яратиш;
- 6) идоралараро ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

⁴⁶ Исмоилов Б.И., Э.Ф.Гадоев. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изоҳли луғати. — Тошкент: “Тафаккур” нашриёти, 2019. — 186 б.

Суд тизимида коррупциянинг олдини олиш деганда судьялар ва суд ходимлари ўртасида коррупциявий ҳолатларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш фаолияти тушунилади.

Суд тизимида коррупциянинг олдини олиш мустақил, шаффоф ва холис суд ҳокимиятининг институционал, инфратузилмавий ва ташкилий кафолатларини амалда яратишга қаратилган муайян давлатдаги сиёсий иродага кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу ҳар бир давлатнинг суд тизимида коррупцияни олдини олиш бўйича зарур қонун ва қонун ости ҳужжатларини қабул қилиши лозимлигини, шунингдек судьяларнинг ҳалоллиги ва суд тизимининг барча босқичларида коррупцияга тоқат қилмаслик маданиятини, шунингдек суд ҳокимиятининг ўзига хос фаолиятини ҳурмат қилиш маданияти шаклланишини кафолатлаш ва ривожлантиришга оид зарур чораларни кўришни назарда тутди. Шу боис Европа судьяларининг Маслаҳат кенгаши ҳар бир давлат ҳукуматининг вазифаси сифатида судлар таъминоти учун етарли бюджет маблағларини ажратиш эканлигини таъкидлаб, тегишли давлатлар ҳукуматларини суд ходимлари учун етарли ойлик маоши, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларни белгилашга чақиради⁴⁷.

Демак, суд тизимида коррупцияни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар рўйхатини зарур ҳуқуқий асосларни яратиш, шу жумладан судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини қабул қилиш, юқори маънавиятли ва ҳалол судьяларни лавозимга тайинлаш (меҳнат фаолияти ва кундалик ҳаётини синчиклаб ўрганиш, психолог суҳбати ва полиграфологик текширув ташкил этиш), суд тизимида коррупцияга қарши курашувчи махсус ваколатли органлар фаолиятини ташкил этиш, судлар фаолияти ва одил судловни амалга оширишни тўлиқ рақамлаштириш, меҳнат ва ижро интизомига қатъий риоя қилишни назорат қилиш, фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш, судья ва суд ходимлари, шунингдек уларнинг оила аъзолари билан профилактик суҳбатлар ўтказиб бориш, судьяларнинг моддий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, судлар фаолиятини зарур кадрлар, муносиб иш жойи, транспорт ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашга оид чора-тадбирлар ташкил этади.

⁴⁷ Консультативный Совет Европейских судей. Заключение № 21(2018) «О предупреждении коррупции среди судей». г. Загреб, 9 ноября 2018 г. ССЈЕ (2018)3.

Коррупцияга қарши курашиш мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалда таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш орқали амалга оширилади. Бунда асосий эътибор махсус ваколатли давлат органларининг мазкур йўналишдаги фаолиятига ҳамда унинг натижаларига қаратилади. Шунга кўра суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли давлат органи – Судьялар олий кенгаши тузилмасида Коррупцияга қарши курашиш ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекциясининг ташкил этилгани суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни доимий равишда тизимли амалга ошириш, ушбу соҳадаги профессионал фаолиятни яқин, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш имконини беради.

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишга оид ўнлаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”, “Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва ҳ.к. Ҳар бир қонун ҳужжатида муайян вазиятларда коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга оид тегишли қоидалар белгиланган бўлиб, бу шу жумладан судьялар ҳамжамияти органлари томонидан ушбу нормаларни тўғри ва самарали қўллашни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, суд тизимида коррупцияга қарши курашишга оид қонун ҳужжатларини амалда қўллаш бўйича қоидалар ва тушунтиришларни акс эттирган услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва барча судьялар малака ҳайъатлари амалиётида фойдаланишларини йўлга қўйиш соҳадаги муаммоларни самарали ҳал қилиш имконини беради.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш **коррупцияни аниқлаш ва унга чек қўйиш** бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Коррупцияни аниқлаш учун муайян соҳада вужудга келиши мумкин бўлган барча коррупциявий омилларни таҳлил қилиш талаб этилади.

Коррупциявий омиллар – жамиятдаги коррупцион хатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлиши, сақланиши, ўзгариши ва

тарқалишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлардир.

Суд тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи ёки чиқариши мумкин бўлган омиллар **ички ва ташқи турларга** бўлинади. Бунда асосий мезон сифатида ушбу омилларни келтириб чиқарувчи субъектлар (шу жумладан уларнинг ваколатлари) ва суд органлари мустақиллигига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар (жараёнлар) эътиборга олиниши зарур.

Ички коррупциявий омиллар деганда судларни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича суд раислари, судьялар ва судьялар ҳамжамияти органларининг судьялар корпусини шакллантириш, судья ва суд ходимларининг хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, уларнинг фаолиятини адолатли ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш, уларни рағбатлантириш ва жавобгарликка тортиш каби масалалардаги суиистеъмолликлари, ноҳолис ёндашувлари, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, порахўрлик каби ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларнинг вужудга келишига замин яратувчи ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа характердаги ҳолатлар тушунилади.

Ташқи коррупциявий омилларга эса давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан одил судловни амалга оширишга аралашиш, унга тўсқинлик қилиш, суд ҳокимияти мустақиллигига тажовуз қилишга қаратилган қонунга хилоф ҳаракатларни амалга оширишга имконият туғдирувчи ҳолатларни киритиш мумкин.

Европа судьялари Маслаҳат кенгашининг хулосасига мувофиқ суд тизимидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

- узоқ вақт давомида урта ҳокимият тармоғи ўртасида мувозанат бузилса, бир бирини тийиб туриш тизими кучсиз бўлса ёки инкор этилса суд тизимининг мустақиллиги, беғаразлиги ва ҳалоллигига жиддий таҳдид юзага келади;

- суд тизими ҳақида маълумотга эга бўлишни чекловчи шаффофликнинг мавжуд эмаслиги коррупциявий ҳаракатларга сабаб бўлади ва шу боис коррупциянинг муҳим сабабларидан ҳисобланади;

- ёмон меҳнат шароитлари, шу жумладан, кам ойлик маоши, етарли бўлмаган ижтимоий кафолатлар, ёмон инфратузилма ва ускуналар, ходимларнинг етишмаслиги ва бошқа сабаблар

судьянинг унга ноқонуний таклиф этилган хизматни тезроқ қабул қилишга ундаши мумкин⁴⁸.

Демак, суд тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар деганда одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хавф солувчи, судларнинг мустақиллигини чекловчи хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик), ҳолатлар, жараёнлар тушунилади.

Мазкур омилларга қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар, мавжуд нормаларнинг коррупциоген характерга эгаллиги, муайян масалаларнинг умуман ёки тўлиқ тартибга солинмаганлиги, мавжуд нормаларнинг реализацияси бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланмаганлиги ёки шарт-шароитлар яратилмаганлиги, муайян коррупциявий ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун жавобгарликнинг белгиланмаганлиги, судьялар ва судьялар ҳамжамияти органларининг мустақиллиги тўлиқ таъминланмаганлиги, ҳалол суд кадрларини танлаш бўйича самарали механизмларнинг мавжуд эмаслиги, судлар фаолиятининг шаффоф эмаслиги, ички ва жамоат назоратининг самарасизлиги кабилар киради.

Коррупцияга чек қўйиш – мавжуд коррупциявий омиллар ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни тугатиш, уларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, такрор содир этилишига йўл қўймаслик ҳамда салбий оқибатлари билан курашишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар мажмуидир. Коррупцияга чек қўйиш унга нисбатан самарали қарши курашишнинг ижобий натижаси ҳисобланади.

Суд тизимида коррупцияга чек қўйиш бўйича чора-тадбирларни **ҳуқуқий ва ташкилий турларга** ажратиш мумкин.

Ҳуқуқий чора-тадбирларга коррупциоген нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш, жиноят ҳақида хабар берган судьяни ҳимоя қилиш ҳамда коррупциявий ҳолатлар ҳақида судья ва суд ходимларининг мажбурий тартибда хабар беришини қонунчиликда белгилаш кабиларни киритиш мумкин.

Ташкилий чора-тадбирларга эса суд тизимида тизимли ички назорат (комплаенс-назорат)ни жорий қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинишига эришиш, коррупциоген нормаларни судлар томонидан қўллаш бўйича доимий равишда таҳлиллар ўтказиш, судьялар фаолиятини баҳолаш (бунда уларнинг рейтинг

⁴⁸ Консультативный Совет Европейских судей. Заключение № 21(2018) «О предупреждении коррупции среди судей». г. Загреб, 9 ноября 2018 г. ССЈЕ (2018)3.

кўрсаткичлари билан бир қаторда ҳамкасблари ва жамоатчилик фикрини ҳам ўрганиш), судьяларга нисбатан хусусий ажрим чиқариш (судья томонидан қонун нормаларининг асоссиз қўлланилган ёки қўлланилмаганлигини муҳокама қилиб бориш), судьялар томонидан юқори инстанция судининг қарорига нисбатан тақдимнома киритиш, суд ишларини тизимли умумлаштириб бориш ва натижаси бўйича суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўриш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш жараёнига кенг жамоатчиликни жалб қилиш, ижтимоий ва махсус сўровлар ўтказиш кабилар киради.

Одил судловни амалга оширишга аралаштириш ва унга тўсқинлик қилиш, судьяларга нисбатан ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш каби ҳаракатларга нисбатан **қонунда қатъий жазо чораларини белгилаш** суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг самарали усулларида ҳисобланади. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 25-моддасида иштирокчи-давлатлар одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилишни назарда тутувчи ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни белгилаш бўйича чоралар кўриши қайд этилган⁴⁹. Шу нуқтаи назардан, судлар ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятига аралашганлик, судга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик, судья ва халқ маслаҳатчисининг дахлсизлигини бузганлик, ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқилишига тўсқинлик қилганлик ёки турли шаклда таъсир ўтказганлик учун тегишли юридик жавобгарликни белгиловчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш давр талаби ҳисобланади. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасида давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлиши белгиланган.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи суд тизимида коррупцияга қарши курашишда муҳим ҳуқуқий асослардан ҳисобланади. Процессуал қонун ҳужжатларида судлар томонидан содир этилган жиноий қилмишлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун суд ҳужжатининг бекор қилинишини назарда тутувчи нормалар белгиланган. Хусусан,

⁴⁹ БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 25-моддаси. <https://lex.uz/docs/1461327>

Иқтисодий процессуал кодекснинг 327-моддасига кўра ишда иштирок этувчи шахснинг ёки унинг вакилининг ёхуд судьянинг мазкур ишни кўриш чоғида содир этилган, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими билан аниқланган жиноий қилмишлари қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади⁵⁰. Қайд этиш лозимки, суд қарорини бекор қилишга қаратилган асосларнинг барчаси коррупциявий характерга эга бўлиб, судья томонидан қасддан бирор-бир ғаразли мақсадни кўзлаган ҳолда содир этилиши мумкин. Мисол учун, ИПК 302-моддаси иккинчи қисмида қўлланилиши лозим бўлган қонун ҳужжатининг қўлланилмаганлиги, қўлланилиши мумкин бўлмаган қонун ҳужжатининг қўлланилганлиги, қонун ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши сифатида баҳоланиши белгиланган. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Жиноят кодексининг 231-моддасида олдиндан била туриб адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, мазкур жиноят учун жазо сифатида озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Бинобарин, Европа судьялари Маслаҳат кенгашининг “Судьялар ўртасида коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги 21(2018)-сонли тавсияларининг 8-бандида судьяларнинг порахўрлиги учун бошқа давлат раҳбарларига нисбатан кучайтирилган жиноий жазоларни белгилаш таклиф этилган⁵¹.

Шу ўринда қайд этиш керакки, судьяларни жиноий жавобгарликка тортиш ёки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ваколати судьялар ҳамжамияти органларининг тегишли қарорига мувофиқ амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, мазкур ваколатларнинг судларга берилиши судьяларга бўлган босимни оширишга ёки ички аралашувларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, судьяларга нисбатан қабул қилинадиган ҳар қандай мажбурлов чоралари ҳолис ва мустақил судьялар ҳамжамияти органи томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Қозоғистон Республикасининг

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 327-моддаси. <https://lex.uz/docs/3523891>

⁵¹ Консультативный Совет Европейских судей. Заключение № 21(2018) «О предупреждении коррупции среди судей». г. Загреб, 9 ноября 2018 г. ССЈЕ (2018)3.

“Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра Кенгаш судьяни ушлаб туриш, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш, уй қамоғи, судьяни мажбурий келтириш ҳамда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш учун Қозоғистон Республикаси Президентига хулоса киритади⁵².

Коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали усулларида яна бири – **аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш**дир. Бунда ёш авлоднинг таълим ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, улар онгига ҳалоллик ва поклик хислатларини сингдириш, коррупция иллатларининг салбий оқибатлари ҳақида аниқ тушунтиришлар бериш, бир сўз билан айтганда, уларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқий билимларга эга бўлишини таъминлаш ўта муҳим вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида: “Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга муросасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт⁵³”, - деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг алоҳида 3-боби “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” деб номланиб, унда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг, шунингдек ўз мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услугий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўриши лозимлиги (16-17-моддалар), таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат

⁵² https://online.zakon.kz/document/?doc_id=34433079#pos=77;-28

⁵³ <https://president.uz/uz/lists/view/2180>

сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чоратadbирларни ишлаб чиқиши (18-модда) белгиланган⁵⁴.

2-§. Халқаро ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда **судьяларнинг молиявий ҳисобдорлиги** муҳим роль ўйнайди. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 8-моддасида ҳар бир иштирокчи-давлат оммавий мансабдор шахсларнинг тегишли органларга хизматдан ташқари фаолияти, машғулотлари, инвестициялари, активлари ва вазифалари билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа даромадлари ва ҳадялар ҳақида декларация тақдим этишлари шартлигини белгиловчи тартибни жорий қилиши белгиланган⁵⁵. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар одоби кодексининг 13-моддасида судья ўзи, турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандлари олаётган даромадлари ҳамда уларнинг манбалари тўғрисидаги, мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқ асосида эгалигида бўлган мол-мулки, шунингдек мулкий хусусиятга эга мажбуриятлари ҳақидаги ахборотдан хабардор бўлиши ҳамда бу ҳақдаги ахборотни Олий судга тақдим этиши шартлиги белгиланган⁵⁶. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2017 йил 7 августдаги 241-сонли қарори билан судьянинг эгалигида бўлган мол-мулклари ва мулкий мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби тасдиқланган бўлиб, унга биноан судья ҳар йили ўзи фаолият кўрсатаётган суд орқали Олий судга мол-мулки ва даромадлари ҳақидаги маълумотни тақдим этиши, Судьяларнинг олий малака ҳайъати эса маълумотларни умумлаштириб, таҳлил қилиши ва маълумотни Судьялар олий кенгашига икки кунлик муддатда тақдим этиши белгиланган. Маълумотни белгиланган

⁵⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 16-18-моддалари. <https://lex.uz/docs/3088008>

⁵⁵ БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 8-моддаси. <https://lex.uz/docs/1461327>

⁵⁶ Судьялар одоби кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. – Т.: “Адолат”, 2022. – 96 б.

муддатларда тақдим этмаслик ёхуд била туриб ёлғон маълумотларни тақдим этиш судьянинг белгиланган тартибда интизомий жазога тортилишига олиб келади.

Бу борада Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармонида мувофиқ 2022 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкини мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилиб, декларацияни тақдим этишдан бош тортганлик ва қасддан нотўғри маълумотларни киритганлик учун ходимни давлат хизматида четлаштириш ва қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш белгиланди⁵⁷.

Бундан ташқари, Коррупцияга қарши конвенциянинг 20-моддасига мувофиқ ҳар бир иштирокчи давлат оммавий мансабдор шахсининг **қасдан ноқонуний бойлик орттириши**, яъни унинг қонуний даромадларидан ортиқча бўлган, уларнинг манбаини асослаб бериш имконияти мавжуд бўлмаган тарзда активларининг ортиши жиноят деб эътироф этилиши ва жиноий жазога сазовор бўлиши бўйича чораларни кўриши белгиланган⁵⁸. Ушбу чоралар мансабдор шахслар ўртасида коррупцияга чек қўйиш, унинг олдини олиш, коррупцияга қўл урган шахсни жиноят устида ушлаш имкони бўлмаган ҳолларда уни аниқлаш ва жазолаш учун энг мақбул воситалардан бири ҳисобланади.

Қўлга киритилган активларнинг келиб чиқиш манбаини исботлаб бера олмаган давлат амалдорларини жазолашни назарда тутувчи биринчи қонун лойиҳаси 1936 йилда Аргентинада ишлаб чиқилган бўлиб, фақат 1964 йилда мазкур ҳолат учун жиноий жавобгарлик белгиланганидан сўнг қонунга айланган. Айбдор шахсга олти йил озодликдан маҳрум қилиш, ноқонуний деб топилган мол-мулк миқдорида жарима ва давлат хизматида ишлашга умрбод тақиқ жазолари жорий қилинган. Шу йилда Ҳиндистонда ҳам давлат амалдори келиб чиқиш манбаини исботлаб беролмайдиган мол-мулкка эга бўлгани учун жавобгарлик жорий этилган.

⁵⁷ Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5495529>

⁵⁸ БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 20-моддаси. <https://lex.uz/docs/1461327>

Ноқонуний бойлик орттириш жиноий қилмиш сифатида биринчи марта 1996 йилда Америкалараро коррупцияга қарши конвенцияда, кейинчалик 2003 йилда Коррупциянинг олдини олиш ва у билан курашиш тўғрисидаги Африка Иттифоқи конвенциясида ва 2005 йилда қонуний кучга кирган БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида белгилаб қўйилди. Натижада 80-йиллар ўрталарида Колумбия, Эквадор, Миср, Бруней, Покистон, Сенегал ва Доминикан республикаларида ноқонуний бойлик орттириш жиноят сифатида эътироф этилган бўлса, 1990 йилга келиб 10 га яқин, 2000 йилга келиб 20 дан ортиқ ва 2010 йилга келиб 40 дан ортиқ давлатларнинг қонунчилигида жиноят сифатида белгиланди⁵⁹.

Турли мамалакатларда ноқонуний бойлик орттирганлик учун белгиланган жавобгарликни ўрта даражасини қайд этиш мумкин:

1. Ноқонуний бойлик орттиришни мустақил жиноят деб тан олиш. Бунда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун мол-мулкни сотиб олиш учун қонуний даромад манбаининг мавжуд эмаслигини исботлаш кифоя қилади. Бундай норма Жанубий Америка, Африка ва Осиё давлатларида, шунингдек айрим Европа давлатларида (Литва) амал қилади.

2. Ноқонуний бойлик орттирганлик фақат бошқа жиноят билан биргаликда кўриб чиқилади. Бунда гумон қилинувчи келиб чиқишини тушунтириб бера олмайдиган мол-мулк жиноят натижасида қўлга киритилган маблағлар ҳисобдан олинганлигини исботлаши шарт эмас. Бундай мол-мулк ноқонуний олинган деб топилиб, мусодара қилиниши мумкин, мол-мулк эгаси эса ноқонуний бойлик орттиргани учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

3. Коррупцияда гумон қилинаётган шахснинг қонуний даромадига мос келмайдиган мол-мулкнинг мавжудлиги жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи билвосита далил сифатида ёхуд коррупцион ёки бошқа жиноят бўйича иш қўзғатиш учун асос сифатида фойдаланилади.

Демак, мансабдор шахслар, шу жумладан, судьялар, уларнинг турмуш ўртоқлари ва вояга етмаган фарзандларининг мол-мулклари ва даромадлари тўғрисида ҳар йили солиқ органларига декларация тақдим этишлари, агар декларацияда ҳақиқатга зид бўлган маълумотлар тақдим этилган, шу жумладан ноқонуний бойлик

⁵⁹ Незаконное обогащение — Википедия (wikipedia.org)

орттириш ҳолатлари аниқланганда уларни тегишли юридик жавобгарликка тортиш самарали чоралардан ҳисобланади.

Суд тизимида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида **судьяларнинг ишда иштирок этувчи шахслардан, бошқа учинчи шахслардан совғалар олишига** оид қоидаларни ҳам белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, судьянинг ҳар қандай кўринишдаги ва миқдордаги совға олиши унинг обрўсига путур етказишига, одил судловни эса шубҳа остида қолишига сабаб бўлиши мумкин. Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, АҚШда бу миқдор 20 долларни, Францияда 35 еврини, Буюк Британияда 140 фунтни, Россия Федерациясида 3000 рублни ташкил этади, Канадада эса мансабдор шахсларнинг пул кўринишидаги совғалар қабул қилиши қатъиян тақиқланган, Сингапурда эса мансабдор шахсларнинг гонорар, қимматли қоғозлар каби тўловларни олиши тақиқланган⁶⁰. Шунга кўра, судьянинг ҳар қандай миқдордаги ва кўринишдаги совға олиши унинг келгусидаги фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкинлигидан келиб чиқиб, тақиқланиши амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ҳисобланади.

Судлар фаолиятининг **очиқлиги ва шаффофлигини** таъминлаш суд тизимида коррупцияга қарши самарали курашиш ҳамда уни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилишда муҳим роль ўйнайди. Суд тизими тўғрисида маълумотга эга бўлишни чекловчи шаффофликнинг мавжуд эмаслиги коррупциявий ҳаракатларга сабаб бўлади ва кўп ҳолларда коррупциянинг асосий сабаби ҳисобланади. Юқори даражадаги шаффофлик ва ҳалоллик таъминланган суд тизимларида коррупцияга қарши энг самарали кафолатлар мавжуд бўлишига оид яққол далиллар мавжуд⁶¹. Шу сабабдан одил судловни амалга ошириш, судьялар корпусини шакллантириш, судлар фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш, судларни молиялаштириш, судьялар фаолиятини баҳолаш, уларни бошқа судьялик ёки раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш, уларни юридик жавобгарликка тортиш, рағбатлантириш ва бошқа масалаларни ҳал қилиш фаолиятига ахборот-коммуникация

⁶⁰ Исмоилов Б., Йўлдошев Ф. Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон мавқеини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари. <https://uza.uz/uz/posts/khal-aro-reyting-va-indekslarda-zbekiston-mav-eini-yuksaltir-25-08-2020>

⁶¹ Консультативный Совет Европейских судей. Заключение № 21(2018) «О предупреждении коррупции среди судей». г. Загреб, 9 ноября 2018 г. ССЈЕ (2018)3.

технологияларини кенг жорий этиш орқали шаффофликка эришиш, ушбу жараёнларнинг холислиги ва очиқлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институти вакиллари кенг жалб қилиш, жамоатчилик назорати институти имкониятларидан фойдаланиш талаб этилади.

Қайд этиш керакки, суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг натижадорлиги кўп жиҳатдан **судьялар ва суд ходимларининг маънавий қиёфаси**, яъни тарбияси, ҳалоллиги, виждонлилигига ҳам бевосита боғлиқ. Шу боис, судьяликка номзодларнинг ушбу талабларга жавоб беришини аниқловчи аниқ механизмлар қонунчиликда назарда тутилади. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларни, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларни танлашда Кенгаш томонидан белгиланадиган тартибда турли ўрганиш усуллари — суҳбат ўтказишдан, мустақил экспертлар томонидан тест синовидан ўтказишдан, берилган муаммолар бўйича мавзуга оид рефератлар тайёрлашдан, билим даражасини аниқлаш учун электрон сўров дастуридан фойдаланилиши мумкин.

Хорижий давлатлар тажрибасига кўра, Германияда номзодлар психологик ва психоэмоционал тайёргарликдан ўтиши, Португалия, Бельгия, Австрия, Нидерландия, Венгрия, Руминия, Сингапурда психологик имтиҳондан ўтишлари талаб этилади. Имтиҳон натижалари аксарият давлатларда мажбурий характерга эга бўлиб, ундан муваффақиятли ўта олмаган номзод судья бўлиши мумкин эмас. Молдова ва Қозғистонда эса психологик тестдан ташқари номзодлар полиграфологик текширувдан ҳам ўтказилиши мумкин бўлиб, унинг натижалари тавсиявий характерга эга бўлади. Қирғизистонда эса судьяликка номзод қонунда белгиланган ҳужжатлар билан бирга қўшимча равишда полиграфологик текширув натижаларини ҳам тақдим этиши мумкин бўлиб, у Судьялар кенгаши томонидан баҳоланади. Психологик текшириш номзоднинг коррупцияга мойиллиги, тушкунликка чидамлилиги, зиддиятсизлиги, одамлар билан ишлай олиш қобилияти, бирор-бир тобелик ёки яширин руҳий ҳолатининг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотга эга бўлиш имконини беради. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6127-сон Фармонида 2021 йил 1 февралдан судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг

психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастурни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш белгиланган⁶².

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига кўра судьяларнинг судьялик фаолияти даврида бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлиши, ҳалоллиги, холислиги, адолатлилиги ва лаёқатлилиги судьяларни янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига танлашнинг асосий мезонларидир. Кенгаш янги ваколат муддатига тайинланадиган судьялик лавозимига номзодни кўриб чиқишда ушбу номзод томонидан қабул қилинган суд қарорларининг барқарорлигини, одил судловни амалга ошириш ва қонун ҳужжатлари нормаларини қўллаш борасида етарли тажрибага эга эканлигини, шунингдек жамоатчиликнинг унинг касбий фаолияти ҳақидаги фикрини инобатга олади⁶³. Украина, Беларусь, Грузия, Молдова, Қозоғистон каби давлатларнинг қонунчилигида биринчи марта тайинланадиган судьяларни танлаш мезонлари сифатида ёш цензи, маълумоти, иш стажи, махсус ўқув курсларини битирганлиги, соҳага оид билим ва кўникмаларга эгаллиги белгиланган бўлиб, Украина ва Грузия қонунчилигида уларнинг мазмуни атрофлича ифодаланган. БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг фикрича, судьяларни танлаш тартибини соддалаштирган ҳолда муносиб номзодларни доимий равишда танлов ўтказиш натижалари асосида танлаш ва танлов натижаларида олинган рейтинг кўрсаткичлари бўйича лавозимларга тайинлаш тартибини жорий қилиш лозим. Танлов имтиҳонлари қисман ёзма шаклда ва аноним тарзда ўтказилиши танлаш босқичида муҳим элементлардан ҳисобланади. Танловдан муваффақиятли ўтган номзодларгагина мажбурий тайёргарликдан ўтиш ва судда стажировка қилиш ҳуқуқи берилиши мумкин⁶⁴.

Демак, суд тизимида коррупцияга қарши курашиш масаласи доимий такомилга муҳтож бўлиб, уни халқаро андозалар ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида янада такомиллаштириб бориш соҳада

⁶² Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5146554>

⁶³ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддаси. <https://lex.uz/docs/3153668>

⁶⁴ <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>

коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга самарали хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. Суд тизимида коррупцияга қарши курашишга оид қандай комплекс чора-тадбирлар мавжуд? Уларнинг ҳар бирининг мазмунини ёритиб беринг.

2. Суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг бошқа соҳалардан ўзига хос жиҳатларини тушунтириб беринг.

3. Суд тизимида коррупцияга қарши курашувчи ваколатли органлар ва уларнинг ваколатлари?

4. Суд тизимида коррупцияга қарши курашишга оид қандай замонавий механизмларни биласиз? Уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича қандай таклифларингиз бор?

5. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида судьяларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари учун қандай жавобгарликлар белгиланган?

6. Судьялар томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишга қаратилган қандай самарали чоралар қўлланилиши керак деб ўйлайсиз?

7. Ноқонуний бойлик орттирганлик учун судьяларни жавобгарликка тортишга муносабатингиз қандай?

Казус.

Судья Н.П.га нисбатан интизомий иш қўзғатилиб, уни кўриб чиқиш натижасида судьяга жарима интизомий жазоси қўлланилган. Судья мазкур қарордан норози бўлиб, ўзи ишлайдиган туман фуқаролик ишлари бўйича судга шикоят билан мурожаат қилган. Шикоятда унга нисбатан интизомий иш Судьялар олий кенгаши томонидан қўзғатилганлигини, бироқ “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 75-моддасига кўра судьялар малака ҳайъати томонидан қўзғатилиши мумкинлигини, шунингдек малака ҳайъати унга жазо тайинлаётганда унинг аввал интизомий жазога тортилмаганлигини эътиборга олмасдан, бирдан жарима жазоси тайинлаганлигини баён этган.

Казус юзасидан саволлар:

1. Судьянинг судьялар малака ҳайъатининг қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқи мавжудми? У судга тўғри мурожаат қилганми?

2. Судьяга нисбатан интизомий иш Судьялар олий кенгаши томонидан қўзғатилиши тўғрими?

3. Судьяга нисбатан интизомий жазо тайинланаётганда унинг аввал интизомий жавобгарликка тортилмаганлиги асос сифатида қабул қилинадими?

4. Мазкур ҳолатда суд қандай қарор қабул қилиши мумкин?

Казус.

Судья “Ж”нинг оила аъзоларидан бири ноқонуний даромадларни легаллаштиргани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Судья оила аъзосининг мулк ва мулкый характердаги мажбуриятлари ҳақидаги маълумотга эга бўлмаган ва бу тўғрисида суд раисига маълумот бермаган. Шунга асосан судья интизомий жавобгарликка тортилган.

Казус юзасидан саволлар:

1. Судья оила аъзоларининг мулк ҳуқуқи асосида уларга тегишли бўлган мол-мулк ва мулкый мажбуриятлари ҳақида маълумотга эга бўлиши шартми?

2. Судья интизомий жавобгарликка тортилиши асослими?

6-БОБ. СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ

1-§. Судьялар ҳамжамияти органлари тушунчаси ва уларнинг ҳуқуқий мақоми

Судлар фаолиятининг судьялар ҳамжамияти томонидан ташкил этилиши, бошқарилиши ва назорат қилиниши суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлашнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланади. Зеро, судларнинг фаолиятини ўзини-ўзи бошқариш принципи асосида ташкил этиш суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият тармоқларидан холи ва ташқи аралашувисиз фаолиятини юритиш имконини беради. Шунга кўра, судьялар ҳамжамияти фақат судьялардан ва улар томонидан тузиладиган махсус органлардан ташкил топиши, судлар фаолиятини бошқаришда муайян ваколатларга эга бўлиши ва албатта уларнинг ўзи ҳам мустақил ҳолда фаолият юритиши талаб этилади.

Европа Иттифоқи Вазирлар қўмитасининг СМ Рес (2010)12-сонли тавсиялари ҳамда Европа судьялари Маслаҳат кенгашининг 10-сонли хулосасига кўра судьялар ҳамжамияти органларини тузишдан асосий мақсад бу – судлар ва алоҳида судьялар мустақиллигини таъминлаш ва бу орқали суд тизимининг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантиришдир⁶⁵.

Судьялар ҳамжамияти одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган судларга оид барча ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Бу эса суд органлари фақат ўзининг асосий функцияси бўлмиш – одил судловни амалга ошириш билан шуғулланиши лозимлигини, қолган барча масалалар уларнинг вазифаси таркибидан ташқарида бўлиши зарурлигини англатади. Шунинг учун ҳам қонунчиликда судьялар мустақиллиги кафолатлари асосан уларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ ваколатига тааллуқли бўлиб, суд органларининг мустақиллиги алоҳида нормалар билан тартибга солинади.

Судьяларнинг ўзини ўзи бошқаруви судьялар мустақиллигини таъминлаш кафолатларидан бири ҳисобланади. Судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти судлар ва судьяларнинг нормал фаолият юритиши, суд мустақиллигини таъминлаш, фаолиятига аралашшдан судьяларни ҳимоя қилиш ҳамда суд

⁶⁵ Органы судебсого самоуправления. Карьера судей. Доклад рабочей группы “Независимые судебные системы”. Страсбург, сентябрь 2011г.

тизимида кадрлар билан ишлаш учун тегишли ҳуқуқий ва ташкилий шароитларни яратишга кўмаклашишдан иборат. Судлар фаолиятининг ички масалаларига судларни ва судьялар фаолиятини ташкилий таъминлаш, судьялар ва улар оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек бевосита одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа масалалар киради.

Демак, судьялар ва судьялар тузилмаларидан ташкил топадиган судьялар ҳамжамияти суд ҳокимиятининг бошқа давлат ҳокимияти органларидан мустақиллигини таъминлаш, судлар ва судьялар фаолиятини ташкилий, ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий жиҳатдан ташкил этиш ва бошқаришда иштирок этиш, судьялар ҳамжамияти номидан халқаро ва миллий ташкилотлар билан муносабатга киришиш, судлар ва судьяларнинг мустақиллиги принципига риоя қилинишини таъминловчи зарур чораларни кўриш вазифаларини бажаради. Бинобарин, барча суд ҳамжамияти органларининг мақсади судларнинг алоҳида ҳокимият бўғини сифатида мустақил фаолият кўрсатишини таъминлашга, уларни ҳар қандай ички ва ташқи таъйиқлардан ҳимоялашга, жамиятда уларнинг нуфузини оширишга кўмаклашувчи тизимга айлантиришдан иборатдир. Шунга кўра:

Судьялар ҳамжамияти деганда суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминловчи, судлар фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишда бевосита иштирок этувчи, судьяларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, одил судловни қонуний ва адолатли амалга оширилишига кўмаклашувчи, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва фуқароларнинг судларга бўлган ишончини кучайтиришга хизмат қилувчи республика барча судларининг судьялари ва судьялар ҳамжамияти органлари мажмуи тушунилади.

Судьялар ҳамжамияти органлари деганда эса суд ҳокимияти манфаатларини ифодаловчи, унинг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга, судьяларнинг фаолиятига оид ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа масалаларни ҳал қилишга кўмаклашиш мақсадида белгиланган тартибда ташкил этиладиган, қонун ҳужжатлари билан муайян ваколатларга эга бўлган юридик шахслар, уларнинг органлари ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида тузилмалар тушунилади.

Мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлайдиган, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилиб, унинг фаолияти махсус “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинган. Конституциянинг 135-моддасида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг мустақил органи бўлиб, у судьялар корпусининг шакллантирилишини, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлаши белгиланган⁶⁶. Судьялар олий кенгашига конституциявий мақом берилганлиги унга юклатилган вазифаларни мустақил ва самарали амалга оширишнинг муҳим конституциявий кафолати ҳисобланади.

2-§. Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида коррупциявий омилларни олдини олиш чоралари

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш кўп жиҳатдан айнан судьялар ҳамжамияти органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти билан бевосита узвий боғлиқдир, зеро ушбу органларнинг мустақиллигини таъминламай туриб, бутун суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш имконсиздир. Шу боис, улар фаолиятида коррупциявий омилларни бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик чораларини кўриш муҳим вазифалардан саналади. ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг хулосасига кўра, судьялар кенгашлари ёки шунга ўхшаш органлар суд тизими мустақиллигини таъминлашга кўмаклашишда асосий роль ўйнайди, ўз ўрнида уларнинг ўзи ҳам мустақил ва холис бўлиши, яъни ижро ва қонунчилик ҳокимияти аралашувидан холи бўлиши зарур. Ҳақиқатан, судьялар мустақиллиги кафили бўлган органлар фаолиятига аралашиб бутун суд тизими мустақиллигига салбий таъсир кўрсатиши ва уни таҳдид остида қолдириши мумкин⁶⁷.

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддаси. <https://lex.uz/docs/20596>

⁶⁷ Окончательное заключение БДИПЧ ОБСЕ о проекте изменений в Закон о Национальном судебном совете и некоторые другие законы Польши (5 мая 2017 г.), п. 37.

Бу борада судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян томонидан билдирилган тавсияларда⁶⁸, шунингдек Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси мониторинги 4-раунд натижалари юзасидан Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг тавсияларида⁶⁹ Судьялар олий кенгашлари ҳамда судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолияти судьялар мустақиллигини кафолатловчи муҳим институтлар сифатида баҳоланиб, бундай тузилмалар таркибида қонунчилик ва ижро ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллариининг бўлиши суд ҳокимияти мустақиллиги принципига зид ҳисобланиши, кенгашлар аъзоллигига номзодларга талабларни белгилаш орқали унинг таркибига тегишли билим ва малакага эга бўлган аъзоларни қабул қилиш ҳамда ҳар қандай ташкилотдан вакилларни қабул қилиш имконини истисно этиш улар фаолиятининг самарадорлигини янада оширишини таъкидлашган.

Киев конференцияси тавсияларига кўра судлар тизимида кирмайдиган прокурорлар кенгаш таркибига кириши мумкин эмас, қолган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллариининг Кенгаш аъзоси бўлиши мумкинлиги тақиқланиши лозим⁷⁰. Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, Литвада кенгашнинг барча аъзолари судьялар ҳамжамияти вакиллариининг иборат бўлиб, унинг таркибига прокуратура вакиллариининг киришига йўл қўйилмайди⁷¹, Болгарияда эса кенгаш прокуратура органларини ташкил этиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиши ҳисобига унинг 25 тадан 4 та аъзоси прокуратура тизимидан сайланади, бош прокурор ҳам лавозими бўйича кенгаш аъзоси ҳисобланади⁷².

Шунингдек, судьялар кенгашларининг судьялар орасидан аъзоларини танлаш ва тайинлаш масаласида ҳам коррупциявий

⁶⁸ <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>

⁶⁹ https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

⁷⁰ Рекомендации Киевской конференции БДИПЧ ОБСЕ по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной Европы, Южного Кавказа и Центральной Азии (2010 г.) были разработаны группой независимых экспертов под руководством БДИПЧ и Исследовательской группой «Минерва» по вопросам независимости судей Института Макса Планка, раздел 7.

⁷¹ Закон Литвы “О судах”. Ст. 119-2.2. https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/tt_lithuania.pdf

⁷² https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/bcc_vss_bulgaria.pdf

омилларни истисно этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бинобарин, судьялар кенгашлари аъзоларини танлаш мезонлари ва тайинлашнинг аниқ тартибининг қонунда белгиланиши аъзолар фаолиятига ташқи аралашувларни бартараф этишга хизмат қилади. Бу борада Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарорига кўра суднинг мустақиллигини баҳолашда судьялар кенгашига судьяларни тайинлаш тартиби, хусусан тайинлашни амалга оширувчи органларнинг характери суднинг ўзини ўзи бошқарувида долзарбдир. Бунинг учун сиёсий органларнинг таъсирини камайтириш мақсадида суд корпусининг ўзи мустақил равишда ўзининг вакиллари Кенгашга сайлаши муҳимдир⁷³. Венеция комиссиясининг таъкидлашича, муайян судьялар кенгаши таркиби бир-биридан фарқ қилиши мумкин, бироқ умумий талабга кўра унинг камида ярми ўзларининг ҳамкасблари сайлаган судьялардан ташкил топиши лозим⁷⁴. Хорижий давлатлар қонунчилигига кўра судьялар орасидан Кенгаш аъзолигига номзодлар Украинада Судьялар съезди⁷⁵, Қозоғистонда Олий суднинг кенгайтирилган ялпи мажлиси⁷⁶, Литвада судьяларнинг умумий мажлиси⁷⁷, Грузияда судьяларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан сайланади⁷⁸.

Бундан ташқари, халқаро стандартларда судьялар кенгашлари раисини танлаш мезонлари ва лавозимга тайинлаш ёки сайлаш қоидалари ҳам қонунда махсус белгиланиши назарда тутилган. Бунда судьялар кенгашлари раисларини танлаш ва тайинлаш жараёнида судьялар ҳамжамиятининг фаол иштирок этиши муҳим

⁷³ ЕСПЧ, Александр Волков против Украины, (Заявление 21722 / 11), решение от 9 января 2013 г., п. 112. https://www.google.com/url?sa=t&rct=j&q=&esrc=s&source=web&cd=1&ved=2ahUKEwio7Pc58bdAhXMKQKHwQCFwQFjAAegQIABAC&url=https%3A%2F%2Fwww.legislationline.org%2Fdocuments%2Fid%2F17748&usg=AOvVaw0N6_tYvw2G_soEGSb81mQy

⁷⁴ Заключение Венецианской комиссии по проектам Закона о внесении изменений в Закон о Национальном судебном совете, в Закон о Верховном суде, предложенным Президентом Польши, и в Закон об обустройстве обычных судов. П.17. http://krs.pl/admin/files/www/venice_com._opinion%20cdlad9042017031_of_11.12.2017_on_draft_acts_krs_sn_usp.pdf

⁷⁵ Закон Украины О судоустройстве и статусе судей. Ст.129. https://www.legislationline.org/download/id/8755/file/Ukraine_law_organisation_courts_status_judges_2016_am2017_ru.pdf

⁷⁶ Закон «О Высшем Судебном Совете Республики Казахстан». Ст.4. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=34433079&doc_id2=34433079#pos=3;-98&pos2=105;-76

⁷⁷ Закон Литовской Республики «О судах». Ст.117. https://www.legislationline.org/download/id/8793/file/Lithuania_law_courts_1994_am2020_ru.pdf

⁷⁸ Закон Грузии «Об общих судах». Ст.47. <https://matsne.gov.ge/en/document/download/90676/29/ru/pdf>

саналади, бинобарин ушбу тартиб раисларнинг чинакам мустақиллигини таъминлайди. Судьялар кенгашлари раисини унинг аъзолари томонидан сайлаш тартиби Бельгия, Нидерландия, Польша, Руминия ва Испанияда жорий қилинган⁷⁹. Киев конференцияси тавсияларининг 7-бандида президент ва адлия вазирлиги вакиллари кенгашга раислик қилишлари мумкин эмаслиги, кенгаш раиси унинг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланиши лозимлиги белгиланган⁸⁰. БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Д.Гарсия-Саяннинг фикрича, кенгаш раиси бирор-бир сиёсий органга қарашли бўлмаган холис шахс бўлиши ҳамда Кенгаш томонидан унинг судья-аъзолари орасидан сайланиши лозим. Олий суд раиси ўзининг функцияларини амалга ошириш даврида Кенгаш раиси лавозимига тайинланиши мумкин эмас⁸¹.

Судьялар кенгашлари аъзоларининг мустақиллигини ва улар фаолиятига ташқи таъсирларни олдини олишни таъминлаш ҳам соҳада коррупциянинг олдини олувчи механизмлардан биридир. Хусусан, Кенгаш аъзосининг касалликка чалингани ва шаъни, кадр-қимматига путур етказадиган ҳаракат содир этгани учун ваколатларини муддатидан илгари тугатиш аксарият давлатлар қонунчилигида назарда тутилган. Хусусан, Литвада судьянинг, шу жумладан Кенгаш аъзосининг узлуксиз 120 кун давомида ёки бир календарь йилида 140 кун давомида иш жойида бўлмаслиги, шунингдек даволаб бўлмайдиган ёки узоқ даволанадиган касалликка чалиниши уни касаллиги туфайли лавозимидан муддатидан илгари озод қилиш учун асос ҳисобланади⁸².

Бундан ташқари, судьялар кенгашлари аъзоларини лавозимидан муддатдан илгари озод қилиш тартиби ҳам демократик тарзда амалга оширилиши мазкур жараёнда коррупциявий омилларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бунда кенгаш аъзоси ваколатини муддатидан илгари тугатиш бўйича қарор коллегиял тарзда чиқарилишига асосий эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади. Яъни, мазкур масала судьялар кенгашларида муҳокама қилиниши ва ушбу жараёнда кенгаш аъзосининг иштирок этиши ва фикр-мулоҳазаларини

⁷⁹ Les conseils de la justice en Europe. https://www.coe.int/t/dghl/cooperation/ccje/textes/CSMFrance-TR10_fr.pdf

⁸⁰ <https://www.osce.org/files/f/documents/a/a/73488.pdf>

⁸¹ <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>

⁸² Закон Литовской Республики «О судах». Ст.90. https://www.legislationline.org/download/id/8793/file/Lithuania_law_courts_1994_am2020_ru.pdf

билдириш ҳуқуқини таъминлаш назарда тутилади. Жумладан, Украинада Кенгаш аъзосини муддатидан илгари лавозимидан озод этиш масаласи унинг иштирокида судьялар съезди қарори асосида амалга оширилади⁸³.

Халқаро талабларга кўра судьялар кенгаши аъзоларининг лавозимга такроран тайинланиши улар фаолиятига салбий таъсир этувчи омил ҳисобланади. Хусусан, такрорий тайинланиш кенгаш аъзоларининг уларни тайинловчи (сайловчи) орган ёки сиёсий куч олдида бўйсунувини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун кенгаш аъзоларини қайта тайинлашни истисно этган ҳолда уларни бир марта узокроқ муддатга тайинлаш уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш имконини беради. Бир қатор мамлакатларда кенгаш аъзоларини кетма-кет лавозимга тайинлаш тақиқланган. Хусусан, Украинада кенгаш аъзоси 4 йил муддатга сайланади ва қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас⁸⁴, Болгария ва Испанияда кетма-кет иккинчи муддатга сайланиш ҳуқуқисиз 5 йил муддатга сайланади⁸⁵, Венгрияда эса 6 йил муддатда қайта сайланишсиз лавозимга сайланади⁸⁶. Айрим давлатларда эса қайта сайланиш амалиёти мавжуд бўлиб, бунда кенгаш аъзолигига номзодлар судьялар корпуси томонидан кўрсатилади. Масалан Литвада кенгашнинг 23 тадан 20 нафар аъзоси судьялар томонидан сайланади⁸⁷, Грецияда Судьялар олий кенгашининг барча аъзолари судьялар бўлиб, улар Олий маъмурий судда камида икки йиллик стажга эга бўлган судьялар ўртасида қуръа ташлаш йўли билан қайта сайланиши мумкин⁸⁸.

Шунингдек, судьялар кенгашларининг жамоатчилик асосида фаолиятини олиб боровчи аъзоларига нисбатан талаблар ҳамда уларни танлаш тартиби ҳам қонунда махсус тартибга солинган бўлиши муҳим масалалардан бири ҳисобланади. БМТнинг Судьялар

⁸³ Закон Украины “О судоустройстве и статусе судей”. Ст.129. https://www.legislationline.org/download/id/8755/file/Ukraine_law_organisation_courts_status_judges_2016_am2017_ru.pdf

⁸⁴ Закона Украины «О Высшем совете юстиции». Ст.5-2. <http://www.legislationline.org/documents/id/20642>

⁸⁵ https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/bcc_vss_bulgaria.pdf
https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/cgpj_spain.pdf

⁸⁶ Информационный листок о Национальном судебном совете Венгрии: https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/obt_hungary.pdf

⁸⁷ Закон Литовской Республики «О судах». Ст. 119-2.2. https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/tt_lithuania.pdf

⁸⁸ https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/greece_sjc_aj.pdf

ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Д.Гарсия-Саяннинг хулосасига кўра кенгашнинг судья бўлмаган аъзоларини танлашнинг қатъий мезонларининг мавжуд эмаслиги амалда зарур билим ва малакага эга бўлмаган номзодларни фақат уларнинг сиёсий мойиллиги асосида лавозимга тайинлаш имкониятини яратади. Бундай аъзоларни сайлаш масаласини сиёсий бўлмаган органга ишониб топшириш мақсадга мувофиқ, ижро органи эса уларни танлаш ва тайинлаш масалалари билан умуман шуғулланиши мумкин эмас⁸⁹. Руминияда Кенгашнинг судья бўлмаган аъзоси ҳеч бир сиёсий партияга аъзо бўлиши ва беш йил давомида ҳар қандай ҳокимият органларига сайланиши тақиқланган ҳамда илгари Давлат хавфсизлиги департаменти билан ҳамкорликда фаолият юритмаган бўлиши талаб этилади⁹⁰.

Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида коррупциявий омилларни истисно қилишда уларнинг молиявий жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш ҳам муҳим саналади. “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасида Кенгаш моддий-техник ва молиявий жиҳатдан республика бюджети ва бошқа тақиқланмаган манбалар ҳисобидан таъминланиши белгиланган⁹¹. Судьялар малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомнинг 73-моддасига кўра эса судьялар малака ҳайъатларининг фаолиятини молиявий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, шунингдек ҳарбий судларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади⁹².

Европа судьялари Маслаҳат кенгашининг 2-сонли хулосасига кўра ҳокимиятлар бўлиниши тизимида ижро ва қонунчилик органлари суд органлари бюджетини кўриб чиқишда уларга ҳар қандай усулда босим ўткази олмасликлари ҳолати таъминланиши керак. Судларга маблағларни ажратиш ҳақидаги қарор суд тизимининг мустақиллиги принципига қатъий риоя қилган ҳолда қабул қилиниши зарур. Парламент томонидан судлар бюджетини қабул қилишда судларнинг фикрини ҳисобга олиш тартибининг

⁸⁹ <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>

⁹⁰ Закон Румынии «О Высшем совете магистратуры». Ст.19. <http://legislatie.just.ro/Public/DetaliiDocument/64942>

⁹¹ <https://lex.uz/docs/3153668>

⁹² <https://lex.uz/docs/2374282>

жорий қилиниши муҳим⁹³. Хорижий давлатлар тажрибасига кўра Болгариянинг Судьялар олий кенгаши ўзининг шахсий бюджетига эга бўлиб, бутун суд тизими бюджетини тақсимлаш вазифаси ҳам унинг зиммасига юкланган⁹⁴, Франция, Хорватия, Венгрия ва Руминияда ҳам судьялар кенгаши ўзининг бюджетига эга⁹⁵. Демак, судьялар ҳамжамияти органларининг молиявий мустақиллигини янада кучайтириш мақсадида уларнинг алоҳида бюджетга эга бўлишини таъминлаш ҳамда бюджетни шакллантириш ва қабул қилишда бевосита иштирок этиш, бюджет маблағларини камайтириш ёки рад этиш масалалари судьялар кенгашлари билан ҳамкорликда ҳал қилиниши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятида ҳам коррупциявий омилларга барҳам бериш долзарб масалалардан биридир. Хусусан, Судьяларнинг олий малака ҳайъати Олий суд судьялари орасидан Пленум томонидан Судьялар олий малака ҳайъатининг раиси, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркибда беш йил муддатга, қуйи турувчи судьяларнинг малака ҳайъатлари тегишли судлар судьяларининг конференцияларида туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳудудий ҳарбий судлар ҳамда тегишли юқори турувчи судларнинг судьялари орасидан малака ҳайъатларининг раиси, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркибда беш йил муддатга сайланади. Низомнинг 7-моддасида судьяларнинг малака ҳайъатлари аъзолигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми аъзолари ёки судьялар конференциясининг иштирокчилари томонидан кўрсатилиши белгиланган⁹⁶. Бир қатор хорижий давлатларда судьяларнинг олий малака ҳайъатлари нафақат Олий суд судьяларидан, балки қуйи суд судьяларидан, шунингдек барча судьялар малака ҳайъатлари таркиби амалдаги судьялардан ташқари суд фахрийлари, жамоатчилик институти вакилларидан шакллантирилади. Жумладан, Россия Федерациясида Олий малака ҳайъатининг 18 нафар аъзоси судьялар съездида сайланадиган турли бўғинлардаги

⁹³ Заключение № 2 Консультативного совета Европейских судей. П. 5, 10. <https://rm.coe.int/1680747492>

⁹⁴ https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/bcc_vss_bulgaria.pdf

⁹⁵ https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/dsv_croatia.pdf https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/obt_hungary.pdf

https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/csm_romania.pdf

https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/csm_france.pdf

⁹⁶ <https://lex.uz/docs/2374282>

судьялардан, 10 нафари эса Федерал кенгаш ва Президент томонидан тайинладиган жамоат ташкилотлари вакилларида⁹⁷, Украина Олий малака ҳайъати аъзоларининг ярми судьялар съездида сайладиган амалдаги ва собиқ судьялардан, қолган ярми жамоатчилик ва бошқа идоралар вакилларида⁹⁸, Қозоғистонда судьялар ҳайъатининг олти нафар аъзоси Олий суднинг ялпи мажлисида барча судьялар томонидан сайладиган барча бўғиндаги судьялардан ташкил топган⁹⁹. Россия Федерацияси субъектларининг судьялар малака ҳайъатлари таркибига суд раислари ва уларнинг ўринбосарлари, Олий малака ҳайъати таркибига эса Олий суд раиси ва унинг ўринбосарлари сайланиши мумкин эмас. Судьяларнинг малака ҳайъати аъзоси кетма-кет икки мартадан ортиқ малака ҳайъати раиси этиб сайланиши мумкин эмас¹⁰⁰. Қозоғистон Республикасида интизомий малака ҳайъати раиси интизомий малака ҳайъати аъзолари томонидан оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан сайланади¹⁰¹.

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, судьялар ҳамжамияти ва унинг органлари суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллиги конституциявий принципига риоя қилинишини таъминловчи кафолатлардан бири бўлиб, суд ҳокимиятининг бошқа давлат ҳокимияти органларидан мустақиллигини таъминлаш, уларни ҳар қандай ички ва ташқи таъйиқлардан ҳимоялаш, судлар ва судьялар фаолиятини ташкилий, ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий жиҳатдан ташкил этиш ва бошқариш, жамиятда судларнинг нуфузини оширишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади. Судьялар ҳамжамияти органлари судларнинг ички фаолиятини бошқариши лозимлиги ҳақидаги халқаро талаблардан келиб чиқиб, қонунчиликда ушбу органларни суд тизимида коррупцияга қарши

⁹⁷ Федеральный закон "Об органах судейского сообщества в Российской Федерации". Ст.11. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_35868/94c2d7d00be1a5d68fc6972c5d873659088d7ef7/

⁹⁸ Закон Украины "О судоустройстве и статусе судей". Ст.94. https://www.legislationline.org/download/id/8755/file/Ukraine_law_organisation_courts_status_judges_2016_am2017_ru.pdf

⁹⁹ Закон «О судебной системе и статусе судей Республики Казахстан». Ст.38-1. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z000000132>

¹⁰⁰ Закон Российской Федерации от 26 июня 1992 года N 3132-1 "О статусе судей в Российской Федерации". Ст.7

¹⁰¹ Закон «О судебной системе и статусе судей Республики Казахстан». Ст.38-1. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z000000132>

курашиш ва унинг олдини олиш бўйича махсус ваколатли органлар сифатида белгилаш юқори самара беради.

Назорат саволлари:

1. Судьялар ҳамжамияти ва судьялар ҳамжамияти органларининг бир-биридан фарқли жиҳатларини айтиб беринг?
2. Судьялар ҳамжамияти органларининг суд тизимида коррупцияга қарши курашишда қандай роли мавжуд?
3. Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида қандай коррупциявий омиллар мавжуд деб ўйлайсиз?
4. Миллий судьялар ҳамжамияти органларини ташкил этиш ва фаолиятига оид қандай халқаро стандартларни биласиз?

Казус.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Кенгашнинг ўн бир нафар аъзоси Кенгаш раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан судьялар орасидан тасдиқланади. Кенгашнинг ушбу аъзоларидан бир нафари Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари орасидан тасдиқланади.

Бироқ, халқаро экспертларнинг фикрига кўра, бундай тартибда лавозимга тайинланган Кенгаш аъзоларини судьялар корпуси вакиллари деб ҳисоблаб бўлмайдиган фикрни илгари суришади.

Казус бўйича саволлар:

1. Судьялар олий кенгаши вакилларини лавозимга тайинлашга оид қандай халқаро стандартлар мавжуд?
2. Фикрингизча, Судьялар олий кенгаши аъзоси қандай тартибда танланиши ва тайинланиши лозим деб ҳисоблайсиз? Фикрингизни мисоллар билан асосланг.

7-БОБ. СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ОЧИҚ ВА ШАФФОФ ТАРЗДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ ВА АҲАМИЯТИ

1-§. Судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги тушунчаси ва мазмуни

Судлар фаолиятининг очиклигини таъминлаш ва шаффофлигига эришиш одил судловни қонуний ва сифатли амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш ҳамда суд тизимида коррупциявий омилларни олдини олиш имконини беради. Бинобарин, суд ҳокимиятига бўлган ишонч фақат судлар томонидан одил судловни ошкора тарзда ташкил этиш, фуқароларни судлар фаолиятига оид тегишли ахборот билан эркин танишишига имконият яратиш, судлар фаолиятини амалга оширишда иштирок этишини таъминлаш кабилар орқали ички ишонч ҳосил қилиши натижасида эришилади.

Суд органларининг ўз фаолиятини очик тарзда ташкил этиши фуқароларнинг Конституцияда белгиланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш мақсадини кўзлаши боис, уни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи механизмлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Бинобарин, Конституциянинг 33-моддасида ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эгаллиги, 137-моддасида судларда ишлар очик кўрилиши белгиланганлиги суд ҳокимиятининг ўз фаолиятини очик ва ошкора тарзда ташкил этишга мажбурлигини англатади¹⁰².

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгаллиги белгиланган¹⁰³. Шу боис, одил судловни тенглик, ошкоралик ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириш ҳар бир суд органининг асосий вазифаси ҳисобланади, унга риоя қилмаслик эса халқаро тан олинган инсон ҳуқуқларининг ҳамда қонун талабларининг бузилиши деб баҳоланади.

¹⁰² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/uz/docs/6445145>

¹⁰³ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml

Ушбу масала судларга бўлган ишончни таъминловчи категория ҳам ҳисобланади, чунки ўтган асрнинг 70-йилларида “жазоловчи орган” сифатида кишилар онгида шаклланган дунёқарашни синдириш, эндиликда суд фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи, бузилган ҳуқуқларни тикловчи орган эканлигига ошкоралик принципини амалиётда кенг жорий этиш орқали эришиш мумкин¹⁰⁴.

Миллий қонунчилигимизда ва илмий доираларда судлар фаолиятига доир “очиқлик”, “ошкоралик”, “шаффофлик” атамаларининг мазмун-моҳияти турлича ифодаланади. Жумладан, Конституция (137-модда) ва “Судлар тўғрисида”ги Қонун (12-модда. Суд ишларини юритишнинг ошкоралиги)да барча суд ишлари очиқ кўрилиши белгиланган бўлса, Жиноят-процессуал кодекси (19-модда), Фуқаролик процессуал кодекси (12-модда), Иқтисодий процессуал кодекси (11-модда) ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс (13-модда)да бунинг акси, яъни суд ишларининг ошкора кўрилиши қайд этилган. Олий суд Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги 04-сон қарорида эса ошкоралик ва очиқлик дифференциялаштирилган бўлиб, суд муҳокамасининг ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратиши, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланиши, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаши ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситаси ҳисобланиши қайд этилган¹⁰⁵. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари таркибига, шу жумладан, улар фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги ҳам киритилган¹⁰⁶. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида ахборот эркинлигининг асосий принципларидан бири сифатида “очиқлик ва ошкоралик”

¹⁰⁴ Жамолов Б.У. Суд ҳокимияти (назария ва амалиёт масалалари): монография. – Т.: “Юрист-медиа маркази” нашриёти, 2011 йил, 132-бет.

¹⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги 04-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4751577>

¹⁰⁶ “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси. <https://lex.uz/docs/2381133>

белгиланган бўлиб, 6-моддасига кўра ахборот очик ва ошкора бўлиши кераклиги қайд этилган¹⁰⁷.

Очик ҳукумат (очик давлат) – бу давлат бошқаруви устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг давлат ҳужжатлари ва ҳаракатлари ҳақидаги ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини қувватловчи давлат бошқаруви доктринаси ҳисобланади¹⁰⁸.

Ўзбек тилининг изохли луғатига кўра, “ошкоралик” – ошкора хусусиятга эгалик, очик-ойдинлик маъноларини, “очиклик” эса очик эканлик, равшанлик, ошкоралик маъноларини англатади¹⁰⁹. Шаффофлик (транспарентлик) гуманитар ва ижтимоий жиҳатдан очикликни, мулоқотни ва ҳисобдорликни англатса, ижтимоий шаффофлик – жамият ҳар бир аъзосининг жамият ҳақида ҳаққоний маълумот олиш имкониятини англатади, тадбиркорлик шаффофлиги – ваколатли манфаатдор шахсларга корхона тўғрисида ҳаққоний маълумотни тақдим этишдир¹¹⁰.

Европа судининг қарорига кўра суд муҳокамасининг ошкоралиги (очиклиги) жамоат назорати доирасидан ташқарида бўлган махфий одил судловдан тарафларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, барча бўғиндаги судларга бўлган ишончни сақловчи воситалардан биридир¹¹¹.

Демак, судлар фаолиятининг очиклиги, ошкоралиги ва шаффофлиги бир-биридан фарқланувчи тушунчалар ҳисобланади. Очиклик ошкораликка нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, “ошкоралик” процессуал қонунчиликда суд ишларини юритиш принципи сифатида фақат суд муҳокамасига нисбатан қўлланилади, суд ҳокимиятининг очиклиги бутун суд фаолиятига (ички, ташқи, ташкилий ва ҳ.к.) нисбатан қўлланилади. Суд ҳокимиятининг “шаффофлиги” эса очиклик ва ошкораликнинг натижаси ўлароқ, судлар фаолиятини фақат қонун талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш, унинг фаолиятига

¹⁰⁷ “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси. <https://lex.uz/docs/52268>

¹⁰⁸ https://ru.wikipedia.org/wiki/Открытое_государство

¹⁰⁹ https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20O.pdf

¹¹⁰ [ru.wikipedia.org/wiki/](https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D1%80%D0%BE%D0%B7%D1%80%D0%B0%D1%87%D0%BD%D0%BE%D1%81%D1%82%D1%8C)

[%D0%9F%D1%80%D0%BE%D0%B7%D1%80%D0%B0%D1%87%D0%BD%D0%BE%D1%81%D1%82%D1%8C](https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D1%80%D0%BE%D0%B7%D1%80%D0%B0%D1%87%D0%BD%D0%BE%D1%81%D1%82%D1%8C)

¹¹¹ Европейская конвенция по правам человека // Досье по правам человека. № 3. Русская версия. Изд-во Совета Европы, 1994.

ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва жамоатчилик назоратини таъминлаш орқали инсон омилини истисно этиш ёки камайтириш, суд тизимида коррупцияга барҳам бериш, судлар фаолияти ҳақида ишончли маълумотга эга бўлиш имконини назарда тутди.

Юқоридагиларга кўра, суд фаолиятининг очиқлиги фуқароларнинг судлар фаолияти тўғрисида эркин ахборот олиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлашга қаратилган бўлса, суд фаолиятининг шаффофлиги эса судлар фаолияти ҳақида олинган ахборотнинг ишончилигини таъминловчи категориядир.

2-§. Судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш шакллари

Суд ҳокимиятининг очиқлиги ва унинг фаолиятининг шаффофлиги судлар билан бир қаторда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлигини ҳам назарда тутди ва бир бутун категория сифатида тадқиқ этишни тақозо этади.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига кўра давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари – бу давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш), уларни расмий веб-сайтларида жойлаштириш ва янгилаб бориш, ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш, ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш, очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови асосида уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма шаклда (шу жумладан электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этиш ва бошқалардан иборат¹¹².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-

¹¹² “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси. <https://lex.uz/docs/2381133>

5482-сон Фармонига кўра суд ҳокимиятининг очиқлигини таъминлашнинг қуйидаги шакллари назарда тутилган:

Олий суд веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш;

қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтириш;

ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш;

Олий суд судлов ҳайъатлари томонидан суд ишларини назорат тартибида, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чоракда эълон қилиш¹¹³.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2017 йил 7 ноябрдаги СОКҚ-272-III-сонли қарори билан тасдиқланган “Судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш тартибининг 4-бандига мувофиқ судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш қуйидаги усуллар билан амалга оширилади:

суд мажлисларининг суд қарори (ҳукм, ажрим)ни эълон қилиш жараёнини интернет тармоғи, радио, видеоконференцалоқа режими орқали кузатиб бориш, республика ва (ёки) маҳаллий телевидениеларда махсус кўрсатувлар орқали намойиш этиш;

судларнинг, шу жумладан, Олий суднинг интернетдаги веб-сайтларида тўғридан-тўғри онлайн тарзда намойиш этиб бориш;

босма нашрларда, шу жумладан газета ва журналларда ёритиш; республика ва (ёки) маҳаллий оммавий ахборот воситаларига кўриладиган иш ҳақида маълумотларни кенг жамоатчиликни хабардор қилиш учун юбориш;

кенг жамоатчилик вакиллари, фуқароларни бевосита суд жараёнларида, ҳукм, қарор эълон қилинишида иштирок этишлари;

фуқароларни судларда кўрилаётган ишлар ҳақидаги маълумотлар билан суд биносида жойлаштирилган таблолар орқали таништириб бориш;

маҳаллий журналистлар учун ахборот-брифинг тадбирларини ўтказиш.

¹¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5482-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3822463>

Судларнинг очиклиги қуйидаги функцияларни амалга оширишга йўналтирилган:

1) суд ишлари юритишнинг мустақиллиги ва адолатлилиги устидан жамоатчилик назорати;

2) қонунни қўллаш ва унга амал қилиш амалиётини бир хиллаштириш бўйича шароитлар яратиш;

3) ишда иштирок этувчи шахсларнинг барча норматив материални тез ва тўлиқ ўзлаштириш имконини берувчи юридик тежамкорликни таъминлаш.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 10-моддасига мувофиқ ҳар бир иштирокчи-давлат оммавий администрациянинг, шу жумладан уни ташкил қилиш, фаолиятини амалга ошириш ва белгиланган ҳолатларда қарор қабул қилиш жараёнининг шаффофлигини кучайтириш учун чоралар кўриши назарда тутилган. Ушбу чораларга қуйидагилар киритилган:

а) аҳолининг оммавий администрация ҳақида маълумот олишини таъминловчи тартиб ёки қоидаларни қабул қилиш;

б) қарор қабул қилувчи ваколатли органларга омманинг эркин ҳуқуқини таъминлаш мақсадида маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш;

с) оммавий администрацияда коррупция хавфлари ҳақида даврий ҳисоботлар акс этган маълумотларни чоп этиш¹¹⁴.

Суд ҳокимиятининг шаффофлигини таъминлашнинг қуйидаги асосий шакллари мавжуд:

суд қарорларини эълон қилиш;

суд мажлисига, иш ҳужжатларига, суд амалиётига, архив ҳужжатларига бўлган ҳуқуқни таъминлаш;

суд органлари фаолияти устидан жамоат кузатуви (экспертизаси)ни амалга ошириш;

кенг жамоатчилик муҳокамасига тушган суд ишлари бўйича жамоат эшитувини ташкил этиш;

фуқароларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборотга эга бўлиш даражасини ошириш.

Судлар фаолиятининг очиклиги, ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш суд тизимида коррупцияга қарши самарали курашиш ҳамда уни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилишда муҳим роль ўйнайди. Бунда одил судловни амалга ошириш, судьялар

¹¹⁴ БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 10-моддаси. <https://lex.uz/docs/1461327>

корпусини шакллантириш, судлар фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш, судларни молиялаштириш, судьяларга тааллуқли масалаларни ҳал қилиш каби фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали шаффофликка эришиш, ушбу жараёнларнинг холислиги ва очиқлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институти вакиллари кенг жалб қилиш талаб этилади.

Алоҳида қайд этиш лозимки, қонунчиликдаги бўшлиқлар, судлар фаолиятидаги мавжуд муаммолар, судлар ва ОАВ ўртасидаги зиддиятлар, кўплаб қонуности ҳужжатларининг замон талабларига мувофиқ босқичма-босқич қабул қилиниши ушбу соҳани тизимли ва илмий жиҳатдан асосланган тартибга солишни тақозо этади. Зеро, фуқароларнинг судлар фаолиятига оид ахборотни олиш ва ундан фойдаланиш, суд жараёнларида иштирок этишдаги тўсиқлар судларга бўлган ишончни сусайтириб, одил судловга нисбатан салбий муносабат шаклланишига сабаб бўлади. Шу боис, суд органларининг бошқа давлат ҳокимияти органлари, илмий доиралар ва жамоатчилик институти вакиллари билан ишончли ҳамкорлиги асослари ва доирасини белгилаш, судларнинг ОАВ билан конструктив муносабатини шакллантириш, судларнинг ахборот сиёсатини амалга ошириш шакллари ва тартиби, судлар фаолиятига оид ахборотдан фойдаланиш бўйича миллий қонунчиликни такомиллаштириш, судларни ахборотлаштириш, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини оширишни таъминлаш каби комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш фуқароларнинг судларга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

Суд ҳокимиятининг ягона ахборот сиёсатининг асосий вазифалари – фуқароларнинг ушбу соҳада ахборотга эга бўлиш ва ундан фойдаланишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, суд органлари фаолиятига оид ахборотдан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш механизмларини яратиш, суд-ҳуқуқ йўналиши бўйича журналистларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб бориш, судларда фуқаролик жамияти институти вакиллари хуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, суд органларининг барча бўғинларида “матбуот хизмати”ларини ташкил этиш ҳамда уларнинг бошқа давлат органлари ва ОАВ билан ўзаро ишончли ҳамкорлигини йўлга қўйиш, судларнинг очиқлиги даражасини ошириш, судлар фаолиятига оид ахборотни тақдим этишнинг турли

расмий манбаларини яратиш, суд ходимларининг ахборот соҳасидаги билим ва савиясини ошириш, фуқароларнинг медиасаводхонлигини ошириш кабилардир.

Қайд этилганларга кўра хулоса қилиш мумкинки, суд ҳокимиятининг очиқлигини таъминлаш мустақил суд ҳокимиятига нисбатан белгиланган асосий талаблардан бири бўлиб, халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунларда умумэътироф этилган фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини амалда реализация қилиш воситаларидан биридир. Шу боис, одил судловни ошкоралик принципи асосида амалга ошириш ҳар бир суднинг асосий вазифаси ҳисобланади, унга риоя қилмаслик эса халқаро тан олинган инсон ҳуқуқларининг бузилиши деб баҳоланади. Судлар фаолиятининг шаффофлиги суд тизимида коррупцияга барҳам беришни назарда тутувчи судлар фаолиятини фақат қонун талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш, унинг фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш орқали инсон омилини истисно этилганлик ёки камайтирилганлик ҳолати бўлиб, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини таъминлашга хизмат қилади.

3-§. Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари

Суд ҳокимиятининг очиқлигини таъминлашнинг мазмун-моҳияти уни амалга ошириш усуллари орқали очиб берилади.

Суд ҳокимиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари деганда судларнинг ҳамда судьялар ҳамжамияти органларининг қонунда назарда тутилган вазифаларини ошкора амалга ошириш, улар фаолияти ҳақидаги маълумотларга фуқароларнинг эркин эга бўлишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар тушунилади.

Суд ҳокимиятининг очиқлиги суд фаолияти ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш, суд биноларига тўсиқларсиз кириш, мажлисларда жамоатчилик иштирокига шароитлар яратиш, суд қарорларини очиқ эълон қилиш ва мазмунини тушунтириш, судлар фаолиятига оид ахборотларни эълон қилиш каби усуллар билан таъминланади.

Судлар фаолиятига оид ахборотга эга бўлиш ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, қонунчиликда белгиланган тартибда уларни қўлга киритиш ва фойдаланишда ўз ифодасини топади. Судлар фаолиятига оид ахборотга эга бўлиш

қуйидаги усуллар ёрдамида таъминланади: манфаатдор шахсларнинг очик суд мажлисида иштирок этиши, судлар фаолияти ҳақидаги ахборотни ОАВда нашр қилиш ёки Интернет тармоғи, суд бинолари, Суд департаменти, судьялар ҳамжамияти органлари биноларида жойлаштириш, ахборотдан фойдаланувчиларни архив фондида сақланаётган ахборот билан таништириш, сўровга асосан судлар фаолиятига оид ахборотларни тақдим этиш, очик суд мажлисларини интернет тармоғи орқали намойиш қилиш ва бошқалар.

Судлар фаолияти ҳақида маълумотни эълон қилиш судларнинг фуқаролар билан яқинлигини таъминлашга, улар ўртасида ўзаро конструктив муносабат шаклланишига, одил судлов сифатини ошириш ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган суд ислохотларига халқ томонидан ҳолис баҳо берилишига эришишда муҳим роль ўйнайди. Бундай маълумотлар рўйхатиغا Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ суд тизими, судлар сони, уларнинг ихтисослиги ва ҳудудийлиги, суд тузилмалари, фаолият йўналишлари, суд аппаратининг иш тартиби, суд таркиби ва судьялар ҳақидаги маълумотлар, суд статистикаси, судьялар корпусини шакллантириш тартиби ва улар фаолияти билан боғлиқ бошқа маълумотларни киритиш мумкин. Очикликнинг мазкур шаклининг ўзига хос хусусияти – бу ушбу маълумотларнинг судлар томонидан эркин тақдим этилиши ҳамда мазкур маълумотлар билан ҳар қандай манфаатдор шахс ҳар қачон танишиши мумкинлигидир.

Судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот умумфойдаланиш учун очик ҳисобланади, ахборотдан фойдаланиш қонунда белгиланган ҳолларда чекланиши мумкин. Хусусан, давлат сирларига доир (“Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни 3, 5-моддалари), қонун билан кўриқланадиган бошқа сирга доир (масалан, фарзандликка олиш сири) (Оила кодексининг 153-моддаси), шифокорлик сирига доир (“Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни 25-моддаси бешинчи қисми, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни 19-

моддаси), қонунга асосан фойдаланиш чекланган бошқа ахборотлар¹¹⁵.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 37-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар суди раислари суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этади, шунингдек судьяларнинг аҳоли билан учрашувларини ташкил этади ҳамда жамоатчиликни суднинг фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб боради¹¹⁶.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш тартибини белгилаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 14 сентябрдаги СОКҚ-798-III-сон қарори билан “Суд раисларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига ахборот бериш тартиби” тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ суд раислари тегишли маҳаллий кенгашларда ўзлари раҳбарлик қилаётган суд томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни амалга ошириш, шунингдек жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатларни келиб чиқиш сабаблари ва уларни олдини олиш чораларига доир фаолияти тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этишлари, маҳаллий Кенгаш аъзолари суд раисларига фақат берилган ахборот юзасидан саволлар бериши ёки суд фаолияти билан боғлиқ бўлган таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдиришлари мумкинлиги, маҳаллий Кенгаш аъзоларининг саволлари аниқ бир шахс ёки иш билан боғлиқ бўлмаслиги, шунингдек суднинг мустақиллигига салбий таъсир қилмаслиги, акс ҳолда суд раислари унга жавоб бермасликка ҳақли эканликлари, ахборот тақдим этишда

¹¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 21.02.2020 йилдаги “Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 04-сон қарори.

¹¹⁶ “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 37-моддаси. <https://lex.uz/docs/5534923>

маҳаллий Кенгаш аъзолари томонидан судда кўрилган ёки суднинг иш юритувида бўлган муайян иш бўйича бирон-бир тушунтиришлар олиш, саволлар бериш, иш материалларини талаб қилиш ёки суднинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бошқача тарзда аралашиб тақиқланиши, суд раисларининг ахбороти маҳаллий Кенгаш томонидан маълумот тариқасида қабул қилиниши ҳамда ушбу ахборот юзасидан музокара олиб борилмаслиги ва муҳокама қилинмаслиги қатъий белгилаб қўйилган¹¹⁷.

Бундан ташқари, муайян иш бўйича *ишда иштирок этувчи шахсларнинг электрон шаклда маълумот олиш эркинлиги* ҳам бугунги рақамли иқтисодиёт даврида долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон қарорида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш, махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгиланган¹¹⁸.

Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашда *суд мажлиси залига эркин кириш* масаласи муаммоли масалалардан биридир, чунки бу нафақат хавфсизлик чораларини кўриш, балки процессуал қоидаларга риоя этилишига ҳам бевосита боғлиқдир. Бинобарин, ҳар ким тақиқланган ашёлар билан ёки номақбул ҳолатда суд биносига кириши, хоҳлаган суд мажлисида иштирок этиб, уни фото/видеосуратга олиши, кенг омма эътиборига тарқатиши мумкин

¹¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 14 сентябрдаги СОКҚ-798-III-сон қарори билан тасдиқланган “Суд раисларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, тегишли вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига ахборот бериш тартиби”.

¹¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4979896>

эмас. Процессуал қонунчиликда ҳамда судларнинг локал ҳужжатларида ушбу ҳаракатларни амалга ошириш тартиби аниқ белгиланган бўлиб, уларга қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Хусусан, Олий суд Раёсатининг 2017 йил 30 августдаги РС-28-17-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида тартиб-интизомни сақлаш, унга кириб-чиқиш қоидалари, бино ҳамда ходимлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги вазифалар ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқнома тасдиқланган бўлиб, унинг 4-бўлими 1-бандига кўра судьялар, суд аппарати ходимлари ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини, шунингдек суд биносида тартибни таъминлаш мақсадида судьялар ва суд ходимлари ҳамда судга ташриф буюрувчиларга ўқотар ва совуқ қуроллар, кимёвий ва портловчи моддалар, спиртли ичимликлар ҳамда атрофдагилар хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа буюм ва воситаларни, телефон аппаратлари, видеокамералар ва бошқа аудио-видео-ёзув аппаратурасини, катта ҳажмли нарсалар (хўжалик сумкалари, рюкзаклар, буюмлар солинадиган халталар, чемоданлар, саватлар)ни суд биносига олиб кириш тақиқланади. Шунингдек, йўриқноманинг 4-бандига кўра суд биносига маст ҳолатда бўлган, инсон кадр-қиммати ва одоб-ахлоқ қоидаларини таҳқирловчи ташқи қиёфага эга бўлган, қонуний вакили ёки педагог кузатувида бўлмаган 16 ёшга тўлмаган, катта ҳажмли сумка, чемодан, кути, тугун, ҳайвонлар билан ташриф буюрган, қўл юкини кўрикдан ўтказишдан, фуқаро паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатини текшириш учун тақдим этишдан бош тортган шахсларни киритилишига йўл қўйилмайди.

Қайд этиш лозимки, йўриқноманинг 1-бўлими 6-бандига кўра суд ажрими, суд хабарномаси, суднинг чақирув қоғози ёки бошқа суд ҳужжати шахсни судга келишга асос бўлувчи ёки ҳуқуқ берувчи ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади. Шу боис, йўриқноманинг 2-бўлими 7-бандига суд мажлисига келган судга ташриф буюрувчи шахслар суд мажлиси залига кириш ва чиқишига ҳафтанинг иш кунлари соат 09-00 дан 18-00 га қадар суд қабулхонаси масъул ходимлари томонидан белгиланган тартибда берилган рухсатномалар асосида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилгандан кейин йўл қўйилиши назарда тутилган¹¹⁹.

¹¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 30 августдаги РС-28-17-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида тартиб-интизомни сақлаш, унга кириб-чиқиш қоидалари, бино ҳамда ходимлар хавфсизлигини

БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Д.Гарсия-Саян одил судловнинг очиклиги суд биносига кириш ва унда бўлиш учун зарур шароитларнинг яратилганлиги билан ҳам таъминланишини таъкидлайди. Бу борада у Ўзбекистонга берган тавсиясида суд биноларининг архитектурасини қайта кўриб чиқиш ва ногиронлар учун махсус йўлаклар ва кириш жойларини яратиш зарурлигини таъкидлайди. Бундан ташқари, сурдотаржимонлар сонининг чекланганлиги, ҳужжатлар ва суд қарорларининг имконияти чекланган шахслар учун мақбул форматда мавжуд эмаслиги, ногиронларнинг одил судлов тизимида адвокат, суд ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида бевосита ёки билвосита иштирокини кенгайтириш бўйича сиёсат юритилмаслиги ҳам суд ишларини юритишнинг очиклигини тўлиқ таъминламайди¹²⁰.

Судларнинг очиклиги улар фаолияти ҳақида фуқароларнинг бевосита танишишларига имконият яратиш орқали ҳам таъминланади. Бунинг учун судларда мунтазам равишда **“очик эшиклар кuni”**ни ташкил этиш, унда кенг жамоатчилик институти вакиллариининг иштирокини таъминлаш ва суднинг қандай фаолият юритишини суднинг ичидан туриб кузатиш, ахборот технологиялари ёрдамида суд ишларини қабул қилишдан тортиб, ишларни автоматик тарзда тақсимлаш ва қарор қабул қилишгача бўлган жараёнларни кўрсатиш, судья ва суд ходимлари билан суҳбатлар ўтказиш аҳолида судлар ҳақидаги тасаввурни ижобий томонга ўзгартиришда катта аҳамият касб этади.

Суд ҳокимиятининг очиклиги принципининг яна бир жиҳати **суд органларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигида** намоён бўлади. Зеро, суд ҳокимияти мустақиллиги ва матбуот эркинлиги ҳар бир ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларидан биридир. Оммавий ахборот воситалари суд жараёнининг очиклиги ва ошкоралигининг муҳим воситаси бўлиб, суд ва ОАВ бир ҳуқуқий маконда фаолият юритиши, турлича табиат ва функцияларга эга бўлсада, аслида демократик давлатда битта вазифа – жамоатчилик манфаатларига хизмат қилади, уларнинг ҳуқуқий ва самарали ҳамкорлигисиз судлар олдидаги вазифаларни

таъминлаш соҳасидаги вазифалар ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома.

¹²⁰ <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>

ҳал қилиш мушкул ҳисобланади. Судларда ошкора кўрилган ишларнинг ОАВ орқали ёритилиши жамият томонидан суд фаолиятининг жамоатчилик назоратига олинишини ҳамда одил судловга бўлган ишончни таъминлайди ва тарбиявий аҳамият касб этади.

Баъзи олимлар оммавий ахборот воситалари судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши зарур деб ҳисобласа, бошқалари суд фаолияти устидан ҳеч ким назорат ўрнатиши мумкин эмас, чунки ҳар қандай назорат суд мустақиллигига раҳна солади деган фикрни билдирадилар. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддаси оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишдаги иштирокига бағишланган бўлиб, улар шу жумладан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади¹²¹. Бу эса судьяларнинг ҳуқуқни қўллаш бўйича адолатсизлик ва суиистеъмолликка йўл қўймаслигига, суд низоларини холис ва беғараз ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Суд жараёнларини журналист томонидан бевосита, тўғридан-тўғри ёритиш аксарият ҳолларда поймол қилинган ҳуқуқи ҳимоя қилинаётган шахснинг дахлсизлик ҳуқуқига нисбатан жамоатчилик қизиқиши ҳамда ахборот олиш эркинлиги ҳуқуқига кўпроқ устуворлик беради. Айни вақтда ҳимоя қилинаётган ёки айбланаётган шахс вояга етмаган бўлса келажакда унинг жамиятга қайтиб қўшилиши, шаъни ва кадр-қиммати жамоатчиликнинг ахборот олиш манфаатидан устун туради. Шунинг учун оммавий ахборот воситалари суд ҳокимияти ва бевосита суд жараёнлари тўғрисидаги ўзларининг хабарларида муайян талабларга амал қилиши лозим бўлади ва бундай талаблар тегишли норматив ҳужжатларда ўз аксини топган¹²².

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 66-моддасига биноан муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқишга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд ҳужжати чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин таъсир кўрсатиш қонунга

¹²¹ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддаси. <https://lex.uz/docs/3088008>

¹²² Жамолов Б.У. Суд ҳокимияти (назария ва амалиёт масалалари): монография. – Т.: “Юрист-медиа маркази” нашриёти, 2011 йил, 133-бет.

мувофиқ жиной жавобгарликка сабаб бўлади. Судьядан кўрилган ёки иш юритишидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни талаб қилиш, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этиш тақиқланади. Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга қандай шаклда бўлмасин таъсир кўрсатишга ҳақли эмас¹²³.

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиш тақиқланиши, 40-моддасида оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгиланган¹²⁴.

Судьялар одоби кодексининг 14-моддасига кўра суднинг иш юритувида бўлган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари қонуний кучга киргунга қадар судья улар юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишга ҳақли эмас. Агар оммавий ахборот воситаларида судьянинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тарқалиши натижасида судлар ва судьялар фаолияти ҳақида нотўғри тасаввур пайдо бўлса, оммавий ахборот воситаларининг бундай чиқишларига нисбатан судья қонун ҳужжатларида назарда тутилган усулларда муносабат билдириш ҳуқуқига эга. Ҳимояланишнинг бошқача усуллари бўлмаган тақдирда, судья ўз шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёки танқидга омма олдида жавоб бериш учун оммавий ахборот воситаларига мурожаат қилишга ҳақли¹²⁵.

Демак, судлар ва ОАВнинг ҳамкорлиги судлар фаолиятининг очиқлигига, улар ҳақидаги маълумотларни қонунда белгиланган талабларга мувофиқ кенг оммага етказилишига, фуқароларнинг низолашилаётган ҳуқуқларини судлар томонидан ишончли ҳимоя қилинишига, аҳолининг судларга нисбатан ишончини кучайтиришга сабаб бўлади. Бунда ушбу ўзаро муносабатларнинг чегарасини аниқ

¹²³ “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 66-моддаси. <https://lex.uz/docs/5534923>

¹²⁴ “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 6,40-моддалари. <https://lex.uz/docs/1106870>

¹²⁵ Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. – Т.: “Адолат”, 2018. – 112 бет.

белгилаш, сўраб олинаётган ёки тарқатилаётган маълумотлар одил судловни амалга оширишга таъсир кўрсатмаслиги, судьяларнинг мустақиллигига дахл қилмаслиги ҳамда атайин судларнинг нуфузини туширмаслиги бўйича чора-тадбирларни кўриш лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон Фармонида мувофиқ вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари ташкил этилди¹²⁶.

Шунингдек, судларнинг фаолияти ҳақида кенг жамоатчилик вакиллари ишончли хабарлар билан тезкор равишда таништириб бориш мақсадида ҳар бир вилоят миқёсидаги судларнинг веб-сайтларини яратиш ҳамда унда алоҳида фуқаролар, юристлар ва журналистлар учун мўлжалланган хабарларни бериб бориш, суд ишларининг статистикаси, суд қарорларининг матни, судга мурожаат қилишга оид ҳужжатлар намуналари ва бошқа маълумотларни жойлаштириб бориш судларнинг очиклигини таъминлашга хизмат қилади.

Суд ҳокимиятининг очиклиги нафақат суд органлари, балки судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини ошкора амалга оширишни ҳам англатади. “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Кенгаш ўз фаолиятини очик тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади¹²⁷. Шунга кўра, Кенгаш фаолияти ҳақидаги ахборотни кенг жамоатчиликка етказиш, унинг янада очиклигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайти (www.sudyalaroliykengashi.uz) ва узлуксиз ишлайдиган ишонч телефони “1190 ёки 200-26-00” ишга туширилган.

2017 йил 11 сентябрда янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши натижасида мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг интерактив усуллари кенгайтирилди, мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларини нашр этиб бориш йўлга қўйилди, такрорий мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш, фуқароларни

¹²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4910826>

¹²⁷ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси. <https://lex.uz/docs/3153668>

сайёр қабул қилиш ва оммавий қабул ташкил этиш хусусиятлари очиб берилди, видеоконференцалоқа ёрдамида фуқароларни масофавий қабул қилиш ташкил этилди, “ишонч телефонлари” орқали мурожаатни қабул қилиш, кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари яратилди, суд раисларининг виртуал қабулхоналари ташкил этилди, судларда мурожаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида бўлимлар (бўлинма, гуруҳ) ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 137-моддаси ва “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси одил судловнинг ошкоралигига бағишланган бўлиб, уларда барча судларда ишлар очик кўрилиши ва ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши белгиланган. ФПКнинг 12-моддасига кўра давлат сирига, фарзандликка олиш сирига тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлган ишлар бўйича ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ишнинг муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш, ёзишмалар сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш мақсадида ёпиқ суд муҳокамаси ўтказилишига йўл қўйилади¹²⁸.

Япония Конституциясига мувофиқ судларда ишлар очик кўрилади. Агар суд бир овоздан суд муҳокамасининг ошкоралиги ахлоққа ёки оммавий тартибга зид эканлиги ҳақида қарорга келса, суд муҳокамаси ёпиқ ўтказилиши мумкин, яъни ушбу масалани ҳал қилиш суднинг ваколатига берилган. Сиёсий жиноятлар, матбуот билан боғлиқ жиноий қилмишлар, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари билан боғлиқ ишлар фақат очик суд мажлисида кўрилади. Кипр Республикаси Конституциясида ҳам шунга ўхшаш норма белгиланган бўлиб, унга кўра агар очик суд мажлиси нормал иш юритувига, давлат хавфсизлигига ва жамоат ахлоқига таъсир ўтказиши мумкин бўлса, суд суд муҳокамасини фақат тарафлар иштирокида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги процессуал қонунчилигига мувофиқ суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинога олишга, шунингдек миллий оммавий ахборот воситалари (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, теле-, радио-, видео,

¹²⁸ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддаси. <https://lex.uz/docs/3517337>

умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб сайтлар) ҳамда белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан тарафлар розилигини олиш асосида йўл қўйилади. Суд ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади ҳамда судья (судлов ҳайъати) томонидан ишда иштирок этувчи шахсларга унинг мазмуни тушунтирилади. Судлар судлов фаолиятида ошкораликни таъминлаш мақсадида зарур ҳолларда режалаштирилган суд мажлислари ҳақида оммавий ахборот воситаларига, тегишли манфаатдор жамоат бирлашмалари ва жамоаларга хабар бериши, шунингдек суд мажлисларини бевосита корхона, муассаса ва ташкилотларда сайёр суд мажлислари тартибида ўтказиши мумкин.

Одил судловнинг ошкоралиги ҳуқуқий таълим ва тарбия нуқтаи назаридан қуйидагиларни таъминлайди: фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантиради, суд жараёни иштирокчиларининг профессионаллик даражасини оширади, фуқароларни судлар фаолияти ҳақидаги ахборот билан таъминлайди, суд ҳокимияти нуфузини кучайтиради ва ҳ.к. Суд ишларини юритиш вазифаларини амалга ошириш нуқтаи назаридан эса одил судловнинг ошкоралиги ишларни тўғри, ўз вақтида ва асослантирилган тарзда ҳал қилишга, судьялар мустақиллиги кафолатларини мустаҳкамлашга, одил судловни беғараз амалга оширишга, одил судловнинг тарбиявий ва превентив функцияларни амалга оширишига, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг ўрнатилишига, судни ҳурмат қилиш муносабатининг шаклланишига кўмаклашади.

Демак, одил судловнинг ошкоралиги принципи суд мажлисида эркин иштирок этишни, суд мажлисида тегишли қайдномалар қилишни, овоз ва видеоёзишни, суд қарорлари ва иш ҳужжатлари билан танишиш имконини беради. Ошкораликнинг амалда таъминланиши нафақат фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини таъминлайди, балки уларнинг судларга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, жамиятда адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлаш каби суднинг асосий функциясини лозим даражада бажарилишига замин яратади.

Судлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш,

суд жараёнларини онлайн кузатиб бориш, суд қарорларини веб-сайтларда эълон қилиш, одил судлов ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш каби усулларда амалга оширилади. Бунда одил судловни амалга ошириш жараёнида инсон омилини истисно этган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш суд иш юритувининг янада шаффофлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сон қарори билан тасдиқланган 2017 – 2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг ижроси натижасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилди¹²⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон қарорида ушбу йўналишда бажарилган ишларга ижобий баҳо берилиб, жумладан, сўнгги йилларда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берганлиги қайд этилди. Қарорга мувофиқ судлар фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш, махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, суд мажлисларида

¹²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3327998>

масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш, барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш, апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш, суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда тақдим этиш, суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш кабилар белгиланди¹³⁰.

Суд қарорларини эълон қилиш масаласи ҳам судлар фаолиятининг шаффофлигини таъминловчи асосий воситалардан биридир. Бу масала Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг R(95)11-сон тавсияларида қуйидагича тавсифланган: “Суд қарорларини кенг ёки аниқроғи, чекланмаган доирадаги ўқувчилар учун эълон қилиш муаммоси алоҳида аҳамиятга эга, бинобарин барча судлар амалиёти ҳақида тўлиқ ахборотга эгалик қонунни адолатли қўллашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади”¹³¹.

Суд қарорларини эълон қилишнинг аниқ шартлари ва тартиби, авваламбор, қонунчиликда белгиланади. Масалан, ЖПКнинг 19-моддаси ва ФПКнинг 12-моддасига кўра қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари тарафларнинг розилиги билан ёки шахсини кўрсатмаган тарзда суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши мумкин, ИПКнинг 11-моддасига кўра эса эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон қарори билан тасдиқланган 2017 - 2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг 10-бандида Олий суд зиммасига 2018 йил 1 апрелга қадар шахсий ҳаёт сири, тижорат сири

¹³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4979896>

¹³¹ Рекомендация № R(95) 11 Комитета Министров Совета Европы относительно отбора, обработки, предоставления и архивации судебных решений в правовых информационно-поисковых системах // Доступ к правосудию. Страсбург, 1997, с. 54.

сақланишини таъминлаш ва суд мажлислари қатнашчиларининг розилигини инобатга олган ҳолда суд қарорларини (ёпиқ суд мажлисларида чиқарилган суд қарорлари бундан мустасно) Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида эълон қилиниши бўйича дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш¹³², шунингдек 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сон Фармонида Олий суд веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш вазифалари юклатилган. Ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суд Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги РС-42-18-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлар қарорларини Олий суд веб-сайтида эълон қилиш тўғрисидаги низомлар тасдиқланиб, 2018 йил 1 сентябрдан амалга киритилиши белгиланган.

Бу борада хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлиliga кўра, “Россия Федерациясида судлар фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига кўра ишларни судда кўриш билан боғлиқ маълумотлар: судга мурожаат қилишда фойдаланиладиган ҳужжатларнинг шакли ва мазмунига оид талаблар ва уларнинг намуналари, давлат божи миқдорлари, суд иш юритувида бўлган ишлар ҳақидаги маълумотлар суднинг вебсайтида жойлаштирилиши¹³³, “Қирғизистон Республикасининг давлат органлари ва маҳаллий ўзини бошқариш органларининг юритувидаги маълумотларга эга бўлиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-2-моддасига мувофиқ белгиланган шаклда чиқарилган ва эълон қилинган суд қарорларининг матнлари барчанинг танишиши учун очиқ ҳисобланиши¹³⁴, Арманистон Республикасининг Суд кодексининг 11-моддасига кўра якуний суд ҳужжатлари, қонунда ёки Олий судьялар кенгашининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда эса бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар суд ҳокимиятининг расмий сайтида эълон қилиниши шартлиги¹³⁵, Қозоғистон Республикасининг “Маълумот олиш тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига кўра судларнинг интернет ресурсларида қонунда белгиланган чекловлардан ташқари суд ҳужжатлари ва кўриладиган

¹³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПК-3250-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3327998>

¹³³ http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_82839/1ed75ea05417a57ac8af12021391df2dc2930baa

¹³⁴ <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/202010>

¹³⁵ <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=6166&lang=rus#3>

суд ишлари жадвали жойлаштирилиши шартлиги¹³⁶, Молдова Республикасининг “Суд тузилиши тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига кўра суд қарорлари, апелляция ва Олий суд палаталарининг қарорлари вебсайтда эълон қилиниши белгиланган¹³⁷.

Шу билан бирга, юридик адабиётларда қонунчилик даражасида суд ҳужжатлари матнларини эълон қилишда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш кафолатлари бўлиши кераклиги ҳақида фикрлар илгари сурилади. Шу сабабли, эълон қилинган суд ҳужжати фақат ишда иштирок этаётган шахсларнинг илтимосига биноан рақамлаш таклифи ўринли кўринади. Агар ишда иштирок этаётган шахсларнинг эътирози бўлмаса, суд ҳужжатлари матнлари тўлиқ Интернетдаги расмий веб-сайтга жойлаштирилиши мумкин.

Суд ҳокимияти фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда, унда коррупциявий иллатларга қарши курашишда **жамоатчилик назоратининг** аҳамияти жуда салмоқли ва самарали ҳисобланади, зеро бундан биринчи навбатда фуқаролар манфаатдор бўлиб, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларининг судлар томонидан ишончли ҳимоя қилинишига эришилади. Шу нуқтаи назардан, судларнинг шаффофлигини таъминлаш масаласи ҳукумат даражасидаги вазифа бўлиб, унинг самарали бажарилиши жамиятда адолатни қарор топтириш, аҳолининг тинч ва тотув яшашига эришиш, фуқароларнинг давлатга, шу жумладан судларга ишончини мустаҳкамлаш, бир сўз билан айтганда, давлат ва жамиятнинг тараққий этишига замин яратади.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 13-моддасида ҳар бир иштирокчи-давлат коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда оммавий сектор доирасидан ташқари бўлган фуқаролик жамияти, ноҳукумат ташкилотлар каби алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг фаол иштирок этишига кўмаклашиши, бундай иштирокни эса қарор қабул қилиш жараёнида шаффофликни кучайтириш, аҳолининг маълумотни эркин излаш, олиш, эълон қилиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқини самарали таъминлаш каби воситалар билан мустаҳкамлаш лозимлиги қайд этилган¹³⁸.

¹³⁶ https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=39415981

¹³⁷ https://www.legislationline.org/download/id/5368/file/MLD_Law%20on%20the%20Organization%20of%20Judiciary_am2013-ru.pdf

¹³⁸ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5482-сон Фармонида суд ишларини юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қуйидаги шакллари назарда тутилган: Олий суд веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш, қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтириш, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан суд ишларини назорат тартибида, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чоракда эълон қилиш¹³⁹.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтлари, кенг аҳоли томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонунга мувофиқлик нуқтаи назаридан мунтазам назорат қилишни англатади. Бундай назорат одатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини таҳлил қилиш, бу борадаги жамоатчилик фикрини ўрганиш, шакллантириш, баҳолаш ва баён қилиш орқали намоён бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳеч қайси ҳокимият бўғинига бўйсунмайдиган орган – Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Кенгаш томонидан судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлашда таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилди”¹⁴⁰ деб таъкидланди.

Шунингдек, судьялар кенгашининг мажлисларида жамоатчиликнинг иштирок этиши ва унинг қарорларини эълон

¹³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5482-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06 / 18 / 5482 / 1506-сон.

¹⁴⁰ <https://president.uz/uz/lists/view/1371>

қилиш қонунда кафолатланган бўлиши ва амалиётда унга риоя қилиниши зарурлиги ҳақидаги Киев тавсияларининг 10-бандига¹⁴¹ мувофиқ судьялар ҳамжамияти органларининг судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 23 ноябрдаги СОКҚ-907-III-сон қарори билан Конституциявий суд ва Олий суд судьяларидан ташқари барча судьялик лавозимларига номзодлар ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганиш тартиби жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 13 июнда судьялар билан ўтказилган учрашувдаги “Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш - барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шarti” мавзуидаги маърузасида билдирилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда судьяни навбатдаги муддатга тайинлаш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида 2017 йил 7 августдаги СОКҚ-237-III-сонли қарори билан “Судьяларни навбатдаги муддатга тайинлаш (сайлаш)да уларнинг охириги иш жойларидаги фаолияти ва кенг жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши оқибатида судьяларни навбатдаги муддатга тайинлаш (сайлаш) масаласини кўришда уларнинг охириги иш жойидаги фаолиятини синчиклаб ўрганиш, уларнинг фаолияти ва ҳаёт тарзи ҳақидаги маълумотларни тўплаш ишларига кенг жамоатчиликни жалб қилиш орқали шаффофликка эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 44-банди ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йил 24 апрелда Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссияси (кейинги ўринларда - Комиссия) ташкил этилган. Унинг асосий вазифалари этиб суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, мавжуд муаммоларни, соҳага оид қонун ҳужжатларини

¹⁴¹ <https://www.osce.org/files/f/documents/5/b/71179.pdf>

танқидий таҳлил қилиш, одил судловни амалга оширишга ҳамда суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, ривожланган хорижий мамлакатларнинг суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллигини таъминлаш борасидаги тажрибасини ўрганиш белгиланган¹⁴². Комиссия томонидан амалга оширилган ишлар ва судлар фаолиятидаги муаммолар таҳлили натижасида суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтиришга оид бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, зарур ҳуқуқий асослар яратилди. Мазкур давр мобайнида амалга оширилган салмоқли ишлар, яратилган ҳуқуқий кафолатлар мамлакатимизда суд ҳокимиятининг сиёсий, ижтимоий, молиявий ва процессуал мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, судьяларнинг одил судловни амалга оширишидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилди.

Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашга оид талаблар процессуал қонунчиликда ҳам назарда тутилган. Жиноят ишини судда кўриш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ёки меҳнат жамоаларининг вакиллари жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этишлари мумкинлиги процессуал қонунчиликда назарда тутилган. Бундай иштирок орқали жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси ўзининг процессуал вазифасини адо этиш баробарида суд томонидан жиноят ишини кўриб чиқиш, адолатли, холис ва қонуний қарор қабул қилиниши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Шунингдек, **“халқ маслаҳатчиси”** институти ҳам судлар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг яна бир кўринишидир. Қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган барча масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар. Жиноят процессуал кодексининг 14-моддасида судьялар ва халқ маслаҳатчилари жиноят ишларини қонун асосида кўриб чиқишлари ва ҳал қилишлари белгиланган бўлиб, ушбу жараён ҳам халқ вакили

¹⁴² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 24.04.2018 йилдаги 1635-III-сон қўшма қарорига 1-илова. <https://lex.uz/docs/4266195>

бўлмиш халқ маслаҳатчилари томонидан судьялар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятини яратади.

Назорат саволлари:

1. Судлар фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлиги тушунчаларининг фарқли жиҳатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

2. Судларнинг очиқлиги ва шаффофлиги суд тизимида коррупциявий омилларни бартараф этишга қандай таъсир кўрсатиши мумкин? Мисоллар билан асосланг.

3. Судлар фаолиятини шаффоф ташкил этишга оид қандай ташкилий ва ҳуқуқий механизмлар мавжуд? Уларни такомиллаштириш бўйича нималарни таклиф қилган бўлардингиз?

4. Судлар фаолияти ҳақида ахборотга эга бўлиш коррупциявий омилларни олдини олиш ва унга қарши курашишда қандай роль ўйнайди?

5. Суд қарорларини очиқ эълон қилиш ва уларни тушунтириб бериш одил судлов сифатига қандай таъсир кўрсатади деб ўйлайсиз?

6. Суд ишларини сайёр суд мажлисларида ўтказиш қанчалик судлар фаолиятининг ошкоралигини таъминлайди деб ўйлайсиз? Амалий мисоллар билан фикрингизни асосланг.

7. Фикрингизча, судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш чегараси бўлиши керакми? Умуман, судларнинг очиқлиги одил судловни таъминлашда муҳим элементлардан бири ҳисобланадими?

Казус.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми суд амалиётининг долзарб масалаларини кўриб чиқади ва қонунчиликнинг қўлланилиши юзасидан тушунтиришлар беради. Мазкур Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтириш берилган қонунчиликни қўллаётган давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

Казус бўйича саволлар:

1. Олий суд Пленуми қарори норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланадими? Агар йўқ бўлса, нима учун қонунни қўллаш бўйича тушунтиришлари барча учун мажбурий ҳисобланади?

2. Агар Олий суд Пленумининг қарорлари умуммажбурий характерга эга бўлса, уни қабул қилишда ошкоралик принципига риоя қилиниши лозим деб ўйлайсизми?

3. Олий суд Пленумининг қарорлари судлар фаолиятида коррупцияни олдини олувчи восита саналадими? Фикрингизни асосланг.

Казус.

Фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари рад қилинди. Судья ҳал қилув қарорининг хулоса қисмини ўқиб эшиттириб, нима учун бундай хулосага келганлигини ҳал қилув қарорида батафсил кўрсатишини айтган. Даъвогар судьянинг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб, Судьялар олий кенгашига шикоят қилиб, унга судья нима учун бундай қарор чиқарганлигини тушунтириб бермаганлигини баён қилган.

Казус бўйича саволлар:

1. Судьянинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг?

2. Суднинг нима учун бундай қарорга келганлигини тушунтириб бермаслиги суд ҳужжатини бекор қилишга асос бўладими?

3. Агар ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмидаги ҳолатлар судьянинг суд қарорини тушунтириш берганидан фарқ қилса, у қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

4. Мазкур ҳолатда даъвогарнинг Судьялар олий кенгашига мурожаат қилиши асослими?

8-БОБ. СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ЎРНИ ВА МАЗМУНИ

1-§. Судлар фаолиятини рақамлаштириш тушунчаси ва мазмун

Судлар фаолиятида коррупциявий омилларни олдини олиш, судлар ва судьяларнинг дахлсизлигига амалда эришишда рақамли ахборот-коммуникация технологияларининг роли беқиёс бўлиб, улар одил судловни ишончли ва самарали амалга ошириш, суд жараёнларида холисликни таъминлаш ва фуқароларнинг судларга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Рақамлаштириш – бу замонавий рақамли технологияларни ҳаёт ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига жорий қилишдир. Кенг маънода рақамлаштириш деганда турли соҳаларга жорий этиладиган рақамли технологияларга асосланган иқтисодий фаолият концепцияси тушунилади¹⁴³.

Фанда “рақамлаштириш” тушунчаси тор ва кенг маънода талқин этилади. Тор маънодаги “рақамлаштириш” ахборотни рақамли шаклга айлантиришдан иборат бўлиб, унинг мақсади фойдаланилаётган ахборот ҳажмини сезиларли даражада ошириш, харажатларни камайтириш ва ўзаро ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратишга қаратилган. Кенг маънода эса “рақамлаштириш” – одамларнинг ўзаро муносабатларини виртуал шаклга ўтишига асосланган, интернет технологияларидан фойдаланиш орқали иқтисодиёт ва жамиятни ривожлантиришнинг замонавий бутунжаҳон тенденциясидир.

“Электрон одил судлов”ни одатда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида одил судловни амалга ошириш усули деб тушуниш керак, чунки у суд ишининг ошкоралиги, очиклиги ва қулайлигини таъминлашга қаратилган бўлади. Бунда “электрон одил судлов” тушунчасини “рақамли одил судлов” тушунчасидан фарқланишини, биринчи ҳолатда ахборот ташувчининг

¹⁴³<https://www.google.com/search?q=%D1%86%D0%B8%D1%84%D1%80%D0%BE%D0%B2%D0%B8%D0%B7%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F+%D1%8D%D1%82%D0%BE&oq=%D1%86%D0%B8%D1%84%D1%80%D0%BE%D0%B2%D0%B8%D0%B7%D0%B0%D1%86%D0%B8%D1%8F&aqs=chrome.1.69i57j0l9.5053j0j15&sourceid=chrome&ie=UTF-8>

хусусиятлари, иккинчи ҳолатда эса ахборот мавжудлигининг шакли назарда тутилишига эътибор қаратиш лозим. Чунки ахборотни сақлаш шакли муҳит хусусиятини аниқласа, рақамли одил судлов коммуникациянинг катта қисмини рақамли ҳолатга ўтишини ва унинг қоғоз шакли билан тенг мақомда ўзаро таъсир этишини назарда тутди. Электрон одил судлов асосан судларнинг ҳуқуқий низоларни ахборот-коммуникация технологиялари, авваламбор, электрон ҳужжат алмашинуви ва видеоконференцалоқа тизими ёрдамида ҳал қилишни назарда тутди, уларнинг натижаси ахборот тизимида ўз аксини топади. Бошқача айтганда, электрон одил судлов рақамли одил судловга элтувчи муҳим қадамдир.

Демак, судлар фаолиятини рақамлаштириш ва судлар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, электрон одил судловни юритиш ўзаро ўхшаш, бироқ айни пайтда фарқли тушунчалардир. **Судлар фаолиятини рақамлаштириш** қолганларига нисбатан кенг бўлиб, электрон судлов механизмларини ва суд ишларини электрон шаклда юритишни назарда тутди, судлар фаолиятига ахборот технологияларини жорий қилиш эса улар фаолиятини рақамлаштириш учун зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш вазифасини бажаради. Янада аниқроқ айтганда, судлар фаолиятини рақамлаштириш улар фаолиятига ахборот технологияларини кенг жорий қилиш заруратини келтириб чиқаради ҳамда улар ёрдамида судларнинг фаолият шаклини ўзгартиришни назарда тутди.

Жумладан, суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш, даъво аризасини судга электрон шаклда тақдим этиш, суд ҳужжатларини веб-сайтга жойлаштириш каби ҳаракатлар “электрон одил судлов”нинг кўринишларидан бири ҳисобланса, суд мажлиси баённомасини электрон юритиш, суд қарорларини электрон имзоланган ҳолда юбориш, суд ишларини “сунъий интеллект” ёрдамида ҳал қилиш каби ҳаракатлар “рақамли одил судлов”ни амалга оширишни назарда тутди, яъни рақамли одил судловда электрон дастур ёрдамида амалга ошириладиган барча ҳаракатлар одатда судья томонидан бажариладиган процессуал ҳаракатларга тенглаштирилади ва бир бутун процессуал жараёни назарда тутди.

Судларни рақамлаштиришдан кўзланган асосий мақсад – бу улар фаолиятининг мутлақо янги шаклга ўтказиш билан бир қаторда, уларнинг янада шаффофлигини таъминлашдир. Шу нуқтаи назардан, судлар фаолиятига ахборот технологияларини

жорий қилиш, одил судловни электрон шаклда юритиш, судларни автоматлаштириш каби жараёнларни ҳам рақамлаштиришнинг бир қисми сифатида бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар деб баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сонли қарорида ҳам суд органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг қолган тушунчаларга нисбатан кенглиги назарда тутилган. Хусусан, қарорнинг 3-бандида суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш, суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш, апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик тақсимлаш, барча иштирокчиларни суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали бепул хабардор қилиш, суд қарорларини онлайн тақдим этиш, суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш, суд тизимида ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш кабилар судларни рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари белгиланган¹⁴⁴.

Электрон одил судлов - одил судловнинг очиқлиги ва қулайлигини таъминлаш ва ижтимоий-ҳуқуқий низоларни судлар томонидан самарали ҳал этиш учун маълумотларни тўплаш, ишлов бериш, сақлаш, тарқатиш, намойиш этиш ва улардан фойдаланиш мақсадида дастурий-техник воситаларни қўллаш жараёни бўлиб, судларнинг расмий веб-сайтлари, миллий ва халқаро порталлар, суд ишининг ҳолати тўғрисида онлайн маълумот бериш тизимлари, видеоконференцалоқа тизимларини, шунингдек электрон ахборот алмашиш усуллари ва стандартларини ўз ичига олади¹⁴⁵. Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг CM/Rec(2009)1 (G48) сонли тавсияларига кўра, электрон одил судлов электрон демократияни ифодаловчи шакл сифатида ўзининг таркибига судларнинг расмий сайтларини, миллий ва халқаро порталларни, суд ишининг ҳолати ҳақида хабар берувчи онлайн режимни, видеоконференц тизимни,

¹⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сон қарори 3-банди. <https://lex.uz/docs/4979896>

¹⁴⁵ Сабилов Э.К. Судлар фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2021. -Б.9.

маълумотларни электрон алмашиш усул ва стандартларини қамраб олади¹⁴⁶.

Қайд этилганларга қўра, электрон одил судлов тизими одил судловни ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча жараёнларни (қонун йўл қўядиган) турли ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида тақдим этиладиган хизматларни назарда тутди. Улар таркибига тарафларнинг судларга электрон шаклда мурожаат қилиш, ҳужжатлар алмашинувини электрон юритиш, суд иши ҳаракатини электрон тарзда кузатиб бориш, ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлиси ҳақида хабардор қилиш, улар билан суд ҳужжатларини электрон алмашиш, суд мажлисларини видеоконференцалоқа орқали ўтказиш, суд мажлисларини аудио ва видеоёзувга олиш, суд қарорларини веб-сайтларда эълон қилиш, судлар фаолиятини ягона электрон база ёрдамида бошқариш, суд ишларининг электрон архивини юритиш ва бошқа хизматлар киради.

2-§. Судлар фаолиятини рақамлаштириш орқали суд тизимида коррупцияга қарши курашиш

Судлар фаолиятини рақамлаштириш, шубҳасиз, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигига олиб келади, бироқ асосий мақсад – судлар мустақиллигини таъминлашга, суд тизимидаги коррупция ҳолатларига чек қўйишга, фуқароларнинг судларга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Рақамлаштириш орқали судлар мустақиллигини таъминлаш масаласини ушбу жараёнда бевосита иштирок этувчи фуқаролар, судлар ва судьяларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан тадқиқ этиш уни атрофлича ўрганиш имконини беради.

Биринчидан, судлар фаолиятини рақамлаштиришдан, авваламбор, фуқаролар манфаатдор бўлиб, судлар фаолиятига оид зарур маълумотлардан ўз вақтида ва тўлиқ хабардор бўлиб бориш судларга нисбатан ишонч ва ҳурматнинг ошишига, уларга нисбатан босим ва аралашувларни чеклашга, судья ва суд ходимлари томонидан қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилишини олдини олишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, фуқароларнинг ахборот

¹⁴⁶ Рекомендации Комитета Министров Совета Европы по электронной демократии. Приняты 18.02.2009г. на 1049-м собрании заместителей министров. [http:// dsnmp.ru / rekomendatsii-komiteta-ministrov-sov /](http://dsnmp.ru/rekomendatsii-komiteta-ministrov-sov/)

олишга бўлган ҳуқуқининг қонуний асосларини яратиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Хусусан, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солса¹⁴⁷, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади¹⁴⁸. Мазкур ҳаётий заруратни рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 346-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида суд органлари веб-сайтлари орқали фуқароларга интерактив хизматларни кўрсатиш бўйича қатор амалий чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, судларда электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш ва суд соҳасида интерфаол хизматларни тақдим этиш мақсадида 2013 йилда республикамизда “Е-SUD” миллий электрон судлов ахборот тизими яратилди. Ушбу тизим ёрдамида судларга мурожаатларни электрон шаклда юбориш, суд иши иштирокчиларини хабардор қилиш ва уларга маълумотларни электрон шаклда алмашиш воситалари орқали суд қарорлари ва бошқа турдаги ҳужжатларни юбориш, шахсий кабинет орқали судга юборилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳолатини кузатиб бориш, электрон ҳужжат алмашиш, “Давлат божи калькулятори” (<http://v3.esud.uz/calc/>), “Суд мажлиси жадвали” хизматлари (<http://v3.esud.uz/calendar>) ни амалга ошириш имконияти яратилди.

Иккинчидан, судлар фаолиятида коррупцияга қарши курашишда судлар фаолиятини рақамлаштириш муҳим роль ўйнайди. Хусусан, судлар фаолиятини ахборот технологиялари ёрдамида бошқариш, меҳнат ва ижро интизомини назорат қилиш, суд статистикасини юритиш ва суд ишларини архивлаштириш каби жараёнларнинг тўлиқ автоматлаштирилиши судларга таъсир ёки

¹⁴⁷ <https://lex.uz/docs/1319>

¹⁴⁸ <https://lex.uz/docs/83472>

босим ўтказиш ҳолатларини олдини олади, судлар фаолиятида тенглик, шаффофлик, қонунийлик ва адолатни таъминлайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4459-сон Фармонида ҳам айнан суд органларининг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтириш мақсадида улар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш лозимлиги¹⁴⁹ назарда тутилган бўлса, 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сон қарорида эса суд ходимлари томонидан сансалорлик, бюрократизм ва суиистеъмолчилик фактларига барҳам бериш назарда тутилди¹⁵⁰.

Учинчидан, судларни рақамлаштириш судьяларни турли нохуш вазиятлардан ва асоссиз айбловлардан ҳимоя қилувчи, улар фаолиятини соддалаштирувчи ва такомиллаштирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Жумладан, суд ишларини судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш ишларни инсон омилисиз адолатлилик ва ҳолислик тамойиллари асосида тенг тақсимлаш, суд тизимида коррупциявий ҳолатга чек қўйиш ҳамда суд раисларининг судьяларга таъсирини бартараф этиш имконини берган бўлса, ҳар бир процессуал ҳаракатни электрон базада акс эттириш уларни асоссиз интизомий жавобгарликка тортиш ва улар фаолиятини ноҳолис баҳолашдан ҳимоя қилади.

Суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш ёки аудио ва видеога ёзиб олиш эса ишда иштирок этувчи шахсларнинг судьяларга нисбатан асоссиз бўхтон ёки эътирозларига чек қўйишга хизмат қилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2019 йил 27 июндаги РС-41-19-сонли қарори билан “Судларда суд мажлисларини аудио ва видео қайд этиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган ҳамда зарур техник жиҳозлаш босқичма-босқич амалга оширилиб, 2021 йил 1 июнь ҳолатига 395 та суд залига ўрнатилган аудиоёзув ускуналарида 583 та суд мажлисини ўтказиш имконияти яратилган. Шунингдек, суд

¹⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4459-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/2037985>

¹⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3327998>

мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши процесс иштирокчиларига қулай шароитларни яратибгина қолмасдан, ишларни кўришда тезкорликка ҳамда процессуал муддатларнинг тежалишига ҳам сабаб бўлган.

Бундан ташқари, судья имзосини тасдиқлаш учун электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон суд ҳужжатларини тузиш, суд ҳужжатининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун QR-коддан фойдаланиш, суд қарорларини суд қарорлари банкида (депозитарий) сақлашни автоматлаштириш ва марказлаштиришни таъминлаш ва улардан интернет орқали фойдаланиш имконини яратиш, судлар фаолиятига оид маълумотларни марказлашган ҳолда йиғиш, қайта ишлаш ва сақлашни автоматлаштириш чора-тадбирлари ҳам судьяларнинг одил судлов соҳасидаги фаолиятининг холислигини таъминлашга замин яратади.

Шунингдек, судлар фаолиятини рақамлаштиришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлган судьяларнинг ижро ва меҳнат интизомига қатъий риоя қилишга мажбурлаб, уларни ўзини-ўзи ҳимоя қилишига сабаб бўлади. Статистика маълумотидан ҳам кўринишича, рақамлаштириш жорий қилиниши билан судларга нисбатан шикоятлар сони ҳам камайишига эришилган. Хусусан, Судьялар олий кенгашига судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан 2020 йилда келиб тушган 36 (2019 йилда 52) та шикоятдан атиги 5 тасида мурожаатдаги вазлар ўз тасдиғини топган бўлиб, 2 нафар судья лавозимидан озод этилган, 2 таси огоҳлантирилган, 1 тасига “ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилган¹⁵¹.

Судлар фаолиятига жорий қилинган электрон бошқарув тизимида хавфсизликни таъминлаш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада Олий суд Раёсатининг тегишли қарори билан ахборот технологияларидан фойдаланиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича “Ўзбекистон Республикаси Олий судида интернет тармоғидан фойдаланиш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг локал ҳисоблаш тармоғидан ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг корпоратив ҳисоблаш тармоғи тўғрисида”,

¹⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2020 йилда амалга оширган фаолияти тўғрисида ахборотнома. -Тошкент, 2021, -Б.23 https://www.sudyalaroliykengashi.uz/uploads/pages/%D0%D1%85%D0%B1%D0%BE%D1%80%D0%BE%D1%82%D0%BD%D0%BE%D0%BC%D0%B0%202020_compressed.pdf

“Ўзбекистон Республикаси Олий судининг корпоратив электрон почтаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий судида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида” низомлар қабул қилинган.

Судларни рақамлаштириш масаласи доимий равишда такомиллаштиришга муҳтож бўлиб, ҳаётий эҳтиёжлардан келиб чиқиб янги вазифаларни ҳал қилиб боришни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон қарори қабул қилиниб, унда 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури тасдиқланди. Дастурда суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш, апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, суд иштирокчиларини суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш, суд қарорларини онлайн тарзда тақдим этиш, 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш, суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш, судларда ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш каби вазифалар назарда тутилган¹⁵².

Судлар фаолиятига рақамли технологияларнинг жорий қилиниши судларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятига, судьяларнинг одил судловни амалга оширишга оид мутлақ ҳуқуқига бевосита таъсир этувчи янги механизмларнинг ҳам пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда бир қатор давлатларда суд ишларини “сунъий интеллект” ёрдамида ҳал қилиш йўлга қўйилган бўлса, айримларида ушбу механизмни амалиётга киритиш масаласи ўрганилмоқда.

Суд тизимидаги сунъий интеллект одил судловни ва суднинг бошқа функцияларини амалга оширишни назарда тутди. Одил судловни амалга оширишда сунъий интеллект – бу муайян ишлар бўйича суд амалиёти материаллари ҳамда қонун ҳужжатларини ўзида сақловчи, таҳлил қилувчи ва тегишли қарорни қабул қилувчи электрон дастурдир.

¹⁵² <https://lex.uz/docs/4979896#4980315>

Одил судлов самарадорлиги бўйича Европа комиссияси (СЕРЕЈ)нинг маълумотига кўра сунъий интеллект Франция, Буюк Британия, АҚШ ва бошқа бир қатор давлатлар суд тизимида қўлланиб келинмоқда. Мазкур дастурдан асосан маълумотларни таҳлил қилишда фойдаланилмоқда, фақат Францияда фуқаролик ҳуқуқи, Буюк Британия ва АҚШда эса фуқаролик ва жинойт ҳуқуқи соҳасида қўлланилмоқда¹⁵³. Хусусан, АҚШда LexMachine платформаси ёрдамида суд муҳокамаси натижасини олдиндан башорат қилиш¹⁵⁴, Буюк Британияда Money Claim Online тизими орқали электрон суд буйруғи бериш имкони яратилган¹⁵⁵.

Рақамлаштириш жараёни суд иши юритувини тезлаштиришга, судга мурожаат қилиш ва якуний суд қарори қабул қилиш оралиғидаги вақтни қисқартиришга, ҳуқуқни қўлловчининг меҳнатини енгиллатишга, иш самарадорлиги ва ҳамкорлик даражасини оширишга қаратилган бўлсада, бироқ судга иши тушган ҳар қандай шахс судда кечаётган жараёнларни одил судловни амалга оширишга сарфланаётган вақт нуқтаи назаридан эмас, балки адолат, мустақиллик ва холисликнинг таъминланиши асосида баҳолайди¹⁵⁶. Фуқаролар назарида судьяларнинг инсоний ва малакавий фазилатлари рақамлаштириш жараёнларининг у ёки бу дастурига нисбатан анча муҳим ижобий ҳолат сифатида тавсифланади. Судьянинг ахлоқан ва маънан ҳаракат қилиш, шунингдек, раҳм-шафқат ва инсонпарварлик тамойилларини амалда қўллаш қобилияти ҳақидаги ҳар қандай шубҳа фуқароларнинг судьяларнинг холислиги ва қарорларининг адолатлилигига ишончини йўқотишга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун асосий эътибор судьяларнинг мустақиллигига, уларнинг малакаси ва адолатлилигига қаратилиши зарур бўлиб, бунда одил судловни амалга ошириш тезлигининг аҳамияти иккинчи даражали масаладир. Зеро, ишда иштирок этувчи шахслар суд жараёнини қисқа вақт давомида якунланишидан

¹⁵³ European judicial systems - Efficiency and quality of justice. <https://www.coe.int/en/web/sepej/sepej-national-correspondents> (дата обращения: 09.11.2019).

¹⁵⁴ <https://lexmachina.com/legal-analytics/>

¹⁵⁵ <https://www.moneyclaim.gov.uk/web/mcol>

¹⁵⁶ Воскресенский Ф.А., Тимченко А.В. Ожидания российского общества от правосудия: поможет ли цифровизация? // Российский журнал правовых исследований. – 2019. - № 4 (21). – с. 108-120.

манфаатдор бўлсаларда, уларнинг асосий мақсади қонуний ва адолатли суд қарорига эришишдир¹⁵⁷.

Бундан ташқари, рақамлаштириш жараёни натижасида суд мажлисларини аудио, видео қайд этиш ва онлайн кўрсатишнинг жорий қилингани судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигига олиб келган бўлсада, бироқ жамият эҳтиёжини фақат булар билан қондириб бўлмайди. Ишда иштирок этувчи шахсларга судьянинг ишни кўриш бўйича хатти-ҳаракатлари, тарафларга муносабати ва муомаласи, қабул қилган қарорининг мазмуни, якуний хулосага келишда қандай далиллардан фойдаланганлиги ҳам тушунарли ва шаффоф бўлиши лозим. Айнан тушунарли ва асослантирилган суд қарорлари фуқароларнинг суд ҳокимиятига ишончини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Бу борада рақамли ислохотлар ҳар бир фуқарога суд қарори билан монеликсиз танишиш, суднинг веб-сайтида жойлаштирилган шунга ўхшаш суд қарорлари билан солиштириш имконини бериш мақсадини ҳам кўзлайди, бу эса ўз навбатида суд қарорининг жамият томонидан қабул қилинишига ижобий таъсир кўрсатади. Боз устига, жамият нафақат суд қарорлари ва суд жараёнининг очиқлигидан, балки суд қарорларини қабул қилишга асос бўлган сабаб ва шароитларни суд томонидан тушунтириб берилишидан кўпроқ манфаатдордир. Концептуал жиҳатдан суднинг адолатли эканлигини у томонидан қабул қилинган қарорларни фуқаролар томонидан қабул қилиш ва тушунишга эришмасдан амалда таъминлаб бўлмайди. Агар суднинг қарори билан қисқа муддатда танишиш имконияти яратилган бўлса-ю, бироқ у асослантирилмаган, бир ёқлама ва мантиқий хатоларга эга бўлса, яратилган бундай қулайликдан ҳеч қандай наф бўлмайди. Шунинг учун судлар фаолиятини рақамлаштириш ва ахборотлаштириш жамиятнинг асосий эҳтиёжи бўлмиш адолатга эришишни қондириш имконини яратишга қаратилиши зарур.

Назорат саволлари:

1. Судлар фаолиятини рақамлаштириш судларни коррупциясиз соҳага қай даражада айлантириши мумкин деб ҳисоблайсиз?
2. Мамлакатимизда сўнгги йилларда судлар фаолиятини рақамлаштиришга қаратилган қандай ислохотлар амалга оширилди?

¹⁵⁷ Савкина М.А. Доверие граждан к правосудию: состояние и перспективы // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. 2013. № 6 (1). С. 317–320.

3. Фикрингизча, судлар фаолиятига сунъий интеллектни жорий қилиш мақсадга мувофиқми? Қайси соҳаларига жорий қилиниши лозим деб ўйлайсиз?

4. Суд ишларини сунъий интеллект ёрдамида ҳал қилишга муносабатингиз. Сунъий интеллект судьянинг ўрнини босиши мумкинми?

9-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

1-§. Судларда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари тавсифи

Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати институтини жорий қилиш ва уни такомиллаштириш амалга оширилаётган ислохотларининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Хусусан, судлар фаолиятида жамоатчилик назоратини амалга ошириш нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг процессуал кафолати, балки жамиятда қонунийликни ўрнатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида ҳам эътироф этилади. Бу ўз навбатида давлат органлари, улар мансабдор шахслари ва фуқароларнинг қонун талабларига сўзсиз риоя қилиши, содир этилган ёки этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар бартараф қилиниши ва унинг олди олиниши, фуқароларнинг судгача, суд жараёнида ва ундан кейинги даврлардаги ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилиниши, одил судловни сифатли ва қонуний амалга оширилишини таъминлашга замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида: ***“Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга мурасасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташиқил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт”***, - деб таъкидлаган эди.

Шунингдек, 2020 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармонида коррупция

ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратиш зарурлиги, ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторининг бошқа вакиллари ҳам кенг жалб этиш зарурлиги белгиланган.

Ўзбекистон 2010 йил март ойида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул (2003 йил 10 сентябрь) режасига қўшилди. Унга мувофиқ мазкур ташкилот томонидан Ўзбекистондаги коррупциявий ҳолат баҳоланиб борилади ва коррупцияни йўқ қилишга қаратилган тегишли тавсиялар берилади. Мазкур тавсияларнинг бирида Судьяларнинг олий малака ҳайъати ва жойлардаги судьяларнинг малака ҳайъатлари таркибини барча бўғиндаги судлар судьялари ва жамоатчилик институти вакиллари ҳисобидан шакллантириш назарда тутилгани ҳам жамоатчилик назоратининг мазкур тузилмалар фаолиятида нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Судларда жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асослари моддий ва процессуал қонунларда назарда тутилган бўлиб, уларда белгиланган қоидалар асосида жамоатчилик вакиллари фуқароларнинг судга қадар, одил судловни амалга ошириш ва ундан кейинги босқичлардаги ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилинишида иштирок этишлари мумкин. Суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарорлари устидан шикоят қилиш – судга қадар, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари устидан шикоят қилиш, судлар фаолиятига оид ахборотга эга бўлиш ва ундан фойдаланиш, одил судловни амалга оширишда иштирок этиш кабилар – суд даврида, суд қарорининг ижроси давридаги хатти-ҳаракатлар (ҳаркатсизлик) устидан шикоят қилиш – суддан кейинги даврдаги назоратни амалга оширишни назарда тутати. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 27-моддасида процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақли эканликлари белгиланган. Шунингдек, ЖПКнинг 298-моддасида жиноят ишини кўриш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланганидан кейин суд хусусий ажрим чиқариб, унда тегишли давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, жамоат бирлашмаларидан, жамоалардан ёки мансабдор шахслардан ана шу

сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилиши белгиланган¹⁵⁸. Мазкур жиноят кенг жамоатчилик вакиллари орасида муҳокама қилиниши натижасида уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш орқали эшитув шаклидаги жамоатчилик назорати амалга оширилади.

Жамоатчилик назоратининг мазмунини назоратни амалга ошириш элементлари бўлмиш муайян объектларнинг фаолиятини кузатиш, улар томонидан вазифа ва топшириқларнинг бажарилиши ҳақида аниқ маълумот олиш ва уни таҳлил қилиш, сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, қонунбузилиши, салбий оқибатлар, зарар, бахтсиз ҳодиса, мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳаракатлар ва чиқимлар қилиш ҳолатларини, шу жумладан ҳуқуққа хилоф фаолиятнинг ва янги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳисобини юритиш, уларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, айбдорларни аниқлаш каби чоратадбирлар ташкил қилади.

2-§. Судларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари

Жамоатчилик назоратининг асослари қуйидагилардан иборат:

а) жамоатчилик назоратини шакллантириш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси. Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг норматив-ҳуқуқий асосини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) умумий мазмундаги қонунчилик (Конституция, “Судлар тўғрисида”ги Қонун ва ҳ.к.);

2) жамоатчилик назоратини бевосита тартибга солувчи қонунчилик (“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун, процессуал кодекслар, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунлар ва ҳ.к.);

б) жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар ва уларнинг ваколатлари белгиланган ҳуқуқий асос. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари жамоатчилик назоратини

¹⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 298-моддаси. <https://lex.uz/docs/111460>

амалга оширувчи субъектлар бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари моддий ва процессуал қонунларда мустаҳкамланади;

в) жамоатчилик назоратини амалга оширишда қўлланиладиган ҳуқуқий воситалар, усуллар ва шакллар. Айнан ҳуқуқий воситаларнинг норматив хусусиятга эгаллиги жамоатчилик назоратининг қонунийлигини келтириб чиқаради. Унинг таркибига давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар юбориш, давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш киради;

г) жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий асос. Унга жамоатчилик назоратини тўғри ва самарали ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар, қоидалар, йўл хариталари кабилар киради.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида жамоатчилик назорати шакллари белгиланган бўлиб, уларни барча давлат органлари қатори судлар фаолиятида ҳам амалга оширилиши мумкин бўлган умумий жамоатчилик назорати шакллари сифатида эътироф этиш мумкин. Бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар эса суд ишларини юритиш соҳасида махсус жамоатчилик назорати шакллари ҳам мавжудлигини қайд этишади. Жумладан, улар халқ маслаҳатчилари институти, суд органлари тизимида фаолият юритувчи жамоатчилик вакиллари иштирокини жамоатчилик назорати шакли сифатида эътироф этадилар¹⁵⁹. Шу нуқтаи назардан судлар фаолиятини жамоатчилик

¹⁵⁹ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг долзарб масалалари / Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Б.Х.Пўлатов. –Тошкент. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи». 2019. – 92 б;

Ўсаров О. Халқ маслаҳатчилари институти судлар фаолияти очиклигини таъминлашга хизмат қилади. https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/halq_maslahatchilari_sudlar_faoliyati_ochiqligi_va_odilligini_taminlashgahizmatqiladi

Дўсманов С. Халқ маслаҳатчиси ҳаққоний ишласа, адолат ўрнатилишида муҳим ўрин тутди. <http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENTID=4105715>

Ҳакимов М. Халқ маслаҳатчилари институти ва одил судлов. <http://www.uz.uz/oz/society/khal-masla-atchisi-a-> Рустамов Л.Р. Одил судлов-нинг демократик асослари // Ҳуқуқ

томонидан назорат қилиб боришнинг умумий ва махсус жамоатчилик назорат шакллари мавжуд деган хулосага келиш мумкин.

Умумий назоратни амалга ошириш таркибига суд мажлисларида иштирок этиш, судларга мурожаатлар йўллаш, жамоатчилик экспертизаси, эшитуви ва муҳокамаларини ўтказиш кабиларни киритиш мумкин.

Махсус назорат суд ишларини кўриш ва судлар фаолиятини ташкил этишда бевосита иштирок этишни назарда тутди. Унга суд процессида жамоат айбловчилари, жамоат ҳимоячилари, халқ маслаҳатчилари сифатида иштирок этиш, имтиҳон ва бошқа комиссиялар таркибида иштирок этиш, Олий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари ва Судьялар олий кенгаши фаолиятидаги жамоатчилик вакилларининг иштироки кабиларни киритиш мумкин.

Судларда жамоатчилик назоратининг **мурожаатлар ҳамда сўровлар йўллаш** турлари нисбатан кенг тарқалган. Суд ишларини юритишга оид процессуал қонунчилик ва “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, судларга мурожаат қилиш икки турда амалга оширилиши мумкин. Биринчидан, муайян суд иши билан боғлиқ бўлмаган “ариза”, “таклиф” ва “шикоят”, иккинчидан, муайян низо ва иш билан боғлиқ бўлган “ариза”, “даъво ариза”, “илтимоснома” ва “шикоят” кўринишида. Даъво ариза ва илтимосномалар асосан суд ишларини юритишда низо ёки суд иши билан боғлиқ бўлган мурожаатлар сифатида эътироф этилади. Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, “ариза”, “таклиф” ва “шикоят”ни жамоатчилик назорати шакллари сифатида эътироф этиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, барча **судларда ишларнинг очик кўрилиши**, Олий суд Пленуми ва Судьялар олий кенгаши мажлислари ва бошқа тадбирларда жамоатчиликнинг иштирок этиб бориши, нафақат ушбу мажлисларнинг ошкоралигини, балки жамоатчиликнинг судларга бўлган ишончини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

магистирлигини олиш учун диссертация. –Т.: 2007. – 74 б. oniy-ishlasa-adolat-rnatilishida-mu-im--19-04-2019.

Қаранг: // <http://old.xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/628-xalq-maslahatchilari>;
Э.Собиров Суд ҳокимияти ва жамоатчилик назорати. “Одиллик мезони” 3-сон.

<https://sud.uz/wp-content/uploads/2022/01/3-OS-2021.pdf>

“Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши процесс иштирокчиси бўлмаган шахсларнинг суд мажлисларида иштирок этишга оид назорат шаклининг янги босқичга кўтарилишига имкон берди. Шунингдек, қонунчиликда Олий суд Пленуми мажлисларида Илмий-маслаҳат кенгаши аъзоларининг иштироки назарда тутилганлиги ҳам Пленум қарорларини қабул қилишда жамоатчилик вакиллариининг фаол иштирок этишига замин яратади.

Бундан ташқари, судларда жамоатчилик назоратининг шакли бўлган **жамоатчилик муҳокамаси** асосан ижтимоий аҳамиятга молик бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг лойиҳаларини таҳлил қилиш, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритишда жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилади. Хусусан, судлар томонидан қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш, шунингдек қонунчилик ташаббуси тартибида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда жамоатчилик муҳокамалари ўтказилиши мумкин.

Судлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва суд тизимини такомиллаштиришда **жамоатчилик фикрини ўрганиш** муҳим аҳамиятга эга. Бу эса фуқаролар ўртасида сўровномалар ўтказиш, натижалари якуни бўйича судлар фаолиятига нисбатан жамоатчиликнинг фикрини билиш, судлар фаолиятидаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради. Шу нуктаи назардан, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотга эга бўлиш эркинлиги, судларда ишларни кўришнинг ошкоралигини баҳолаш ва бошқа муҳим масалалар юзасидан мунтазам ижтимоий сўровларни ўтказиб бориш жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда судлар фаолиятини такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш имконини беради.

Судларда жамоатчилик назоратининг навбатдаги шаклларида бири – бу **жамоатчилик эшитув** ҳисобланади. Жамоатчилик эшитувлари судлар томонидан ташкил этиладиган брифинглар, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар каби тадбирларни назарда тутади. Хусусан, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 35, 37, 41, 52, 56-моддаларида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини

хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят, туманлараро, туман, шаҳар судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказилиши назарда тутилган. Судлар томонидан ўтказиладиган брифинг, очик мулоқот ва давра суҳбатлари жамоатчиликни судлар фаолиятига оид маълумотлар билан таништиришни, хабардор қилиб боришни назарда тутади.

Судлар фаолиятини **жамоатчилик томонидан мониторинг қилиб бориш** амалиёти ҳам бугунги кунда оммалашган бўлиб, журналистлар ёки жамоатчилик назоратининг бошқа субъектлари томонидан судлар фаолияти билан боғлиқ фактлар ва ҳолатларни текшириш бўйича ҳаракатлар мажмуи сифатида эътироф этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган фикрлаш, сўз эркинлиги тамойилидан келиб чиқиб, жамоатчилик мониторингини амалга ошириш суд қарорлари ёки судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан фикрларни ёки қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этишни назарда тутади.

Хулоса қилиб айтганда, судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши, авваламбор, суд тизимида коррупцияга қарши самарали курашишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, у нафақат судларнинг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга, балки жамиятда адолатни таъминлаш ва қонун устуворлигига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Назорат саволлари:

1. Суд ишларини кўришда жамоатчилик назорати қандай шаклларда амалга оширилади?
2. Жиноят ишларини кўришда “ҳалқ маслаҳатчиси” институтини янада ривожлантиришга муносабатингиз?
3. Судлар фаолиятини жамоатчилик томонидан назорат қилинишининг ижобий ва салбий жиҳатларини амалий мисоллар билан ёритиб беринг.
4. Судлар фаолияти ҳақида ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш одил судловни қонуний амалга оширишга ҳамда коррупцияни йўқ қилишга таъсир қилади деб ҳисоблайсизми?

Казус.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ фуқаролар коррупцияга қарши

курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкинлиги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунига биноан эса Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамоатчилик назорати субъектлари эканлиги белланган.

Казус юзасидан саволлар:

1. Сизнингча, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқароларнинг иштироки қайси шаклларда амалга оширилади?

2. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқароларнинг бевосита иштирок этишини қандай тартибда такомиллаштириш мумкин?

10-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

1-§. Судларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш - суд тизимида коррупциянинг олдини олиш гарови сифатида

Суд тизимида коррупциявий ҳолатларни олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш омиллардан бири – бу молиявий жиҳатдан таъминланганлик бўлиб, бу ўз навбатида судлар фаолиятига ташқи таъсирни камайтириш, одил судловни холис амалга ошириш, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш, малакали ва билимли судьялар корпусини шакллантириш, суд ҳокимияти нуфузини ошириш, аҳолининг судларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан суд ҳокимиятининг ўз эҳтиёжлари учун зарур пул маблағларига эга бўлиш ва улардан мустақил фойдаланиш, судьяларни мақомига муносиб равишда моддий-техник ва ижтимоий таъминлаш ўта муҳим вазифалардан саналади.

Халқаро андозалар ҳар бир давлатга суд тизимининг етарли даражада молиялаштирилишини кафолатловчи нормаларни ўзининг конституциясида белгилашни назарда тутди. Хусусан, Судьялар умумжаҳон хартиясининг 8-моддасида судьяларни рағбатлантириш қоидалари қонун ҳужжатларида энг юқори даражада мустаҳкамланиши лозимлиги қайд этилган¹⁶⁰. Европа Кенгашининг 1994 йил 13 октябрдаги Судьялар мустақиллигига оид тавсияларининг 2(a,b) тамойилларида ҳам судьялар мустақиллиги конституция ёки бошқа қонун ҳужжатларига аниқ нормаларни киритиш орқали кафолатланиши лозимлиги белгиланган¹⁶¹. АҚШ, Япония, Сингапур, Малайзия, Германия, Россия Федерацияси, Молдова, Украина каби давлатларда судьяларни моддий рағбатлантириш асослари Конституция ва махсус қонунларда мустаҳкамланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 140-моддасига кўра судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан амалга оширилади ҳамда у одил судловни тўлиқ ва

¹⁶⁰https://www.unodc.org/res/ji/import/international_standards/the_universal_charter_of_the_judge/universal_charter_2017_russian.pdf

¹⁶¹ [http://hrlibrary.umn.edu/russian/euro/RRec\(94\)12.html](http://hrlibrary.umn.edu/russian/euro/RRec(94)12.html)

мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши керак¹⁶². РФ Конституциясининг 124-моддасига кўра судларни молиялаштириш фақат федерал бюджетдан амалга оширилади ва одил судловни федерал қонунчиликка мувофиқ тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имконини таъминлаши шарт¹⁶³. Сингапур Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Парламент қонун даражасида Олий суд судьяларининг моддий таъминотини белгилаши, судьяларни рағбатлантириш ва бошқа хизмат шартлари (шу жумладан пенсияга чиқиш ҳуқуқи) судья лавозимга тайинланганидан кейин унинг зарарига ўзгартирилиши мумкин эмас¹⁶⁴. Украина Конституциясининг 130-моддасига кўра давлат судлар ва судьялар фаолиятини молиялаштиради ва зарур шароитлар яратади. Украина давлат бюджетида судларни сақлаш учун харажатлар алоҳида сатрда Олий суд кенгашининг таклифи асосида белгиланади¹⁶⁵.

Судларни моддий-техник таъминлашда коррупциявий ҳолатларга йўл қўймаслик ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Шу боис, судларни моддий-техник таъминлаш масаласи алоҳида ўзига хос ёндашувни, яъни ушбу масалалар билан судьялар ҳамжамияти органлари шуғулланишини ҳамда қонунда белгиланган аниқ тартибга кўра давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилишини талаб этади.

Озарбайжон Республикасининг “Судлар ва судьялар тўғрисида”ги Қонунининг 90-моддасига мувофиқ ҳар бир суд махсус жиҳозланган бино, суд ҳокимиятининг рамзлари, судьяларнинг махсус кийими, зарур транспорт воситалари, ташкилий-техник ускуналар, бланка, штамп ва давлат герби туширилган муҳр билан таъминланади. Биринчи ва апелляция инстанция судларини молиявий таъминлаш бўйича харажатлар ҳақида тегишли таклиф Суд-ҳуқуқ кенгашининг ҳулосаси олинганидан сўнг ижро органига берилиши мумкин¹⁶⁶. Украинанинг “Суд тузилиши ва судьялар мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 148-моддасига мувофиқ давлат бюджетининг судларни таъминлаш бўйича умумий фонди харажатлари давлат бюджетининг ҳимоя қилинган харажатлар моддасига киритилган. Давлат бюджетининг

¹⁶² <https://lex.uz/uz/docs/6445145#6446095>

¹⁶³ <http://www.constitution.ru/10003000/10003000-9.htm>

¹⁶⁴ <https://worldconstitutions.ru/?p=294> <https://sso.agc.gov.sg/Act/CONS1963#pr98>

¹⁶⁵ <https://meget.kiev.ua/zakon/konstitutsia-ukraini/razdel-8/>

¹⁶⁶ <https://www.legislationline.org/download/id/3962/file/>

[Azerbaijan_law_on_Courts_1997_am2010_ru.pdf](#)

судларни таъминлаш харажатлари жорий молия йилида қисқартирилиши мумкин эмас¹⁶⁷.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Қонунининг 81-моддасида судьяларнинг иш ҳақи миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланиши қайд этилган. Шунга кўра, судьялар ва суд аппарати ходимларининг ойлик иш ҳақлари бир неча бор эҳтиёждан келиб чиқиб қонуности ҳужжатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сон, 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сон, 2021 йил 13 январдаги ПФ-6134-сон фармонлари билан белгиланган. Бу борада Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг 4-раунд мониторинги бўйича Ўзбекистонга берган 8-тавсиясида судьяларнинг лавозим маоши ва устамалар миқдори, шунингдек судларни таъминлаш бўйича органни шакллантириш тартиби, ваколатлари ва фаолият олиб бориш тартиби қонунда белгиланиши лозимлиги қайд этилган¹⁶⁸. Бу нафақат ички мустақилликни, балки қонунчилик ва ижро ҳокимияти органларининг судларга ташқи таъсирини ҳам бартараф этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3240-сон қарори билан Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда унинг Ижро этувчи дирекцияси тугатилиб, Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган¹⁶⁹. Жамғарма маблағлари судларга тўланадиган давлат божининг, ундириладиган жарималарнинг, суд қарори бўйича ундирилган сумманинг 5 фоизи миқдоридаги ажратмалар ва бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади. Жамғарма маблағлари суд биноларини қуриш, таъмирлаш, жиҳозлаш, суд ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, хизмат сафари, коммунал ва бошқа харажатларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланмаган қисмига, судьялар ва суд органлари ходимларига уй-жой сотиб олиш учун дастлабки бадални тўлаш, судьяларни формали кийим-бош билан таъминлаш, суд

¹⁶⁷ https://kodeksy.com.ua/ka/o_sudoustrojstve_i_statuse_sudej/statja-148.htm

¹⁶⁸ https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

¹⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги “Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3240-сон қарори.

ходимларининг малакасини ошириш, ўқитиш ва стажировка ўташи ва бошқа мақсадларга йўналтирилади¹⁷⁰.

“Судлар тўғрисида”ги Қонунда судлар фаолиятининг моддий-техника ва молиявий таъминоти ҳамда судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти алоҳида ажратилиб, уларга оид қоидалар турли бобларда белгиланган. Хусусан, судларнинг таъминоти сифатида улар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш, биноларини қўриқлаш ва сақлаб туриш, алоҳида бино ва автотранспорт билан таъминлаш белгиланган бўлса, судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти таркибига уларга иш ҳақи, мукофотлар ва моддий ёрдам тўланиши, ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилиш, меҳнатда майиб бўлганда ёки вафот этганда, соғлиғига шикаст етказилганда компенсация тўлаш, етказилган зарарни қоплаш, меҳнат таътили ва пенсияга чиқиш, уй-жой билан таъминлаш назарда тутилган¹⁷¹. Демак, судларнинг моддий-техник таъминоти судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминотидан фарқлансада, ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, биргаликда суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллигини ташкил этади.

Суд ҳокимиятининг ўз бюджетини мустақил белгилаши ҳам муҳим кафолат ҳисобланади, бинобарин давлат бюджетини тасдиқловчи органлар ва шахслар суд тизимининг эҳтиёжларини эътиборга олишлари шарт. Ресурсларнинг етишмаслиги суд тизимининг коррупцияга мойиллигини келтириб чиқариши, унинг мустақиллиги ва холислигини сусайтириши мумкин. Суд тизими учун зарур бўлган ресурсларни ажратишда судьялар ёки судлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилиши керак¹⁷². Бу борада суд ҳокимиятининг ўз бюджетини қабул қилишда иштирок этмаслиги асосий муаммолардан саналади. Маблағларни чегаралаш ҳар қандай тузилма устидан назорат ўрнатишнинг энг кенг тарқалган ва самарали усулларида биридир. Зеро, ҳокимият бошқа тармоқларининг суд тизими учун ажратилаётган маблағларни тақсимлаш ва тасарруф этиш жараёнидаги кучли таъсири уларнинг

¹⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3240-сон қарори билан тасдиқланган “Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида” Низом. <https://lex.uz/docs/3323071#3323131>

¹⁷¹ “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 81-90-моддалар. <https://lex.uz/docs/5534923>

¹⁷² Коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича стратегия режаси. Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича Халқаро юристлар комиссияси Маркази (САММ). САММ йилномаси. 2000 йил. 127-бет.

суд ишларига таъсир ўтказиш бўйича реал имкониятни келтириб чиқаради. Киев конференцияси тавсияларига кўра, суд тизими бюджети бўйича таклифларни суд ҳокимияти манфаатларини ифодаловчи орган, масалан, судьялар кенгаши ҳукуматга тақдим этиши, бюджет муҳокамасида парламент олдида чиқиш қилиш имкониятига эга бўлиши лозим¹⁷³. БМТнинг Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларини самарали амалга ошириш Тартибида ҳам давлатларга суд тизимининг самарали ишлаши учун тегишли ресурсларни ажратиш, шу билан бирга, судларни зарур техник ходимлар ва жиҳозлар билан таъминлаш, судьяларни тегишли шахсий хавфсизлик, иш ҳақи ва тўловлар билан таъминлаш мажбурияти юклатилган¹⁷⁴. Швейцариянинг Федерал Олий суди ўзининг бюджетини бевосита Федерал Парламентга тақдим этиш, Олий суд раиси ва Бош котиби эса парламентда ўз бюджети ҳимояси бўйича чиқиш қилиш ваколатига эга. Литва Республикасининг ҳар бир суди алоҳида бюджетга эга бўлиб, давлат бюджетининг алоҳида сатрида белгиланади ва парламент томонидан тасдиқланади¹⁷⁵. “Суд тузилиши тўғрисида”ги Молдова Қонунининг 22-моддасига кўра судларнинг нормал ишлаши учун зарур молиявий маблағлар Магистратура олий кенгашининг тақдимномасига биноан парламент томонидан тасдиқланади ва давлат бюджетига киритилади. Ушбу маблағлар Магистратура олий кенгашининг розилигисиз камайтирилмайди ва доимий равишда тўланади¹⁷⁶. Арманистон Республикаси Суд кодексининг 38-моддасига кўра судларни ва Судьялар олий кенгашини молиялаштириш Суд департаменти орқали давлат бюджетидан назарда тутилган харажатлар доирасида амалга оширилади. Судларни молиялаштириш бўйича бюджетга ариза Ҳукумат томонидан қабул қилинади ва давлат бюджети лойиҳасига киритилади, агар эътирозлар мавжуд бўлса лойиҳа билан бирга Миллий Мажлисга тақдим этилади. Ҳукумат Миллий Мажлис ва Судьялар олий кенгашига асослантирилган эътирозларини тақдим этади. Бюджет лойиҳаси ва ўрта муддатга мўлжалланган харажатлар дастури бўйича суднинг манфаатларини Миллий

¹⁷³ Шаркий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги масалалари бўйича Киев конференцияси тавсияларининг 6-банди. 23-25 июнь 2010 йил.

¹⁷⁴ <http://docs.cntd.ru/document/901747236>

¹⁷⁵ Заключение №2 Консультативного совета европейских судей (КСЕС). Страсбург, 23 ноября 2001г. <https://rm.coe.int/1680747dde>

¹⁷⁶ MLD_Law on the Organization of Judiciary_am2013-ru.pdf (legislationline.org)

Мажлисида Судьялар олий кенгаши раиси ёки унинг розилигига кўра Суд департаменти раҳбари ҳимоя қилади¹⁷⁷.

Демак, судларни моддий-техник таъминлаш фақат давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши, судларнинг молиявий харажатлар сметаси лойиҳаси ҳукуматга судьялар ҳамжамияти органи томонидан тақдим этилиши ва унда сўралган маблағ ҳукумат томонидан камайтирилишига йўл қўйилмаслиги, барча таклиф ва эътирозлар парламентда муҳокама қилиниб, ажратилган пул маблағларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш судьялар ҳамжамияти органининг розилиги билан амалга оширилиши судларнинг молиявий мустақиллигини таъминлашнинг асосий механизмларидан бири ҳисобланади.

Суд ҳокимиятининг нормал фаолият юритиши учун ажратилган пул маблағларини сарфлашда махсус орган ёки судьялар ҳамжамияти органларининг фаол иштироки мазкур соҳада коррупциявий омилларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шунинг учун кўплаб давлатлар ўзининг суд тизими таркибида суд ресурсларини бошқариш учун масъул бўлган органларни тузади. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сон Фармони билан Олий суд ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил қилиниб, унинг фаолиятини Олий суд мувофиқлаштиради ва назорат қилади¹⁷⁸.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ судьяларнинг моддий таъминоти уларнинг ойлик маоши ҳамда ижтимоий таъминотидан иборат бўлиб, кундалик ҳаётидаги барча моддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Шу боис, судьяларнинг меҳнат фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ моддий-техник таъминоти судлар таъминотига тааллуқли бўлиб, судьяларнинг шахсий таъминоти сифатида қаралиши нотўғри. Бу борада судьяларнинг ижтимоий-иқтисодий кафолатларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) судьяларни тегишли меҳнат шароитлари билан таъминлаш (судьяларнинг иш юкламаси, судларнинг техник воситалар, судьяларнинг юридик адабиётлар ва ҳ.к. билан таъминланганлиги);

¹⁷⁷ Legislation: National Assembly of RA (parliament.am)

¹⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3121087>

2) судьяларни моддий-ижтимоий таъминлаш (иш ҳақи, уй-жой билан таъминлаш, дам олиши ва ҳ.к.)”.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 81-моддасига мувофиқ судьяларнинг иш ҳақи ойлик лавозим маошидан, малака даражаси, кўп йиллик хизмати, фахрий унвони учун ҳар ойлик устама ҳақлардан иборат¹⁷⁹. Амалда эса алоҳида меҳнат шароитлари ва давлат хизматчилари учун қўшимча устамалар ҳам иш ҳақиға қўшиб ҳисобланади, шунингдек судьялар суд раислари томонидан қўшимча рағбатлантирилиши мумкин. Судьяларнинг иш ҳақи миқдорини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалға оширилади.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибаси қуйидагича: Озарбайжон Республикасининг “Судлар ва судьялар тўғрисида”ги Қонунининг 106-моддасида Олий суд раисидан қуйи суд судьясигача ойлик маошларининг аниқ миқдори белгиланган бўлиб, ҳар беш йиллик судьялик стажи ва илмий даража учун 15 фоизлик устама тўланиши, ваколатларини амалға ошириш билан боғлиқ харажатлар учун Олий суд судьяларига ойлик маошларининг 25 фоизи, апелляция инстанцияси судьяларига 20 фоизи, биринчи инстанция судьяларига 15 фоизи миқдорида солиққа тортилмайдиган пул миқдори тўланиши, судьянинг фаолияти даврида унинг ойлик маоши миқдори камайтирилиши мумкин эмаслиги белгиланган¹⁸⁰. Украинанинг “Суд тузилиши ва судьялар мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 135-моддасига мувофиқ судьяларнинг таъминоти ушбу Қонун билан тартибға солинади ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланиши мумкин эмас. Судья таъминоти лавозим маоши ва қуйидаги қўшимча тўловлардан иборат: 1) кўп йиллик хизмат; 2) суддаги маъмурий лавозим; 3) илмий даража; 4) давлат сирига оид ишни бажариш. Лавозим маошининг базавий миқдори маҳаллий суд судьяси учун меҳнатға лаёқатлилар учун белгиланган энг кам яшаш миқдорининг 30 баробари, апелляция суди ва олий махсуслаштирилган суд судьяси учун 50 баробари, Олий суд судьяси учун 75 баробарини ташкил этади. Суд раисининг ўринбосари, судлов палатаси раиси ва котиби, Олий суд Пленуми котиби, Олий суд Юқори палатаси котибига

¹⁷⁹ “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 81-моддаси. <https://lex.uz/docs/5534923>

¹⁸⁰ <https://www.legislationline.org/download/id/3962/file/>

Azerbaijan_law_on_Courts_1997_am2010_ru.pdf

тегишли суд судьяси мансаб маошининг 5 фоизи миқдорида, суд раисига эса 10 фоизи миқдорида ойлик устама тўланади¹⁸¹.

Суд аппарати ходимларини ҳам етарли миқдорда моддий-техник таъминлаш судлар фаолиятида коррупцияга қарши курашишнинг ажралмас қисмидир. Одил судлов мустақиллиги тўғрисидаги Монреаль универсал декларациясида (1983 й.) судларни одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган воситалар билан, шу жумладан судьяларни мустақил, муносиб ва самарадор фаолият юритиши учун шароит яратадиган моддий восита ва уй-жойлар, муносиб бўлган суд ва маъмурий кадрлар ва етарли маблағ билан таъминлаш давлатнинг энг олий вазифаси эканлиги кўрсатилган (2.41-банд)¹⁸². Европа Иттифоқи Вазирлар Кенгашининг “Судьяларга оид: мустақиллик, самарадорлик ва мажбуриятлар” (2010)12-тавсиясида судьяларга ўз вазифаларини бажариши ва самарадорликка эришишига имкон берадиган шароитлар яратиб бериш, судьялик мақоми ва моддий таъминоти улар касбининг кадр-қимматига ва зиммасига олаётган масъулиятига жавоб берадиган даражада судьяларни ҳимоя қилиш ҳамда мустақиллиги ва беғаразлигини ҳурмат қилиш давлатнинг тўғридан-тўғри вазифаси эканлиги белгиланган¹⁸³.

Судьяларни уларнинг малака даражасига кўра моддий таъминотини ошириб бориш тартиби ҳам мавжуд. “Судлар тўғрисида”ги Қонун билан тасдиқланган “Судьяларнинг малака даражалари тўғрисида”ги Низомга кўра ҳар бир малака даражасида бўлиш муддатлари ижобий малака аттестацияси мавжуд бўлган тақдирда судьяларга навбатдаги малака даражасини бериш тегишли судьялар малака ҳайъатлари хулосасига биноан Судьялар олий малака ҳайъати томонидан берилади, судьяларни малака аттестациясидан ўтказиш тартиби қонун билан тасдиқланадиган низомда белгиланади¹⁸⁴.

Россия Федерацияси, Украина, Грузия ва Беларусь каби давлатларнинг тажрибаси судьяларни мукофотлаш тизими нафақат уларнинг иш ҳақи ва меҳнат стажи учун қўшимча тўловлардан,

¹⁸¹ Закон Украины “О судоустройте и статусе судей”. Ст.135. https://www.legislationline.org/download/id/8755/file/Ukraine_law_organisation_courts_status_judges_2016_am2017_ru.pdf

¹⁸² <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2016/02/Montreal-Declaration.pdf>

¹⁸³ <http://base.garant.ru/70390732/>

¹⁸⁴ Судьяларнинг малака даражалари тўғрисида”ги Низомнинг 4,5,8-моддалари. <https://lex.uz/docs/5534923#5539189>

балки илмий даражага эга бўлган судьяларга қўшимча тўловларни, судлар учун ажратилган пул маблағларини қайтариб олмаслик кафолатларини ҳам қамраб олади. Шунингдек, ушбу давлатларда судьялик стаж ва судьянинг кўп йиллик меҳнати учун устамаларни белгилашда унинг махсус профессионал тайёргарликдан ўтган даври ҳам қўшиб ҳисобланади. Озарбайжон Республикасида хизмат мажбуриятларини намунали бенуқсон бажарган, шунингдек одил судлов самарадорлигига муносиб ҳисса қўшган судьялар Суд-ҳуқуқ кенгаши қарори билан қуйидагича рағбатлантирилиши мумкин: 1) ташаккурнома эълон қилиш; 2) судьяни мукофотлаш¹⁸⁵.

2-§. Судьяларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – коррупцияга қарши курашнинг муҳим омили

Судьяларнинг моддий таъминоти билан бир қаторда уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ҳам ўта муҳим аҳамият касб этиб, тизимда коррупциянинг олдини олишга, судьялар ҳаёти ва саломатлигини сақлашга, молиявий мустақиллигини ва жамиятда нуфузини оширишга хизмат қилади.

Судьяларнинг ижтимоий муҳофазаси – бу уларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг махсус тури бўлиб, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш ва фаолиятларини эркин амалга оширишлари учун қонунда белгилаб қўйиладиган зарур ижтимоий, иқтисодий, моддий неъматлар билан таъминлаш бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

Ижтимоий таъминот қонунда белгиланган ҳолларда муайян юридик фактлар вужудга келганда фуқароларнинг ижтимоий ҳолатини тенглаштириш мақсадида тасдиқланган шахслар доираси учун давлат томонидан ташкиллаштирилган ёрдам шаклидир¹⁸⁶. Судьяларнинг ижтимоий муҳофазасини кенг маънода тушуниш инсоннинг зарур ижтимоий ресурсга эга бўлиши ва жамиятга ижобий мослашишида намоён бўлади. Ижтимоий ҳимоя чоралари қонунчиликда пул тўловлари, натура шаклида, хизмат кўрсатиш,

¹⁸⁵ Озарбайжон Республикасининг “Судлар ва судьялар тўғрисида”ги Қонунининг 110-моддаси. Azerbaijan_law_on_Courts_1997_am2010_ru.pdf (legislationonline.org)

¹⁸⁶ https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A1%D0%BE%D1%86%D0%B8%D0%B0%D0%BB%D1%8C%D0%BD%D0%BE%D0%B5_%D0%BE%D0%B1%D0%B5%D1%81%D0%BF%D0%B5%D1%87%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D0%B5

молиявий имтиёзлар шаклида белгиланади ҳамда судьяларни рағбатлантириш, ҳимоя қилиш, қайта тиклаш функцияларини бажаради¹⁸⁷.

Халқаро ҳуқуқ нормаларида, миллий ва хорижий давлатлар қонунчилигида судьяларнинг ижтимоий ҳимояси тушунчаси ва ижтимоий чоралар турларига оид аниқ нормалар белгиланмаган. Натижада мазкур масалада ягона ёндашув мавжуд эмас, турли давлатларда турлича ижтимоий ҳимоя чоралари қўлланилади. Хусусан, Озарбайжон Республикасида судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлат бюджети ҳисобидан уларнинг 5 йиллик иш ҳақи миқдорида суғурта қилинади. Судьянинг хизмат вазифасини бажариши даврида вафот этиши, хизматини давом эттириш имконини бермайдиган касалга чалиниши, шикастланиши оқибатида унга қонунда белгиланган миқдорда ва тартибда бир йўла нафақа пули тўлаб берилади. Хизмат вазифасини бажариши билан боғлиқ ҳолда судья ёки унинг оила аъзоларининг мол-мулкига етказилган зарар давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилади. Судьялар давлат тиббиёт хизмати билан таъминланадилар. Судьяларга даволаниш учун ойлик маошининг икки баробари миқдорида пул маблағи тўлаб берилади¹⁸⁸. Малайзияда судьяларни моддий таъминлаш масаласи “Судьяларнинг мукофот пули тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Қонуннинг 1-иловасида судьяларнинг ойлик лавозим маошлари белгиланган бўлиб, унга мувофиқ Бош судьяга 8650 АҚШ доллари, апелляция суди раисига 7500 АҚШ доллари, бошқа суд судьяларига 6250-7300 АҚШ доллари миқдорида ойлик маошлари белгиланган. Қонуннинг 2-иловасида судьяларнинг пенсия таъминоти масаласи батафсил белгиланган. Жумладан, судьяларга тўлиқ жиҳозланган уй-жой берилади ёки эгаллаган лавозимига мутаносиб равишда 720-1200 АҚШ доллари миқдорида ойлик ижара пули тўлаб берилади. Судьяларга дам олишлари учун 1200-1400 АҚШ доллари, бошқа ҳудудга ишга кўчиб ўтиш харажати, юқори турувчи судья мажбуриятларини юклаганлик учун охирги лавозим маошига 25 фоиз устама тўланади, пуллик йўлларда юриш учун “Touch and Go”

¹⁸⁷ Коренева Ю.С. Социальная защита судей РФ в сфере труда и социального обеспечения. Автореферат дисс. на соискание канд.юр.наук. М., 2006. [https:// www.dissercat.com / content / sotsialnaya-zashchita-sudei-rf-v-sfere-truda-i-sotsialnogo-obespecheniya](https://www.dissercat.com/content/sotsialnaya-zashchita-sudei-rf-v-sfere-truda-i-sotsialnogo-obespecheniya)

¹⁸⁸ Озарбайжон Республикасининг “Судлар ва судьялар тўғрисида”ги Қонунининг 109-моддаси. Azerbaijan_law_on_Courts_1997_am2010_ru.pdf (legislationline.org)

картаси билан жиҳозланган хизмат машинаси берилади. Судьялар давлат хизматида А классдаги асосий лавозимларда ишловчи ходимлар учун тақдим этиладиган барча тиббиёт хизматларидан фойдаланадилар¹⁸⁹.

Судьяларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари сифатида “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Қонунининг 84-моддасида судьянинг ҳаёти ва соғлиғи давлат томонидан алоҳида муҳофаза қилиниши ва республика бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилиниши, шунингдек унга етказилган зарарни қоплаш тартиби белгиланган. Шунингдек, тегишли қонун ости ҳужжатларига кўра судьяларга уй-жойни ижарага олиш, хизмат сафари харажатлари ва бошқа жорий харажатлари давлат бюджети ҳисобидан қопланиши¹⁹⁰, судьялар лавозимида захирада турган ҳамда махсус курсларда ўқиш ва тегишли судларда стажировкадан ўтиш учун юборилган шахсларга ўқиш ва стажировка даврида белгиланган тартибда ва миқдорларда суткалик пул тўланиши, уй-жой ижараси ҳамда ўқиш (стажировка) жойигача бир марталик келиш ва асосий иш жойига қайтиб бориш харажатлари қопланиши¹⁹¹, судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари берилиши, турар жой ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб борилиши¹⁹² белгиланган.

Украинада судьяларга ўттиз кунлик меҳнат таътили берилади, судьянинг ойлик маошидан ташқари даволаниши учун бир ойлик оклади миқдорида қўшимча тўлов тўланади. Меҳнат стажи 10 йилдан ортиқ бўлган судьяларга тўловли 15 кун қўшимча меҳнат

¹⁸⁹ Закон Малайзии «О вознаграждении судей» от 03.09.1971 г. [http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Draf%20Muktamad%20Act%2045%20\(27%203%202018\).pdf](http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Draf%20Muktamad%20Act%2045%20(27%203%202018).pdf)

¹⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги “Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3240-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3323071>

¹⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.08.2013 йилдаги “Судьяларни ижтимоий муҳофаза қилишни ва ушбу лавозимга номзодларни ўқитишнинг ташкилий асосларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 216-сон қарори. <https://lex.uz/docs/2219616>

¹⁹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4459-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/2037985>

таътили берилади¹⁹³. Озарбайжон Республикасида судьяларга ҳар йили қирқ календарь куни меҳнат таътили берилади. Меҳнат таътили даврида судьяларга икки ойлик иш ҳақи тўлаб берилади, йиллик меҳнат таътилидан фойдаланмаган судьяларга белгиланган тартиб ва миқдорда компенсация тўланади¹⁹⁴. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 82-моддасида эса судьяларга ҳар йили ўттиз иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган таътил берилиши, ўн йилдан ортиқ судьялик иш стажига эга бўлган судьяларга ўз хоҳишига кўра олти календарь кунигача қўшимча меҳнат таътили берилиши мумкинлиги белгиланган.

Судьяларнинг пенсия таъминоти масаласи ҳам уларнинг мустақил ва холис фаолият юритишини таъминловчи навбатдаги омиллардан бири ҳисобланади. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 87-моддасига биноан судьяларнинг пенсия таъминоти қонунчиликда белгиланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сонли қарори билан “Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган. Низомнинг 3-бандига кўра ёшга доир пенсияни судья сифатида камида 15 йиллик иш стажига эга бўлган эркаклар — 60 ёшга тўлганда ҳамда аёллар — 55 ёшга тўлганда олишлари мумкин.

Низомга мувофиқ пенсияни тайинлаш:

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси бўлиб ишлаган шахсларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, шунингдек, 2017 йилнинг 1 июнига қадар Олий ҳўжалик суди судьяси бўлиб ишлаган шахсларга, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган аъзосига нисбатан, шунингдек, 1991 йил 12 июндан 1992 йилнинг 8 декабрига қадар ҳакамлик судлари, судларнинг (шу жумладан 2017 йилнинг 1 июнига қадар умумий юрисдикция ва ҳўжалик судларининг) судьяси бўлиб ишлаган шахсларга нисбатан — Департамент томонидан амалга оширилади. Пенсия тайинлаш масалаларини кўриб чиқиш

¹⁹³ Закон Украины “О судоустройстве и статусе судей”. ст.136. ЗУ О судоустройстве Закон Украины О судоустройстве и статусе судей от 02.06.2016 № 1402-VIII (ЗУ О судах) - Законодавство України 2019 рік (kodeksy.com.ua)

¹⁹⁴ Озарбайжон Республикасининг “Судлар ва судьялар тўғрисида”ги Қонунининг 107-моддаси. Azerbaijan_law_on_Courts_1997_am2010_ru.pdf (legislationonline.org)

учун Низомнинг 6-бандида кўрсатилган органларда пенсия тайинлаш бўйича комиссия тузилади. Комиссия фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди томонидан белгиланади¹⁹⁵.

Судьялар мақоми тўғрисидаги Европа хартиясининг 6-бандига кўра судьялар мақоми уларнинг касаллик, оналик, меҳнатга лаёқатсизлик, қарилик ва вафот этиш ҳолатларида ижтимоий таъминлашни, қонунда белгиланган ёшга етган ва муайян судьялик стажига эга бўлган судьяларга уларнинг охириги иш ҳақи миқдорига яқин бўлган пенсия тўлашни назарда тутди¹⁹⁶. Истеъфога чиқиш учун қонун билан белгиланган ёшга етган ва маълум муддат давомида судьялик вазифаларини амалга оширган судьялар истеъфога чиқиш учун бериладиган нафақаларни олишлари, ушбу нафақанинг миқдори охириги иш ҳақи миқдорига имкон қадар яқин бўлиши лозим (6-банд, 53-54-тавсия)¹⁹⁷. “Қозоғистон Республикасининг суд тизими ва судьялар мақоми тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 35-моддасига мувофиқ йигирма йил ва ундан ортиқ иш стажига эга бўлган судьяга истеъфога чиқиш вақтида унинг лавозим маошининг йигирма тўрт баравари миқдорида бир марталик нафақа пули тўлаб берилади (тахминан 80 000 АҚШ доллари)¹⁹⁸. Грузиянинг “Умумий судлар тўғрисида”ги Қонунининг 70-моддасига мувофиқ Грузия Олий суди судьясига унинг ваколат муддати тугаганидан сўнг ёки нафақага чиқиш ёшига етганида 1200 лари миқдорида, қолган судьяларга қонунда белгиланган миқдорда давлат компенсацияси тўланади¹⁹⁹. Малайзиянинг “Судьяларни рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ эса энг юқори миқдордаги нафақа олиш учун судья сифатида 18 йиллик иш стажи, шунингдек Бош судья ёки Президент сифатида камида уч йиллик иш стажи талаб этилади²⁰⁰.

Ҳалол ва беғараз одил судловни амалга оширган, касбига ҳар томонлама муносиб бўлган, суд тизими ривожига муносиб ҳисса

¹⁹⁵ “Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисида”ги Низом. <https://lex.uz/uz/docs/4154314#4157296>

¹⁹⁶ <http://docs.cntd.ru/document/901927869>

¹⁹⁷ https://www.unodc.org/res/ji/import/international_standards/the_universal_charter_of_the_judge/universal_charter_2017_russian.pdf

¹⁹⁸ https://online.zakon.kz/document/?doc_id=1021164#pos=775;-28

¹⁹⁹ <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/90676/17/ru/pdf>

²⁰⁰ Закон Малайзии «О вознаграждении судей» от 03.09.1971 г. [http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Draf % 20Muktamad % 20Act % 2045 % 20\(27 % 203 % 202018\).pdf](http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Draf%20Muktamad%20Act%2045%20(27%203%202018).pdf)

қўшган судьяларни моддий рағбатлантириш мақсадида уларга пенсияга чиқиш пайтида бир марталик нафақа пулини тўлаб бериш тартибини жорий қилиш доимий профессионал судьялар корпусини шакллантиришга, судьяларнинг ҳалол ва қонунга бўйсунган ҳолда фаолият юритишига замин яратади. Бинобарин судьяларга тайинланадиган пенсия уларни етарли даражада нафақа даврида яшашлари учун имконият яратса, бир марталик мукофот пулини тўлаш уларга уй-жой ёки қимматбаҳо мулк сотиб олиш имконини яратади.

Назорат саволлари:

1. Судлар ва судьялар фаолиятини молиялаштиришнинг фарқли жиҳатларини таҳлил қилиб беринг?
2. Судьяларни моддий-техник ва ижтимоий таъминлашда қандай коррупциявий омиллар мавжуд деб ўйлайсиз?
3. Судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш эвазига суд тизимида коррупцияни батамом бартараф этиш имкони бор деб ҳисоблайсизми?
4. Судьяларнинг совға олишларига муносабатингиз? Қандай турдаги ва миқдордаги совғаларни олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз?

Казус.

Судьянинг дўсти муайян суд ишини унинг фойдасига ҳал қилиб беришини илтимос қилиб, мурожаат қилди. Судья дўстига олдиндан ваъда бермаслигини айтиб, ишни кўриш давомида илтимосини кўриб чиқишлигини билдирди. Суд ишини кўриш натижасида судья дўсти илтимос қилган тараф фойдасига қарор чиқарди. Бунинг эвазига дўсти судьяни кечки овқатга таклиф этиб, уни ресторанда меҳмон қилди. Иш апелляция инстанциясида кўрилиб, суд қарори қонуний ва адолатли бўлгани учун ўзгаришсиз қолдирилди.

Казус бўйича саволлар:

1. Судьянинг дўстига ишни кўришдан аввал берган жавоби тўғрими?
2. Судьянинг қонуний қарор қабул қилгани учун тақдирланишини қандай баҳолайсиз?
3. Судьяни дўсти томонидан тушликка таклиф этилишини коррупциявий омил сифатида баҳолаш мумкинми?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
<https://lex.uz/uz/docs/6445145>.
2. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
<https://lex.uz/docs/5534923>
3. “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
<https://lex.uz/docs/3153668>
4. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://lex.uz/docs/3088008>
5. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги ЎРҚ-158-сон “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 260-модда.
6. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
<https://lex.uz/docs/2381133>
7. “Суд қарорлари ва бошқа органлар актларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
<https://www.lex.uz/docs/26477>
8. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
<https://lex.uz/docs/52268>
9. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонун.
<https://lex.uz/docs/1106870>
10. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/3523891>
11. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/97664#200535>
12. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси.
13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси.
<https://lex.uz/docs/3517337>
14. “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги низом.
<https://lex.uz/docs/2374282#2374558>

15. “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2012 йил 18 сентябрдаги ЎРҚ-335-сон Қонун. <https://lex.uz/docs/2037985>

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4459-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/2037985>

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3121087>

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ишини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2872-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3252979>

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 июнда суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. <https://uza.uz/uz/posts/onun-va-adolat-ustuvorligini-taminlash-barcha-ezgu-ma-sadlar-13-06-2017>

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги “Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3240-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3323071>

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3327998>

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд

ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5482-сон Фармони.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони. <https://www.lex.uz/docs/4355387>

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони <https://lex.uz/docs/4875784>

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4910826>

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон қарори <https://lex.uz/docs/4979896#4980315>

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5146554>

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 январдаги “Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6134-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5215806>

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5495529>

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-

хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-240-сон Қарори.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-200-сон Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/6676585>

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.08.2013 йилдаги “Судьяларни ижтимоий муҳофаза қилишни ва ушбу лавозимга номзодларни ўқитишнинг ташкилий асосларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 216-сон қарори. <https://lex.uz/docs/2219616>

35. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги низом.

36. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги 2-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.02.2021 й., 10/21/3287/0153-сон.

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.10.2022 й., 09/22/595/0921-сон.

38. Судьялар олий кенгашининг 2017 йил 22 августдаги “Судьяларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш” тўғрисидаги СОКҚ-248-III сон қарори.

39. Ўзбекистон Республикаси Судьялар одоби кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. – Т.: “Адолат”, 2022.

40. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 04-сон қарори.

41. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 30 августдаги РС-28-17-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида тартиб-интизомни сақлаш, унга кириб-чиқиш қоидалари, бино ҳамда ходимлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги вазифалар ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома.

42. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 24.04.2018 йилдаги 1635-III-сон қўшма қарори.
<https://lex.uz/docs/4266195>

Раҳбарий адабиётлар:

43. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз/ -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016.

44. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

45. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

46. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

47. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

48. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь. // Манба: www.president.uz/uz/lists/view/3324

49. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2021 йил 29 декабрь // Манба: www.president.uz

50. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. – 464 б.

Халқаро шартномалар ва тавсиялар, хорижий давлатлар қонунлари:

51. Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 217 А (III) Резолюцияси билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

52. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1966 йил 16 декабрдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакти. <https://lex.uz/docs/2640479>

53. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Суд ҳокимияти мустақиллигининг асосий принциплари”. БМТнинг 7-Конгресси томонидан 1985 йил 26 август-6 сентябрь кунлари Миланда қабул қилинган. БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сонли резолюцияси билан маъқулланган.

54. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси. <https://lex.uz/docs/1461327>

55. Умумжаҳон судьялар хартияси. Халқаро судьялар ассоциацияси томонидан 1999 йил 17 ноябрда маъқулланган. http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/bangalore_principles.shtml

56. Жиноятчиликка қарши курашда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига иштирокчи-давлатларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги Келишув. (Москва, 1998 йил 25 ноябрь) <http://www.iacis.ru/html/?id=22&str=list&nid=1>

57. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси//Досье по правам человека. № 3. Русская версия. Изд-во Совета Европы, 1994.

58. Судьялар хулқ-атворида оид Бангалор тамойиллари. Гаага, 26.11.2002 й.

59. Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги масалалари бўйича Киев конференцияси тавсиялари. 23-25 июнь 2010 йил. <https://www.osce.org/files/f/documents/a/a/73488.pdf>

60. Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитасининг аъзо давлатларга судьяларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисидаги R(94)12-сонли тавсияси, 1994 йил 13 октябрь.

61. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режаси (2003 йил 10 сентябрь).

62. Судьялар статути учун Европа хартияси.
<https://rm.coe.int/16807473ef>

63. Консультативный Совет Европейских судей. Заключение №21(2018) «О предупреждении коррупции среди судей». г. Загреб, 9 ноября 2018 г. ССЈЕ (2018)3.

64. Заключение №2 Консультативного совета Европейских судей. <https://rm.coe.int/1680747492>

65. Рекомендация №R(95) 11 Комитета Министров Совета Европы относительно отбора, обработки, предоставления и архивации судебных решений в правовых информационно-поисковых системах //Доступ к правосудию. Страсбург, 1997.

66. Рекомендации Комитета Министров Совета Европы по электронной демократии. Приняты 18.02.2009г. на 1049-м собрании заместителей министров. <http://dsnmp.ru/rekomendatsii-komiteta-ministrov-sov/>

67. Доклад Венецианской комиссии (CDL-AD(2007)028) о назначениях судей. <https://rm.coe.int/0900001680700a62>

68. Коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича стратегия режаси. Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича Халқаро юристлар комиссияси Маркази (САММ). САММ йилномаси. 2000 йил.

69. Халқаро юристлар комиссияси. Судьялар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллиги, жавобгарлигига доир халқаро тамойиллар. 1-сонли амалий қўлланма. www.icj.org/wp-content/uploads/2017/01/Uzbekistan-PGN°1-Publications-Practitioners-Guide-Series-2017-UZB.pdf

70. БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича Диего Гарсия-Саяннинг махсус маърузаси <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>

71. Окончательное заключение БДИПЧ ОБСЕ о проекте изменений в Закон о Национальном судебном совете и некоторые другие законы Польши (5 мая 2017 г.), п. 37.

72. Рекомендации Киевской конференции БДИПЧ ОБСЕ по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной Европы, Южного Кавказа и Центральной Азии (2010 г.) были разработаны группой независимых экспертов под руководством БДИПЧ и Исследовательской группой «Минерва» по вопросам независимости судей Института Макса Планка, раздел 7.

73. Рекомендация № R (94) 12 Комитета министров государствам-членам о независимости, эффективности и роли судей.
[http://hrlibrary.umn.edu/russian/euro/RRec\(94\)12.html](http://hrlibrary.umn.edu/russian/euro/RRec(94)12.html)

74. Constitution of the Republic of Singapore.
<https://sso.agc.gov.sg/Act/CONS1963#pr98>

75. Россия Федерацияси Конституцияси.
<http://www.constitution.ru/10003000/10003000-9.htm>

76. Қозоғистон Республикаси Конституцияси.
<http://www.constitution.kz/razdel7/>

77. Арманистон Республикаси Конституцияси.
<https://www.president.am/ru/constitution-2015/>

78. “Умумий судлар тўғрисида”ги Грузия Қонуни.
<https://matsne.gov.ge/ru/document/download/90676/17/ru/pdf>

79. “Суд тузилиши ва судьялар мақоми тўғрисида”ги Украина Қонуни.
https://kodeksy.com.ua/ka/o_sudoustrojstve_i_statuse_sudej/statja-17.htm

80. Россия Федерацияси Жиноят кодекси.
http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/

81. Украина Жиноят кодекси.
<https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/2341-14#Text>

82. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси.
https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&doc_id2=31575252#pos=450;-108&pos2=2026;-96

83. Беларусь Республикаси Жиноят кодекси. <https://xn----ctbcgfviccvibf9bq8k.xn--90ais/>

84. Озарбайжон Республикаси Жиноят кодекси. http://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353#pos=388;-60

85. Грузия Жиноят кодекси.
<https://matsne.gov.ge/ru/document/view/16426?publication=229>

86. Федеральный закон “Об органах судейского сообщества в Российской Федерации”.
http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_35868/94c2d7d00be1a5d68fc6972c5d873659088d7ef7/

87. Закон Российской Федерации от 26 июня 1992 года N 3132-1 “О статусе судей в Российской Федерации”.
https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_648/

88. Закон Украины “О судоустройстве и статусе судей”.
https://www.legislationline.org/download/id/8755/file/Ukraine_law_organisation_courts_status_judges_2016_am2017_ru.pdf

89. Закон «О судебной системе и статусе судей Республики Казахстан». <https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z000000132>

90. Арманистон Республикаси Суд кодекси. Legislation: National Assembly of RA (parliament.am).

91. “Судлар ва судьялар тўғрисида”ги Озарбайжон Республикаси Қонуни. [Azerbaijan_law_on_Courts_1997_am2010_ru.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/8755/file/Ukraine_law_organisation_courts_status_judges_2016_am2017_ru.pdf) ([legislationline.org](https://www.legislationline.org)).

92. Закон Малайзии «О вознаграждении судей». [http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Draf%20Muktamad%20Act%2045%20\(27%203%202018\).pdf](http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Draf%20Muktamad%20Act%2045%20(27%203%202018).pdf)

93. Закон Литвы “О судах”
https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/tt_lithuania.pdf

94. Закон «О Высшем Судебном Совете Республики Казахстан». https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=34433079&doc_id2=34433079#pos=3;-98&pos2=105;-76

95. Закона Украины «О Высшем совете юстиции». <http://www.legislationline.org/documents/id/20642>

96. Закон Румынии «О Высшем совете магистратуры». <http://legislatie.just.ro/Public/DetaliiDocument/64942>

97. Федеральный Закон РФ «О государственной защите судей, должностных лиц правоохранительных и контролирующих органов». <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102035214>

98. Закон Грузии «Об общих судах». <https://matsne.gov.ge/en/document/download/90676/29/ru/pdf>

99. Федеральный закон РФ “Об обеспечении доступа к информации о деятельности судов в Российской Федерации”.

100. Федеральный закон Российской Федерации «О противодействии коррупции».
<https://digital.gov.ru/ru/documents/3419/>

101. Федеральный закон РФ №262-ФЗ “Об обеспечении доступа к информации о деятельности судов в Российской Федерации”. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_82839/1ed75ea05417a57ac8af12021391df2dc2930baa

102. Закон “О доступе к информации, находящейся в ведении государственных органов и органов местного самоуправления

Кыргызской Республики”. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/202010>

103. Закон Республики Казахстан “О доступе к информации”. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=39415981

Илмий адабиётлар:

104. Алоев У.М. Коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. Юрид. фан. фалсафа докт. ...диссертация. – Т., 2022.

105. Арипов Д.Ў. Мустақил суд ҳокимияти. Монография. – Т.: “Top Image Media”, 2022. – 335 б.

106. Арипов Д.Ў. Суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари. Амалий қўлланма. – Т.: “Lesson Press”, 2023. – 176 б.

107. Атажанов А.А. Практические аспекты предупреждения коррупционных проявлений в судебной системе Республики Узбекистан. Диссертация на соискание ученой степени доктора философии по юрид. наукам. – Ташкент, 2021.

108. Ахметова А.Н., Конфликт интересов на государственной службе. – М.: Власть, 2013 – С. 124.

109. Ахраров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ...диссертация. – Т., 2008.

110. Баранков В.Л. Гарантии обеспечения социальной защиты судей. <https://cyberleninka.ru/article/n/garantii-obespecheniya-sotsialnoy-zaschity-sudey>

111. Бурдина Е.В. Многофункциональность органов судебной власти. Сообщества как гарантия независимости судебной власти. Актуальные проблемы российского права. 2015. № 8 (57)

112. Брянцева О.В., Солдаткина О.Л. Электронное правосудие в России: проблемы и пути решения. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovizatsiya-pravosudiya-teoreticheskie-i-prakticheskie-aspekty/viewer>

113. Василенок А.К., Чучвал А.А. Электронное правосудие в Республике Беларусь. Актуальное состояние. “Актуальные научные исследования в современном мире”, ISCIENCE.IN.UA_ Выпуск 11(55). https://elibrary.ru/download/elibrary_41830438_12089822.pdf

114. Воронцова И.В., Луконина Ю.А. Дефиниция «искусственный интеллект» и ее семантико-процессуальное значение в судебной системе России и зарубежных стран // Российский судья. – М.: Юрист, 2020. №10.

115. Воскресенский Ф.А., Тимченко А.В. Ожидания российского общества от правосудия: поможет ли цифровизация? //Российский журнал правовых исследований. – 2019. - № 4 (21).

116. Дмитриев Ю.А., Шапкин М.А., Шумилов Ю.И. Правоохранительные органы Российской Федерации. //учебник под ред. Ю.А.Дмитриева. – М.: изд-во «Омега-Л», 2010.

117. Дўсманов С. Халқ маслахатчиси ҳаққоний ишласа, адолат ўрнатилишида муҳим ўрин тутди. <http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENTID=4105715>

118. Зуфаров Р.А., Ахбаров Б.Ж., Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография // – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011.

119. Исмаилов Б.И., Насриев И.И. Противодействие коррупции в частном секторе: международные стандарты и зарубежная правоприменительная практика. //Монография.-Т. Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2020.

120. Исмаилов Б.И., Насриев И.И. Противодействие коррупции на государственной службе: национальный и зарубежный опыт. -Т.: 2020. -126 с.

121. Исмаилов Б.И., Насриев И.И. Международные стандарты в сфере справедливого правосудия и их реализация в Республике Узбекистан: учебно-методическое пособие. – Т.: Высшая школа судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан, Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан. 2020.

122. Исмаилов Б.И., Насриев И.И. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш масалалари//Ўқув-услугий қўлланма. – Т.:Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Судьялар олий мактаби. 2020.

123. Исмаилов Б.И., Гадоев Э.Ф. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изоҳли луғати. – Тошкент: “Тафаккур” нашриёти, 2019.

124. Исмаилов Б., Йўлдошев Ф. Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон мавқеини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари. <https://uza.uz/uz/posts/khal-aro-reyting-va-indekslarda-zbekiston-mav-eini-yuksaltir-25-08-2020>

125. Исмоилов Б.И. Совершенствование прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере противодействия коррупции. Диссертация на соискание доктора философии по юрид.наукам. – Т, 2020.

126. Изварина А.Ф. Судебная система России: концептуальные основы организации и совершенствования. – М.: Проспект, 2014.

127. Кенжаев Т.И. Қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. Юрид. фан. фалсафа докт. ...диссертация. – Т., 2022.

128. Жамолов Б.У. Суд ҳокимияти (назария ва амалиёт масалалари): монография. – Т.: “Юрист-медиа маркази” нашриёти, 2011 йил.

129. Каблов А.М. О взаимодействии Совета судей Ставропольского края с институтами гражданского общества. Ж.: Судья, - 2020. №6.

130. Казакова Е.В. Противодействие коррупции в судебной системе в условиях процессуального реформирования. Ж.: «Администратор суда», -№2, - 2020.

131. Козырев А.Н. Цифровая экономика и цифровизация в исторической ретроспективе //URL: [https://medium.com/semi-ras/цифровая-экономика-и-цифровизация-в-исторической ретроспективе-1ad034c16373](https://medium.com/semi-ras/цифровая-экономика-и-цифровизация-в-исторической-ретроспективе-1ad034c16373)

132. Колга О.В., Калашникова Е.Б. «Цифровое» направление развития правосудия в России//Актуальные проблемы юриспруденции: сб. ст. по матер. XVI Междунар. науч.-практ. конф. (Новосибирск). 2018. №11(15).

133. Коленко Е.В., Шамсутдинов Б.С. Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик масалалари. Монография // Масъул муҳаррир: – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, 2020. – 98 бет.

134. Колодкин М.Н. Административно-правовые проблемы предупреждения коррупционной и организационной преступности //Государство и право. – Москва, 2002. – № 1.

135. Коренева Ю.С. Социальная защита судей РФ в сфере труда и социального обеспечения. Автореферат дисс. на соискание канд.юр.наук. – М., 2006. <https://www.dissercat.com/content/sotsialnaya-zashchita-sudei-rf-v-sfere-truda-i-sotsialnogo-obespecheniya>

136. Коррупцияга қарши курашиш. Дарслик. //Масъул муҳаррир: А.Ш.Бекмуродов: – Тошкент: “Akademiya”, 2022. – 344 б.
137. Мингбоев У.К. Суд шундай ҳокимиятки... “Шарқ” нашриёт-матбаа нашриёти. – Т., 1999.
138. Михайлов А. Независимость судей: понимание юридической традиции в Англии. <https://blog.pravo.ru/blog/3164.html>
139. Морхат П.М. Правосубъектность искусственного интеллекта в сфере права интеллектуальной собственности: гражданско-правовые проблемы. Дис. ... д-ра юрид.наук. – М., 2018.
140. Мухаммадиева М.Я. Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. Юрид. фан. фалсафа докт. ...диссертация. – Т., 2023.
141. Мухитдинова Ф.Ф. Становление и развитие судебной власти в Республике Узбекистан. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. УДК 342.56 (575.1). – Ташкент, 2012.
142. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишда ошқоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг долзарб масалалари // Монография. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”. 2019.
143. Независимость судебной власти. Коллектив авторов. https://spravochnick.ru/pravo_i_yurisprudenciya/organy_gosudarstvennoy_vlasti_rossiyskoy_federacii/nezavisimost_sudebnoy_vlasti/
144. Пўлатов Б.Х. Судларда ишларни очик-ошқора кўриб чиқиш. Ж.: Одиллик мезони. - №5, 2020.
145. Руднев В.И. К проблеме доступа к судебной информации. Проблемы транспарентности правосудия: [монография] / [ред.сост. Е.Б. Абросимова, С.Л. Чижков]. — М.: ЛексЭст, 2005.
146. Рустамбаев М.Х. Криминология. Учебник. – Ташкент: ТГЮИ, 2008.
147. Сабиров Э.К. Судлар фаолияти очиклигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021.
148. Сабиров Э.К. Суд ҳокимияти ва жамоатчилик назорати. Ж.: “Одиллик мезони” 3-сон. <https://sud.uz/wp-content/uploads/2022/01/3-OS-2021.pdf>

149. Савкина М.А. Доверие граждан к правосудию: состояние и перспективы // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. 2013. № 6 (1).

150. Сангаджиев Б.В. Институциональные характеристики судебной власти в Российской Федерации: вопросы теории и практики: автореф. дис. Д.ю.н. – М., 2013.

151. Смирнов А.В. Транспарентность судебной власти: политико-правовой анализ. Проблемы транспарентности правосудия: [монография] / [ред.сост. Е.Б. Абросимова, С.Л. Чижков]. — М.: ЛексЭст, 2005.

152. Сегизова Б. О доступности и гласности судебной системы. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31024136

153. Сулайманов О.Р. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. Юридик фанлар доктори диссертацияси автореферати. – Т., 2020.

154. Сухаренко А. Электронное правосудие //URL: <http://xn----7sbaj7auwnffhk.xn--plai/article/17835> (дата обращения: 09.09.2019) ; Электронное правосудие: итоги и перспективы: интернет-интервью Председателя Арбитражного суда Калужской области С. Ю. Шараева // URL:<http://www.garant.ru/company/cooperation/gov/action/regional/271319/>

155. Стребкова Е.Г. Принцип транспарентности судебной власти: конституционно-правовые вопросы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Саратов, 2012.

156. Тищенко А.В. Электронное правосудие: судебное реформирование к 2020 году//Правопорядок: история, теория, практика. – М., 2018. № 4.

157. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 2001.

158. Чижов М.В. Применение информационных и коммуникационных технологий в судебной деятельности в условиях формирования информационного общества: дис. ... канд. юр. наук: 12.00.11. – М., 2013.

159. Тищенко А.В. Электронное правосудие: судебное реформирование к 2020 году//Правопорядок: история, теория, практика. 2018. № 4.

160. Туманова Л.В. Вопросы прозрачности гражданского судопроизводства //Проблемы прозрачности правосудия. – М.: ЛексЭст, 2005.

161. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Навоий номидаги тил ва адабиёт институти. А.Мадвалиев таҳрири остида. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006.

162. Ўсаров О.Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасида ўзаро муносабат. – Т.: 2004.

163. Хакимов М. Халқ маслаҳатчилари институти ва одил судлов. <http://www.uza.uz/oz/society/khal-masla-atchisi-a->

164. Эндрю А. Искусственный интеллект. – М.: Мир, 1985.

165. Яковлев Д.Ю. Пределы гласности судопроизводства (записки криминолога). //Ж.: Российский судья. -№7. -2020.

166. Les conseils de la justice en Europe. Available at: https://www.coe.int/t/dghl/cooperation/ccje/textes/CSM-France-TR10_fr.pdf

167. Haugeland, J. Artificial Intelligence: The Very Idea. Cambridge: MIT Press, 1985.

168. Winston P.H. Artificial Intelligence. London: Addison-Wesley Publishing Company, 1984.

Бошқа адабиётлар:

169. Антикоррупционные реформы в Узбекистане. 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

170. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2008. – № 7.

171. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2020 йилда амалга оширган фаолияти тўғрисида ахборотнома. - Тошкент, 2021. https://www.sudyalaroliykengashi.uz/uploads/pages/%D0%90%D1%85%D0%B1%D0%BE%D1%80%D0%BE%D1%82%D0%BD%D0%BE%D0%BC%D0%B0%202020_compressed.pdf

172. Коррупция – тараққиёт таҳдиди. <http://uzmarkaz.uz/uploads/2019/12/yurist-3-son-18-j.pdf>

173. Юридик энциклопедия . – Тошкент: Шарқ, 2001.

174. Юридик атамалар қомусий луғати. – Тошкент: Шарқ, 2003.

175. Юридическая энциклопедия. 2-ое изд. перераб. – М.: Зерцало, 2003.

176. Мигель Гонсалес дель Рионинг Перуга қарши иши. Маълумот №263/1987. 5.2.-банд.
<https://www.ohchr.org/Documents/Publications/SDecisionsVol4ru.pdf>

177. European judicial systems - Efficiency and quality of justice.
<https://www.coe.int/en/web/cepej/cepej-national-correspondents>

178. Александр Волков против Украины, (Заявление 21722/11),
решение от 09.01.2013г., п.112.
<https://www.google.com/url?sa=t&rct=j&q=&esrc=s&source=web&cd=1&ved=2ahUKEwio7Pc58bdAhXMKQKHWFQCFwQFjAAegQIABAC&url=https%3A%2F%2F>

179. Legal Analytics Platform. <https://lexmachina.com/legal-analytics/>

ГЛОССАРИЙ

Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишидир.

Шахсий манфаатдорлик — давлат ёки маҳаллий хизматчи томонидан мансаб ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзи ёки учинчи шахслар учун пул, қимматликлар, бошқа мол-мулк ёки мулкӣ кўринишдаги хизматлар ёхуд бошқа мулкӣ ҳуқуқлар олиш имкониятидир.

Халқаро-ҳуқуқӣ стандарт — бу халқаро ташкилотлар ёки давлатлар томонидан қабул қилинган принциплар, нормалар, қоидалар кўринишида ифодаланган минимал халқаро-ҳуқуқӣ нормалардир.

Суд тизимида коррупциянинг олдини олиш деганда судьялар ҳамжамияти ва унинг органларининг коррупциявий ҳолатларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш фаолияти тушунилади.

Ички коррупциявий омиллар деганда судларни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича суд раислари, судьялар ва судьялар ҳамжамияти органларининг судьялар корпусини шакллантириш, судья ва суд ходимларининг хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, уларнинг фаолиятини адолатли ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш, уларни рағбатлантириш ва жавобгарликка тортиш каби масалалардаги суиистеъмолликлари, ноҳолис ёндашувлари, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, порахўрлик каби ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларнинг вужудга келишига замин яратувчи ҳуқуқӣ, ташкилий ва бошқа характердаги ҳолатлар тушунилади.

Ташқи коррупциявий омилларга эса давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан одил судловни амалга оширишга аралашиш, унга тўсқинлик қилиш, суд ҳокимияти мустақиллигига тажовуз қилишга қаратилган қонунга хилоф ҳаракатларни амалга оширишга имконият туғдирувчи ҳолатларни киритиш мумкин.

Коррупцияга чек қўйиш – мавжуд коррупциявий омиллар ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни тугатиш, уларга нисбатан қатъий чоралар қўриш, такрор содир этилишига йўл қўймаслик ҳамда салбий оқибатлари билан курашишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар мажмуидир. Коррупцияга чек қўйиш унга нисбатан самарали қарши курашишнинг ижобий натижаси ҳисобланади.

Судьялар ҳамжамияти деганда суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминловчи, судлар фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишда бевосита иштирок этувчи, судьяларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, одил судловни қонуний ва адолатли амалга оширилишига кўмаклашувчи, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва фуқароларнинг судларга бўлган ишончини кучайтиришга хизмат қилувчи республика барча судларининг судьялари ва судьялар ҳамжамияти органлари мажмуи тушунилади.

Судьялар ҳамжамияти органлари деганда суд ҳокимияти манфаатларини ифодаловчи, унинг мустақиллиги конституциявий принцинга риоя этилишини таъминлашга, судьяларнинг фаолиятига оид ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа масалаларни ҳал қилишга кўмаклашиш мақсадида белгиланган тартибда ташкил этиладиган, қонун ҳужжатлари билан муайян ваколатларга эга бўлган юридик шахслар, уларнинг органлари ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида тузилмалар тушунилади.

Судлар фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлиги бир-биридан фарқланувчи тушунчалар ҳисобланади. Очиқлик ошкораликка нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, “ошкоралик” процессуал қонунчиликда суд ишларини юритиш принципи сифатида фақат суд муҳокамасига нисбатан қўлланилади, суд ҳокимиятининг очиқлиги бутун суд фаолиятига (ички, ташқи, ташкилий ва ҳ.к.) нисбатан қўлланилади. Суд ҳокимиятининг “шаффофлиги” эса очиқлик ва ошкораликнинг натижаси ўлароқ, судлар фаолиятини фақат қонун талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш, унинг фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва жамоатчилик назоратини таъминлаш орқали инсон омилини истисно этиш ёки камайтириш, суд тизимида коррупцияга барҳам бериш, судлар

фаолияти ҳақида ишончли маълумотга эга бўлиш имконини назарда тутлади.

Суд ҳокимиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари деганда давлат томонидан судларнинг ҳамда судьялар ҳамжамияти органларининг қонунда назарда тутилган вазифаларини ошкора амалга ошириш, улар фаолияти ҳақидаги маълумотларга фуқароларнинг эркин эга бўлишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар тушунилади. Суд ҳокимиятининг очиқлиги суд фаолияти ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш, суд биноларига тўсиқларсиз кириш, мажлисларда жамоатчилик иштирокига шароитлар яратиш, суд қарорларини очиқ эълон қилиш ва мазмунини тушунтириш, судлар фаолияти бўйича ҳисоботларни эълон қилиш, суд органларининг ОАВ билан ҳамкорлиги, суд раислари ва судьялар томонидан брифинг ва очиқ мулоқотлар ўтказилиши, суд амалиёти обзорларини чоп этиш каби усуллар билан таъминланади.

Судлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, суд жараёнларини онлайн кузатиб бориш, суд қарорларини веб-сайтларда эълон қилиш, одил судлов ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш каби усулларда амалга оширилади.

Электрон одил судлов тизими одил судловни ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча жараёнларни (қонун йўл қўядиган) турли ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида тақдим этиладиган хизматларни назарда тутди. Улар таркибига тарафларнинг судларга электрон шаклда мурожаат қилиш, ҳужжатлар алмашинувини электрон юритиш, суд иши ҳаракатини электрон тарзда кузатиб бориш, ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлиси ҳақида хабардор қилиш, улар билан суд ҳужжатларини электрон алмашиш, суд мажлисларини видеоконференцалоқа орқали ўтказиш, суд мажлисларини аудио ва видеоёзувга олиш, суд қарорларини веб-сайтларда эълон қилиш, судлар фаолиятини ягона электрон база ёрдамида бошқариш, суд ишларининг электрон архивини юритиш ва бошқа хизматлар киради.

Судлар фаолиятини рақамлаштириш электрон судлов механизмларини ва суд ишларини электрон шаклда юритишни назарда тутди. Жумладан, суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш, даъво аризасини судга

электрон шаклда тақдим этиш, суд ҳужжатларини веб-сайтга жойлаштириш каби ҳаракатлар “электрон одил судлов”нинг кўринишларидан бири ҳисобланса, суд мажлиси баённомасини электрон юритиш, суд қарорларини электрон имзоланган ҳолда юбориш, суд ишларини “сунъий интеллект” ёрдамида ҳал қилиш каби ҳаракатлар “рақамли одил судлов”ни амалга оширишни назарда тутди, яъни рақамли одил судловда электрон дастур ёрдамида амалга ошириладиган барча ҳаракатлар одатда судья томонидан бажариладиган процессуал ҳаракатларга тенглаштирилади ва бир бутун процессуал жараёни назарда тутди.

Судьяларнинг ижтимоий муҳофазаси – бу уларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг махсус тури бўлиб, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш ва фаолиятларини эркин амалга оширишлари учун қонунда белгилаб қўйиладиган зарур ижтимоий, иқтисодий, моддий неъматлар билан таъминлаш бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш қўйидаги комплекс чора-тадбирлардан иборат: 1) коррупциянинг олдини олиш; 2) коррупцияни аниқлаш ва унга чек қўйиш; 3) коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш.

Суд тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар деганда одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хавф солувчи, судларнинг мустақиллигини чекловчи хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик), ҳолатлар, жараёнлар тушунилади.

Суд тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар ички ва ташқи турларга бўлинади. Бунда асосий мезон сифатида уларни келтириб чиқарувчи субъектлар ва суд органлари мустақиллигига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар эътиборга олинаши зарур.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини мувофиқлаштириш бу - давлатнинг махсус ваколатли органи ёки бошқа тузилмаси томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, коррупцияга оид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш

борасида фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг коррупцияга қарши иш услубларини, фаолият йўналишларини, шаклларини, асосий принципларни ва бошқа мезонларни уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмудир.

Манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назорати - бу фуқаролик жамияти институтлари ваколатли вакилларининг давлат ҳокимияти органларида коррупциянинг ҳолатини баҳолаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган коррупциянинг даражасини камайтириш ва унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, коррупциявий хавф-хатарларини аниқлашда иштирок этиши бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш механизмлари ва воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширадиган махсус фаолиятдир.

Коррупцияга қарши жамоатчилик мониторинги бу — коррупция ҳолатини ёки унинг айрим турларини, коррупция сабабларини (ёки коррупция омиллари) ва давлат ҳокимияти органларида коррупцияга қарши курашнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича жамоатчилик назорати субъектлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларда белгилан тартибда ташкил этиладиган ва амалга ошириладиган профессионал фаолиятдир.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

Манфаатдор шахс — қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат қаратилган шахс, шунингдек ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари маъмурий ҳужжатга ёки маъмурий ҳаракатга дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахс.

БМТнинг коррупцияга қарши конвенцияси - коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат. Конвенция 2003 йил 31 октябрда БМТ томонидан қабул қилинган. Конвенция

муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда (63-64) амалга ошириш.

Коррупцияга қарши курашнинг Европа Кенгаши ҳужжатлари – Европа Кенгаши 1949 йил 5 майда ташкил қилинган бўлиб, 47 давлатни ўз ичига олган. У умумий европа масалаларини муҳокама қилиш бўйича форум ҳисобланади. Унинг низоми аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни қўллаб қувватлаш, ҳамкорликни такомиллаштириш масалаларини қамраб олган. Европа Кенгашининг коррупцияга қарши сиёсатини амалга оширишда иккита конвенция алоҳида ўрин тутади: **Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция ва Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция**. Иккала конвенция ҳам 1999 йил қабул қилинган. Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция 1999 йил 27 январда, унга қўшимча протокол 1999 йил 15 майда қабул қилинган. Бу конвенция ОЭСР конвенциясидан фарқ қилган ҳолда, хорижий мансабдор шахсларнинг пассив порахўрлиги учун жиноий таъқиб қилиш, хусусий секторда ҳам порахўрликка қарши курашиш масалаларини ўз ичига олган.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Қонунга мувофиқ давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қандай мажбуриятларга эга?

А. қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши;

В. коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши;

С. қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши;

Д. давлат органларига тегишли ҳужжатларида белгиланган тартибларга риоя этиши.

2. Олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга оширишни ташкил этиш қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида белгиланган?

А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Б. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

С. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5729-сонли Фармони.

Д. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июндаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сонли Фармони.

3. Мансабдор шахс тушунчаси қайси норматив актда белгиланган?

А. Ўзбекистон Республикаси “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонунда

В. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида

С. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида

Д. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида”ги қонунида (янги таҳрири)

4. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар қайси орган томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин?

А. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан;

В. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан;

С. суд томонидан;

Д. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан.

5. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қандай тартибда жавобгар бўлади?

А. коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгаш қарори белгилаган тартибда;

В. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланган тартибда;

С. Ўзбекистон Республикаси Сенати қарорида белгиланган тартибда;

Д. қонунда белгиланган тартибда.

Асос: (КҚК тўғрисидаги Қонуннинг 26-моддаси)

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида” ги 967-сонли қарорига асосан нечта ОТМга қачондан бошлаб молиявий мустақиллик берилди?

А. 15 та ОТМга 2020 йил 1 январдан.

- Б. 10 ОТМга 2020 йил 1 январдан.
С. 8 та ОТМга 2020 йил 1 майдан.
Д. 10 та ОТМга 2020 йил 1 майдан.

7. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда “манфаатлар тўқнашуви” тушунчасига қандай таъриф берилган?

А. Хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

В. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

С. Шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

Д. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларни шахсий манфаатларда қўпол бузиш.

8. Ўзбекистон Республикасида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиш масаласи қайси норматив актда илк бор белгиланган?

А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрьдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПФ-4848-сон Фармонида;

В. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрьдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш

кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармонида;

С. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон Фармонида;

Д. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон Қарорида.

9. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда “коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик” тушунчаси қандай таърифланади?

А. шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

В. жисмоний ёки юридик шахсининг номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

С. коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларни шахсий манфаатларда қўпол бузиш;

Д. коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

10. Қайси субъектлар коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкин?

А. фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари;

Б. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

С. фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

Д. фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноtijорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек фуқаролар.

11. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолият ким томонидан мувофиқлаштирилади?

А. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан;

Б. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан;

С. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан;

Д. жавоблар тўғри.

12. Қайси субъект томонидан кўрсатилган ташаббусга мувофиқ, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ёки ўзгартириш мумкин?

А. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан;

Б. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан;

С. манфаатдор шахснинг аризасига кўра ваколатли давлат органи, бошқа ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан бекор қилиниши ёхуд ўзгартирилиши ёки суд тартибида;

Д. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан.

13. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқга оид қоидалар қайси миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс этган?

А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5729-сонли Фармони;

Б. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Қарори;

С. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон Қарори;

Д. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида ҳимоя қилинувчи шахслар кимлар кўрсатилган?

А. Суриштирув ва тергов органлари ходимлари, прокуратура органлари ходимлари, махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари ходимлари, махфийлик асосида кўмаклашиш истагини билдирган шахслар, ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни ҳал этиш учун махсус билимларга эга бўлган мутахассислар, Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари

В. мансабдор шахслар ва уларнинг қариндашлари, ОАВ вакиллари, блоггерлар, сиёсий партиялар вакиллари, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи шахслар, суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлайётган шахслар, бедарак йўқолган шахслар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахслар, Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахслар

С. жабрланувчи ва унинг қонуний вакили, гувоҳ, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, маҳкум, оқланган шахс, ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахс, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон ва холис.

Д. хизматчилар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ходимлари ва бошқалар.

15. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор қидирув фаолияти ким томонидан мувофиқлаштирилади?

- А. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан;
- Б. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан;
- С. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан;
- Д. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан.

1. Ўзбекистон Республикасида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонун қайси халқаро ҳужжатга қўшилиш муносабати билан қабул қилинган?

- А. 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодекси”;
- Б. 1999 йил 9 декабрда қабул қилинган БМТнинг “Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги халқаро Конвенция;
- С. 2003 йилнинг 31 октябрдаги БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” ги Конвенция;
- Д. 1999 йил 27 январьдаги Европа Кенгашининг “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида” ги Конвенция.

2. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига мувофиқ оммавий мансабдор шахснинг ноқонуний бойлик орттириш ҳолатида қандай жавобгарлик белгилашни назарда тутади?

- А. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик;
- Б. Маъмурий жавобгарлик;
- С. Иқтисодий жавобгарлик;
- Д. Жиноий жавобгарлик.

3. БМТ доирасида қабул қилинган қайси универсал ҳужжатда коррупция илк бор трансмиллий жиноят сифатида эътироф этилган?

- А. БМТнинг 1999 йил 9 декабрдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши конвенциясида”
- Б. БМТнинг 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши конвенциясида”
- С. БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясида”
- Д. 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодексида”

4. БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенциясига асосан, хусусий секторда коррупциянинг олдини олишга оид қандай чораларни кўриши акс этган?

- А. Ички назорат тизимини кучайтириш;
- Б. Бухгалтерия ҳисоботи ва аудити стандартларини кучайтириш;
- С. Фаолиятнинг шаффофлигини таъминлаш;
- Д. Жиноий жавобгарликни белгилаш.

5. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида комплаенс назорат тизими деганда нима тушунилади?

А. давлат ва хусусий сектор фаолиятини коррупцияга қарши стандарт, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйишни ўзида мужассам этган профилактик тизим;

Б. давлат секторида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги тартибларни белгиловчи тизим;

С. давлат ва хусусий секторда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгиловчи тизим;

Д. давлат секторида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун иқтисодий жавобгарликни белгиловчи тизим.

6. БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясида белгиланган коррупцияга қарши курашишга оид тавсияларнинг иштирокчи давлатлар томонидан бажарилишини кузатиш қайси орган томонидан амалга оширилади?

А. халқаро коррупцияга қарши курашиш Академияси томонидан;

Б. халқаро коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан;

С. конвенцияда иштирок этадиган давлатлар конференцияси томонидан;

Д. коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича Бошқармаси томонидан.

7. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига мувофиқ иштирокчи давлатлар юридик шахсларнинг жавобгарлиги белгилашда қайси қонунчилик нормаларга эътибор қаратиши тавсия этилади?

А. юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигига оид нормалар

Б. юридик шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигига оид нормалар

С. юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлигига оид нормалар

Д. барча жавоблар тўғри

8. БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияга асосан коррупциявий жиноятлар субъекти сифатида кимлар белгиланган?

А. Мансабдор шахс, хорижий давлат мансабдор шахси, юридик шахс;

Б. Халқаро ташкилот мансабдор шахси, юридик шахс, жисмоний шахс;

С. Халқаро ташкилот мансабдор шахси, жисмоний шахс, мансабдор шахс;

Д. Халқаро ташкилот ва хорижий давлат мансабдор шахси, жисмоний шахс.

9. Ўзбекистон Республикаси Истамбул ҳаракатлар режасига қачон қўшилган?

А. 2008 йил;

Б. 2012 йил;

С. 2010 йил;

Д. 2016 йил.

10. БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясида белгиланган тартибга кўра, иштирокчи давлатлар халқаро ҳамкорлик масаласида бир бирларига қандай турдаги ишларни кўриб чиқилишида кўмаклашиш имкониятларини кўриб чиқишлари зарур?

А. коррупцияга оид ишлар;

Б. фуқаролик-ҳуқуқий ишлар;

С. маъмурий ишлар;

Д. юқорида қайд этилган барча турдаги ишлар.

11. Коррупция соҳасидаги махсус тадқиқотлар нималарни ўрганишни ўз ичига олади?

А. коррупцияга қарши курашиш муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишни, илмий услубиётлар ва тавсиялар ишлаб чиқишни, уларни амалиётга оқилона жорий этишни, коррупцияга қарши курашишда қўлланилаётган шакллар ва усуллар самарадорлигини прогноз қилиш ҳамда илмий таҳлил этишни;

В. фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек фуқароларнинг амалга оширилган муносабатни ўрганишни;

С. коррупцияга қарши курашишда қўлланилаётган шакллар ва усуллар самарадорлигини прогноз қилиш ҳамда илмий таҳлил этишни;

Д. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолияти натижаларини, коррупцияга оид жиноятчиликнинг ҳолатини, коррупция кўрсаткичларининг статистика ҳисобини мунтазам равишда тизимли таҳлил қилишни, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг хусусияти ва миқёсларини, ўзгаришлари ва тенденцияларини ўрганишни.

12. 1997 йилдаги “Хорижий давлат мансабдор шахсларига пора беришга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенция қандай ташкилот доирасида қабул қилинган ?

А. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти доирасида

Б. Европа Иттифоқи доирасида

С. Европа Кенгаши доирасида

Д. БМТ доирасида

13. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 6-моддасига биноан “Ҳар бир иштирокчи давлат ўз ҳуқуқий тизимларининг асосий тамойилларига мувофиқ, қуйида кўрсатилган чоралар ёрдамида, коррупциянинг олдини олиш ишларини амалга оширадиган

А. ваколатли идора ёки муассаса

Б. ташкилий тизим

С. махсус ваколатли парламент

Д. орган ёки, тегишли ҳолатларда, органлар мавжуд бўлишини таъминлайди

14. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 10-моддасига биноан давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, унинг оммавий маъмуриятининг, шу жумладан уни ташкил этилиши, фаолияти ва, тегишли ҳолларда, қарорларни қабул қилиш жараёнларига татбиқан, ошкоралигини кучайтириш учун

А. оммавий ҳисобдорлик

Б. касбий фаоллик

С. интизомий маъсулият

Д. соҳавий назорат жорий этиш учун чораларни кўради.

15. Мос келувчи жавобларни жойлаштиринг.

Коррупцияга қарши курашнинг Европа механизми	Коррупцияга қарши кураш Европа иттифоқи ва Европа Кенгашининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлар ташкил этади
Коррупцияга қарши курашнинг Европа Кенгаши ҳужжатлари	Европа Кенгаши 1949 йил 05 майда ташкил қилинган бўлиб, 47 давлатни ўз ичига олган. У умумий европа масалаларини муҳокама қилиш бўйича форум ҳисобланади
БМТнинг коррупцияга қарши конвенцияси	Коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат. Конвенция 2003 йил 31 октябрьда қабул қилинган БМТ томонидан қабул қилинган. Конвенция муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат

КАЗУСЛАР

1-казус.

ЖИБ туман суди раиси ЖИБ шаҳар суди судьяси нинг иш юритувида бўлган ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан қўзғатилган жиноят иши бўйича судланувчининг яқин қариндоши эканлиги, унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд эмаслигини, иш мазмунига кўра шартномавий муносабатларда йўл қўйилган камчилик бўлгани сабабли гаров мулки бошқа шахсларга сотиб юборилгани, шунга кўра “иш тоза иқтисодий судга тааллуқли экани”, унинг ўзи ҳам бир неча бор шунга ўхшаш ишларни кўрганлиги, ҳукм чиқариб жазо тайинлагани, лекин кўп ҳолларда юқори турувчи судлар томонидан ҳукмлари бекор қилиниб, оқлов ҳукми чиқарилганини баён қилиб, ушбу иш бўйича ёрдам бериши эвазига судланувчининг номида бўлган BYD автомашинасини унга оқлов ҳукми чиққанидан кейин номига расмийлаштириб беришини таклиф қилди. Ушбу ҳолат юзасидан ЖИБ шаҳар суди судьяси ҳамкасбининг фикрларидан кейин, у тўғри айтаётган бўлиши мумкинлиги, биринчи навбатда иш шартномавий муносабат эканлиги, эртага унинг ҳукми бекор бўлиб кетиши мумкинлиги, бундан ташқари машинали бўлиб қолиши имкони бўлганини билиб, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқмасдан, судланувчини ҳаракатларида ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд эмас деб топиб, ЖКнинг 83-моддаси 2-қисмига мувофиқ унга нисбатан оқлов ҳукмини чиқарди. Бироқ, суд ҳукми юқори турувчи судлар томонидан бекор қилинди.

Савол:

1. Жиноят иши юзасидан ўзаро манфаатдорлиги бўлган судьялар ўртасида ишнинг мазмуни ва судланувчининг ҳаракатларида жиноят аломатлари бор-йўқлиги юзасидан ўзаро маслаҳатлашув амалга оширилиши ва шунга асосан ишни ҳал қилиш ҳолатини қанчалик тўғри деб ҳисоблайсиз?

2. Судьяларнинг ҳаракатларига баҳо беринг. Уларнинг ҳаракатлари қандай квалификация қилиниши лозим?

3. Судья ушбу ҳолатда ҳамкасбининг ҳаракатлари бўйича қандай ҳаракат қилиши лозим эди?

2-казус.

Адвокат маҳаллий фуқарога суд томонидан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини ЖИБ туман суди судьяси орқали ижобий ҳал қилиб беришни ваъда қилиб, бунинг учун фуқародан 5000 АҚШ долларини пора тариқасида олаётган вақтида тезкор ходимлар томонидан қўлга олинган. Дастлабки тергов давомида адвокат ҳақиқатан ҳам судья билан ушбу иш бўйича гаплашгани, бироқ, судья ишни ижобий ҳал қила олмаслигини айтгани, шундан кейин иш бўйича пулларни ўзига олиб қолиш мақсадида фуқародан ўзи учун олгани, кейинчалик имкони бўлмади деб қайтариб беришни режалаштирганини маълум қилган.

Савол:

1. Судьяларга нисбатан муайян иш бўйича пора таклиф қилинганида ҳолат юзасидан хабардор қилиш тизими яратилганми?
2. ЖИБ туман суди судьясини қандай жавобгарликка тортиш мумкин?

3-казус.

Адвокат А.Б. ўзи қатнашаётган иш бўйича судья Д.А. ўзининг яқин курсдоши эканини билиб, суд иши бўйича жавобгарлар яқин қариндошлари эканлиги, уларга нисбатан даъвогар томонидан шартнома бўйича сўралган пулни ундириб беришни имкон қадар рад қилиб беришни сўради. Судья Д.А. даъвогарнинг талаблари асосли бўлсада А.Б. яқин курсдоши экани, бир неча йиллар бирга ўқигани, унга ёрдам бермаса хафа бўлиб қолади деб ўйлаб даъво талабини қисман қаноатлантириб берди.

Савол:

1. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Судья ушбу ҳолатда қандай ҳаракат қилиши лозим эди?
3. Адвокат курсдоши бўлган судьяга шу мазмундаги илтимослар билан мурожаат қилиши мумкинми?

4-казус.

ЖИБ шаҳар суди судьяси иш юритувида бўлган ЖКнинг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилган судланувчи Р.В ва А.Л лар унга таниш эканлиги, яна бир судланувчи эса судья 5 ой олдин уй олаётган вақтида 30 миллион сўм қарз олган таниши бўлиб чиқди. Ишни кўриш жараёнида судланувчи судьяга берган пулларида кечиб юбориши, эвазига енгилроқ жазо тайинлаб беришини сўради. Судья судланувчидан олган пуллари қайтариб

бермаслик мақсадида уларга қонундан четга чиққан ҳолда енгиллик қилиб берди.

Савол:

1. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Судья ушбу ҳолатда қандай ҳаракат қилиши лозим эди?
3. Судья иш бўйича судланувчининг илтимоси қонуний бўлган ҳолатда ишни кўриб чиқиши ва қонун доирасида ёрдам бериши мумкинми?

5-казус.

ФИБ судьяси яқин қариндошларига тегишли ишлаб чиқариш фирмасига доимий тартибда ҳуқуқий томондан кўмак бериб туради. Уларнинг ишларига баъзида шартномалар тайёрлаб беради. Фирма раҳбари 2023 йил декабрь ойида ЖКнинг 244-моддаси билан жавобгарликка тортилди. Унинг турмуш ўртоғи судьядан ёрдам беришини сўради. Судья уларга ёрдам бериш мақсадида адвокатни ишда иштирок этиб беришини ва ишни кўриб чиқаётган судья пулни яхши кўришини, унга 10.000 АҚШ доллари берса директорни озод ҳам қилиб юборишини айтиб, унга 10.000 АҚШ доллари бераётган вақтида ушланади.

Савол:

1. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Судья ушбу ҳаракатлари билан қайси қонун ҳужжатларини бузган деб ўйлайсиз?

6-казус.

Фуқаролик ишлари бўйича судья ёрдамчиси ўзининг судьяси орқали аризачининг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқариб бериш юзасидан аризачидан 5000 АҚШ доллари олаётган вақтида қўлга олинган.

Дастлабки тергов жараёнида ўтказилган тергов жараёнида судья ёрдамчиси ушбу пулларни судьянинг кўрсатмаси бўйича олганлигини, бу пуллар бўйича умуман манфаатдор эмаслигини маълум қилган.

Савол:

1. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Судья ва судья ёрдамчиси қандай ҳаракатни амалга оширишлари лозим эди?

3. Судьяни жиноий жавобгарликка тортиш мумкинми?

7-казус.

Иқтисодий суднинг судья катта ёрдамчиси тадбиркорга оид кўрилатган иш бўйича унинг фойдасига ишни ижобий ҳал қилиб бериш мақсадида 6000 АҚШ доллари олиган. Бироқ, иш бўйича тадбиркорнинг фойдасига эмас, балки қарши тарафнинг фойдасига қарор қабул қилинган.

Ушбу ҳолат бўйича тадбиркор ишни кўриб чиққан судьянинг қабулига кириб, ишнинг моҳиятини тушунтириб беришини, судья ёрдамчисига иш бўйича 6000 АҚШ доллари берганлигини айтиб, пулларни қайтариб беришни сўраган.

Савол:

1. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Судья ушбу ҳолатда тадбиркор ва судья ёрдамчисининг ҳаракатлари бўйича қандай қонуний ҳаракатни амалга ошириши лозим?

8-казус.

ЖИБ туман суди раиси ўз иш юритувида бўлган тумандаги мактабгача таълим муассасалари ходимлари томонидан аниқланган камомад бўйича маъмурий ишни кўриб чиқиш давомида ўзининг фарзандларини тарбиялаётган тарбиячиси ҳам маъмурий жавобгарликка тортилатганини кўриб, унга енгил жазо тайинлаб берган. Қолган камомад аниқланган мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари бундан норози бўлиб, вилоят судига ариза билан мурожаат қилишган.

Савол:

1. Судьянинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Суд ишларини кўриб чиқишда бир тарафнинг манфаатларини ифодалаб қарор қабул қилишга оид ҳаракатларига нисбатан қонунчиликда қандай қоидалар белгиланган?
3. Судьянинг ушбу ҳаракатлари учун қандай жавобгарликка тортиш мумкин?

9-казус.

Туман солиқ инспекцияси ходимлари маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар бўйича тайёрланган ишларни ЖИБ судига кўриш учун киритишда жуда кўп қийинчиликларга дуч келишди. Туман

солиқ инспекцияси ходимиға туман судининг девонхона мудири ишларни ўз вақтида ва доимий тартибда ўтказиб туриш эвазига суд биносининг ҳовлисидаги бўш ер майдонларини газонлаштириб беришни сўради.

Савол:

1. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Ушбу иш бўйича коррупция ҳолатлари мавжудми? Фикрингизни ҳуқуқий асослаб беринг.
3. Туман солиқ инспекцияси ходимлари кимга ва қандай муурожаат қила олишлари мумкин?

10-казус.

Туман ҳокимлигининг бир нечта мансабдор шахслари ўзаро тил бириктириб, туманда бўш турган ва фойдаланилмаётган квартираларни эгасиз ашё деб топиш бўйича қалбаки ҳужжатларни тайёрлаб, ФИБ судига ариза киритиб келишади. Бир неча маротаба ушбу ишлар бўйича ФИБ судининг судьялари томонидан аризалар қаноатлантирилган. Кейинчалик ишни кўриб чиққан судья иш бўйича уйларни эгасиз ашё деб топиш тўғрисидаги аризалар бўйича қалбакилаштириб ҳужжатлар тайёрланиб келинаётганини билди. Бироқ, бир нечта ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари чиқариб бўлинган эди. Шу сабабли судья бу ишларни ҳеч кимга айтмасдан келди. Ҳолат ДХХ ходимлари томонидан аниқланди ва судья ҳам иш бўйича жавобгарликка тортилди.

Савол:

1. Судьянинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Судья ишда қалбакилаштириш ҳолатларини билган вақтидан бошлаб қандай ҳаракатларни амалга ошириши лозим эди?

11-казус.

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси ўринбосарига унинг ўғилларининг бешик тўйида ўз иш юритувидаги судланувчи А.Б. тўй куни 20 000 АҚШ долларини тўйга суюнчи пули сифатида бериб кетди. Судья ҳам ушбу пулларни тўёна сифатида берилган деб ўз мақсадлари йўлида ишлатиб юборди.

Савол:

1. Судьялар томонидан совғалар олиш тартиби мавжудми?
2. Судьянинг ҳаракатлари тўғрими? Фикрингизни ҳуқуқий асослаб беринг.

12-казус.

Туман суди раиси тумандаги давлат архиви бўлими бошлиғини судга чақириб, ушбу суднинг иш юритувида архив бўлими ходимиға нисбатан жиноят иши мавжудлигини, суд томонидан мазкур ходим айбдор деб топилса архив бўлими бошлиғига ҳам таъсир этишини, иш бўйича унга ёрдам бериши эвазига давлат архиви бўлими ходимлари жиноят ишлари бўйича иш хужжатларини тикишга 3 ой давомида ёрдам беришларини талаб қилди. Архив бўлими бошлиғи ҳозирда ходимларининг бўш вақти йўқлиги, судьянинг илтимосларини амалга ошира олмаслигини маълум қилди.

Савол:

1. Судьянинг ҳаракатлари тўғрими?
2. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

13-казус.

ФИБ туман суди судьяси тумандаги А. банки раҳбарини чақиртириб, унинг ходимлари доимий тартибда судга даъво ариза киритишларини, суд томонидан ушбу аризалар ўз вақтида кўриб берилаётганига ишора қилиб, банк раҳбаридан 400 миллион сўм миқдоридаги нақд имтиёзли кредит ажратиб беришини сўради.

Савол:

1. Ушбу ҳаракатлар бўйича коррупция аломатлари мавжудми?
2. Судьянинг ҳаракатлари тўғрими? Фикрингизни ҳуқуқий асослаб беринг.

14-казус.

Судья ёрдамчиси туман ЙПХ бўлими бошлиғи А.Ж.ни суд биносига чақиртириб, ЖИБ раиси томонидан 21 март Наврўз байрами муносабати билан 10 кишилик суд ходимлари учун байрамга харажат қилиб келиб беришини маълум қилиб, суд ходими ўзи томонидан тузиб берилган керакли нарсаларнинг рўйхатини берди.

Савол: Суд ходимининг ҳаракатларига баҳо беринг.

15-казус.

Туман прокурори А.Д. туман ЖИБ суди раисининг қабулига кириб, прокуратура томонидан судга чиқарилган ЖКнинг 116-моддасида назарда тутилган жиноят иши бўйича судланувчилар ўзи

томонидан илтимос қилинган ишларни бажармаганликлари, унга бу жуда ҳурматсизликдек туюлгани сабабли, уларга нисбатан энг оғир жазо тайинлаб беришни илтимос қилди. Судья туман прокурорининг илтимослари бўйича ишни кўриб чиқиб, қонуний етарли асослар мавжуд бўлмасада судланувчилар учун энг оғир жазоларни тайинлади.

Савол:

1. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Ушбу иш бўйича коррупция ҳолатлари мавжудми? Фикрингизни ҳуқуқий асослаб беринг.
3. Судья туман прокурорининг ҳаракатлари юзасидан қандай ҳаракатларни амалга ошириши лозим эди?

16-казус.

ЖИБ судьяси ўз иш юритувидаги жиноят иши бўйича судланувчини мебель ишлаб чиқарувчи эканлиги, у тумандаги энг зўр мебелларни ясаб сотишидан хабар топиб, ишни кўриш давомида хонасига судланувчини чақириб, иш бўйича унга бир қатор енгилликлар қилиб беришини айтиб, эвазига ўзининг хизмат хонасидаги мебелларни янгилаб беришини сўради.

Савол:

1. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Ушбу иш бўйича коррупция ҳолатлари мавжудми? Фикрингизни ҳуқуқий асослаб беринг.
3. Судья ушбу ишни кўриб бўлганидан кейин бундай илтимос билан мазкур шахсга мурожаат қилиши мумкинми?
4. Судьянинг ҳаракатлари юзасидан судланувчи қандай ҳаракатларни амалга ошириш лозим эди?

17-казус.

Судья янги уй сотиб олди. Қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича рухсатнома олиш юзасидан туман архитектура бўлими бошлиғини хонасига чақиртириб, архитектура бўлимининг бир қатор жиноий ишлари тўғрисида хабардор эканлиги, уларга ёрдам бериб келаётганини билдириб, эвазига уй-жойлари бўйича чизмаларини тайёрлаб беришни, қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича рухсатнома олиб беришини сўради.

Савол:

1. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

2. Ушбу иш бўйича коррупция ҳолатлари мавжудми? Фикрингизни ҳуқуқий асослаб беринг.

18-казус.

ФИБ туманлараро судига банк даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгардан 450 000 000 сўм қарздорликни ундириб беришни сўради. Ишни кўриш давомида жавобгар судьянинг таниши эканлиги маълум бўлди. Судья ишда ўзини-ўзи рад қилмасдан ишни кўришда давом этиб, даъво аризани тўлиқ рад қилиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди. Сўнгра эса жавобгар унга миннатдорлик сифатида 1000 АҚШ долларини беришини таклиф этди. Судья жавобгарнинг яқин қариндоши томонидан 1000 АҚШ долларини олиш вақтида ушланди.

Савол:

Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

19-казус.

ЖИБ туман судида бир неча йиллардан бери ишлаб келувчи судья ёрдамчиси Б. судга янги судья келгани сабабли ишдан бўшатиб юборилиб, унинг ўрнига янги судьянинг яқин қариндоши бўлган бошқа шахс қабул қилинди. Бу ҳолатдан Б. норози бўлиб судьянинг устидан вилоят судьяларнинг малака ҳайъатига шикоят қилди.

Савол:

1. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Суд ходимларини танлаш ва тайинлаш тартиби қандай?
3. Ушбу иш бўйича судья ва суд раисининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

20-казус.

Судьяларнинг малака ҳайъатида иши кўриб чиқиладиган судья В. судьяларнинг малака ҳайъати раиси бўлган П.нинг унда адовати бўлгани сабабли ишни тўғри кўриб чиқиш имкони йўқлигини, малака ҳайъатидаги бошқа судьялар ҳам малака ҳайъати раиси П.нинг айтган гапидан чиқа олмасликларини маълум қилиб, ишини бошқа малака ҳайъати кўриб чиқишини сўради.

Савол:

1. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

2. Судьяларнинг малака ҳайъатларида ишларни кўриб чиқишда судья томонидан малака ҳайъатларида ишларни кўриб чиқишни рад қилиш имкони мавжудми?

3. Ушбу иш бўйича судья В.нинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

21-казус.

ЖИБ туман судининг раиси П. ўз иш юритувида бўлган туман ИИБ ЙПХ бўлими ходимларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича туман ИИБ бўлими бошлиғини чақиртириб, унинг ҳам ҳаракатларида жиноят аломатлари борлигини маълум қилиб, уни жиноят ишига жалб қилиши мумкинлигини, иш бўйича жавобгарлар ва уларнинг адвокатлари бу ҳақида суддан талаб қилаётганлигини, шу сабабли ундан жиноят иши бўйича жабрланувчиларни эътирозларини йўқ қилишини сўради. Бироқ, судьянинг ушбу ҳаракатларидан жабрланувчиларнинг адвокати хабар топиб, судьянинг ҳаракатлари бўйича судьяларнинг малака ҳайъатига ариза билан мурожаат қилди.

Савол:

1. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Судьялар томонидан ишда тарафларнинг манфаатларини ифодалаш бўйича шундай вазифаларни ёки йўналтирувчи тушунтиришларни бериши мумкинми?

22-казус.

Судья ўзининг ёрдамчиси ва девонхона мудир А. ва Б. лар томонидан унинг иш юритувидаги иш бўйича фуқаролардан 1000 АҚШ долларини олиб, суднинг ижобий ҳал қилув қарори чиқариб бериш тўғрисида келишиб олишгани ҳақида хабар топди. Судья ҳолатдан хабар топиб, А. ва Б. ларга фуқароларнинг пулларини ўзларига қайтариб беришларини талаб қилиб, бундай ишларни келгусида қилмасликлари ҳақида огоҳлантирди. Бироқ, кейинчалик ходимлар пулларни олгани ҳолати бўйича жавобгарликка тортилди.

Савол:

1. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Судья ушбу ҳолат бўйича қандай ҳаракат қилиши лозим эди?

Ҳожи-Мурод Исроилович Исоқов
Дилшод Ўринбоевич Арипов

**СУД ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР
ТЎҚНАШУВИ ВА КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШ**

Дарслик

Тошкент – 2024